

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

МАМАСИДДИҚОВ МУЗАФФАРЖОН МУСАЖОНОВИЧ

**МЕҲНАТ НИЗОЛИ ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўқув қўлланма

Тошкент-2003

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИГА КЎРА НАШРГА
ТАВСИЯ ЭТИЛГАН

Масъул муҳаррир:

Юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
профессор Ш.Ш.Шорахметов

Тақризчилар:

Юридик фанлари доктори Оқюлов Омонбой-ТДЮИ “Хўжалик ва
меҳнат ҳуқуқи” кафедраси мудирининг ўринбосари

Юридик фанлари номзоди Азимов Мурод Каримович-Ўзбекистон
Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари.

Мамасиддиқов М.М. Меҳнат низоли ишларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари

Ўқув қўлланма / ю.ф.д. проф. Ш.Ш.Шорахметовнинг таҳрири остида.-Т.: 2003.-146 б.

Мазкур ўқув қўлланмада меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўриб ҳал қилишнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўриб ҳал қилиш тартибини белгиловчи қонунларни такомиллаштириш, фуқароларнинг ўз меҳнат ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтириш ва судларнинг ушбу туркумдаги ишларни кўриб ҳал қилишга доир ваколатлардан фойдаланиш муаммолари юзасидан фикрлар билдирилган.

Қўлланма илмий ва амалиёт ходимлари, талабалар, корхона раҳбарлари ва ходимлар, шунингдек кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

К И Р И Ш

Ҳуқуқий демократик давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла таъминланиши, қонунларнинг устиворлиги ва барчанинг қонун олдида тенглиги кафолатланади. Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ўз олдида демократик, ҳуқуқий давлат куришни ўз олдида олий мақсад қилиб қўйди. Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш борасида Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг замирида эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш устивор вазифа қилиб белгиланди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилаётган ҳозирги даврда суд органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш энг самарали усул эканлиги жаҳон тажрибасида кўп йиллар давомида ўз исботини топиб келади.

Президентимиз И.А.Каримов «Суд ислохотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш-ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналиши» эканлигини таъкидлаб, ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур»лигини кўрсатади.¹ Шунингдек, юртбошимиз ўзларининг қатор маърузаларида «фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркорлиги»², бу борада «...фуқаролик ишларини кўриб чиқаришда, бу жараённинг истисносиз барча босқичларида тарафларнинг ҳақиқий тенглигини ва ўзаро тортиша олиши учун шароит яратиш, ... даъво аризалари ва имкониятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш»³ муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд қилади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2000 йил 14 августдаги ПФ-2682-сонли "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони⁴га биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикцияли судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жинойт ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислох қилишдаги жиддий қадамлардан бири бўлди. Ҳеч шубҳасиз, ушбу Фармон фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтиришга, судларда фуқаролик ишларининг қонунларга қатъий амал қилган ҳолда, сифатли ва ўз вақтида кўриб, ҳал этилишига хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Шозирги бос=ичда демократик ислохотларни чу=урлаштиришнинг мушмим вазифалари. Миллий давлатчилик, исти=лол мафқураси ва шу=у=ий маданият тўғрисида. Т.:ИИВ Академияси.,1999. Б. 381-382.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва и=тисодий исти=боланинг асосий тамойиллари.-Т.: Ўзбекистон, 1995,-Б.23-24.

³ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чу=урлаштириш ва фу=аролик жамяти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Тошкент о=шоми. 2002. 30 авг. № 102-103.

⁴ Ўзбекистон Республикаси =онун шужжатлари тыплами. 2000. № 3. 30-модда.

Суд тизимини демократик тамойиллар асосида ислоҳ этиш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” 2000 йил 14 декабрдаги 162-/-сонли қонуни⁵нинг қабул қилиниши эса судьяларнинг ўз ихтисосолигига қараб, қонунларни ва суд амалиётини янада чуқур ўрганиш имкониятини яратади.

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчил ривожланиб бораётган ҳозирги даврда фуқароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини судлар томонидан самарали ҳимоя қилиш, суд процессида тарафларнинг тенглиги ва ўзаро тортишуви учун шароит яратиш, меҳнат низоларини кўриб ҳал қилиш жараёнини янада соддалаштириш, тарафларни ўзаро келишувга эришиш учун судлар томонидан ҳайрихоҳлик билдириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида меҳнатга оид низоли ишларни ҳал қилиш учун қонунда белгиланган процессуал хусусиятларга эътибор бермаслик эса мазкур туркумдаги ишлар юзасидан ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз ҳал қилув қарорларининг чиқарилишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур туркумдаги низоли ишларни мазмунан кўриб, ҳал қилиш жараёнида қўлланиладиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий ҳамда меҳнат ҳуқуқи нормаларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан мазкур қўлланма ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Мазкур қўлланмадан кўзланган мақсад-меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўриб ҳал қилишнинг процессуал хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни яхлит тарзда тадқиқ этиш, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жадал суъратларда ривожланиб бораётган ҳозирги даврда суд органларининг меҳнатга доир низоли ишларни ҳал қилишдаги самарадорлигини ошириш, ушбу жараёни мумкин қадар соддалаштириш ва такомиллаштириш, меҳнат низоли ишларини кўриб ҳал қилиш тартибини белгиловчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга изоҳ бериш, уларни ҳозирги замон талабларига жавоб бериш даражасини аниқлаш ва такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

⁵ Ўзбекистон Республикаси оғун шужжатлари тыплами. 2000. № 11. 155-модда.

I БОБ. Меҳнат низоларининг тааллуқлиги, судловлиги ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқлари

1-§. Меҳнат низоларини олдини олиш бўйича судларнинг фаолияти

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўл бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамиятини куриш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш беришдан иборатдир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида, Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро битимларда ўз ифодасини топган ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни ўз эрки билан танлаб олиш, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитлари бўлиши, ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқи⁶ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил қабул қилинган Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди.⁷

Ходимларни ишдан бўшатиш фақат қонунда кўрсатилган тартибдагина амалга оширилиши мумкинлиги ҳам фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг энг муҳим кафолатидир.⁸ Ушбу тартибнинг бузилиши эса ўз навбатида ходимнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини паймол этиш деб баҳоланиб, ходимнинг ушбу ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кенгайтирилди. Хусусан, Конституциямизнинг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланган. Шундай экан, ҳозирги бозор муносабатлари даврида судлар олдида турган асосий вазифалардан бири меҳнат қонунчилигини тўғри тадбиқ этиш, меҳнат низоларини сифатли ва ўз вақтида кўриб ҳал қилиш, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар доирасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг бузилишини олдини олишдан иборатдир. Президентимиз И.А.Каримов ўзларининг катор асарларида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтади.⁹ Дарҳақиқат, мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ўсиши, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ривожланиши ва кенгайишига олиб келмоқда. Жумладан, 1997 йилда судларга 42.400 та, 1998 йилда 43.400 та даъво аризалари келиб тушган бўлса, 2001 йилга келиб фуқаролик ишлари бўйича судларга 90.607 та, 2002 йилнинг 9 ойида эса 88456 тани ташкил этган.

Судларда кўриб ҳал этилаётган фуқаролик ишлари ичида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар кўпчиликти ташкил этишини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича келиб тушган даъво аризалари 1999 йилда 865 та, 2000 йилда эса 890 тани ташкил этган. Шунингдек, меҳнат вазифасини бажаришда ходимлар томонидан етказилган

⁶ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол.-Т.: Адолат. 1992. Б.15.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2001.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси.-Т.: Ўзбекистон, 1995. Б.106.

⁹ Каримов И.А. Янги ҳаёт ва ишлаш-давр талаби. т.5.-Т.: Ўзбекистон. 1997. Б.127.

мулкий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар 2001 йилда 5457 та, 2002 йилнинг 9 ойида эса жами 3489 тани ташкил этган.¹⁰

Юқорида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, фуқароларимиз онгида суд идоралари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш усули сифатида шаклланиб бормоқда.

Айтиш жоизки, судларга мурожаат қилаётган шахслар даъво талабларининг асосий қисми қаноатлантирилмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, 2001 йилда жами давол ишлар бўйича судлар томонидан кўриб ҳал қилув қарори чиқарилганишлар Республика бўйича 90607 тани ташкил этган бўлса, шулардан 85346 таси, яъни 94,2 фоизи юзасидан даъволар қаноатлантирилган. 2002 йилнинг 9 ойида ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар 71902 тани ташкил этган бўлса, шулардан 63420 таси бўйича даъво талаблари тўлиқ, 3884 таси эса қисман қаноатлантирилган.

Шунингдек, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар бўйича келтириляётган даъво талабларининг ҳам асосий қисми судлар томонидан қаноатлантириляётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, 2000 йилда ишга тиклаш тўғрисидаги даъволар бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар 522 тани ташкил этган бўлса. Шулардан 348 таси, яъни 66,6 фоизи юзасидан даъво талаблари қаноатлантирилган. Меҳнат вазифаларини бажариш давомида ходимлар томонидан етказилган ишлар 2001 йилда 5457 тани ташкил этиб, шулардан 5200 таси, яъни 95,3 фоизи, 2002 йилнинг 9 ойида эса 3489 тани ташкил этиб, шулардан 90 фоизи, яъни 3111 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган.¹¹

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, судларга келиб тушаётган даъво талаблари, хусусан, меҳнатга оид ишлар юзасидан даъво талабларининг асосий қисми судлар томонидан қаноатлантирилмоқда. Бу эса меҳнат ҳуқуқий муносабатларда қонун бузилишларининг кўплаб содир бўляётганлигидан, фуқароларимиз ҳамда айрим мансабдор шахсларнинг меҳнатга доир қонунларни етарли даражада билмасликларидан далолат беради.

Меҳнат низоларининг юзага келиш сабабларини бартараф этиш учун курашиш лозим бўлади. Айтиш жоизки, кейинги йилларда меҳнат қонунчилигининг бузилишига сабаб бўладиган омилларни ўрганиш, уларни бартараф этиш, шунингдек меҳнат қонунчилигини мустаҳкамлаш, унинг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш борасида барча жабҳаларда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бу борада суд органларининг фаолиятини кучайтириш, судлар томонидан меҳнатга оид қонунларни ўрганиш ва уларга амал қилиш масалаларида таркибот-ташвиқот ишларини янада ривожлантириш давр талабига айланмоқда. Меҳнатга доир муносабатларда қонун бузилишларини олдини олиш борасидаги суд органлари ўзига хос процессуал воситалардан фойдаланадилар. Хусусан, меҳнат низоларининг келиб чиқиш сабаблари чуқур текширилиши ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш тўғрисида тегишли иш берувчиларга ёки мансабдор шахсларга

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистика билиминининг 2002 йилги маълумотномасидан.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистика билиминининг 2002 йилги маълумотномасидан

нисбатан хусусий ажрим чиқариши шулар жумласидандир (ФПКнинг 19-моддаси). Лекин суд амалиёти шундан далолат бермоқдаки, меҳнат қонунчилигини кўпол равишда бузган мансабдор шахсларга нисбатан судлар томонидан қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим чиқариш қониқарсиз аҳволда. Маълумотларга мурожаат қилсак, Республикамизнинг барча фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларида 2000 йилда жами ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар 74624 тани ташкил этиб, шулардан 4258 таси юзасидан хусусий ажрим қабул қилинган. 2001 йилда эса ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар 88600 тани ташкил этиб, шулардан бор-йўғи 1986 таси бўйича суднинг хусусий ажрими чиқарилган. 2002 йилнинг сўнгги 9 ойи бўйича маълумотларга мурожаат қилсак, судлар томонидан ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар 71902 тани ташкил қилган бўлса, шулардан 63420 та, яъни 88,2 фоиз ишлар юзасидан даъво талаблари қаноатлантирилган ва шулардан 1589 таси бўйича хусусий ажрим чиқарилган. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар 1999 йилда 537 та бўлиб, шундан 347 таси бўйича даъво қаноатлантирилган ва 42 та хусусий ажрим чиқарилган. 2000 йилда эса 522 та ишдан 348 таси бўйича даъво қаноатлантирилиб, шулардан 31 таси юзасидан суднинг хусусий ажрими чиқарилган холос.¹² Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, йилдан-йилга судларда ходимларни ишга тиклаш тўғрисидаги даъво талабларининг қаноатлантирилиши кўрсаткичи ортиб бормоқда, лекин қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш эса борган сари камайиб бормоқда.

Меҳнат низоларининг юзага келиш сабабларини бартараф этиш чоралари сифатида судлар томонидан олиб борилаётган ҳуқуқ-тарғибот ишларининг муҳим процессуал кўриниши сифатида меҳнатга оид низоли ишларни сайёр судларда кўриб ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳуқуқ-тарғибот ишларини амалга оширишнинг юқоридаги процессуал воситаси фақат судлар томонидангина олиб борилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бинобарин, меҳнат низоларини ходимнинг иш жойида, жамоатчилик иштирокида кўриб, ҳал қилиш самарали ва суд мажлисининг таъсирчанлигини оширувчи муҳим тадбир ҳисобланади. Кўпчилик ҳуқуқшунос олимларлар ҳам меҳнатга оид низоли ишларини сайёр судларда кўриб ҳал қилинишининг ижобий хусусиятлари тўғрисида фикр билдирганлар.¹³ Дарҳақиқат, меҳнат ишларининг сайёр судларда кўриб ҳал этилиши фуқаролар ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти ва тарбиясини оширишнинг муҳим шакли бўлиб, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибоотни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Суд статистикасига мурожаат қиладиган бўлсак, 2002 йилнинг сўнгги 9 ойида Республика бўйича фуқаролик ишлари юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар 71902 тани ташкил этган бўлса, шулардан 9229 таси, яъни 13 фоизи сайёр судларда кўриб ҳал этилган.¹⁴

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш билимининг 2001 йил маълумотномасидан.

¹³ Грось Л.А. Процессуальные особенности рассмотрения и разрешения трудовых дел.-М.: ВЮЗИ. 1985.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди статистика билимининг 2002 йилги маълумотномасидан.

Шу ўринда айтиш жоизки, сайёр суд мажлиси фуқаролик процессуал қонунчилигида ўз аксини топмаган. Бу фуқаролик процессида ўзига хос бўлган анъаналардан биридир. Лекин шундай бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорида ходимларни ишга тиклаш, меҳнатга оид етказилган зарарларни ундириш ҳақидаги ишларни мумкин қадар сайёр судлар томонидан қорхонанинг ўзида кўрилиши юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Назорат саволлари:

1. Меҳнат қонунчилигининг бузилишини олдини олишда судлар қандай процессуал чоралардан фойдаланадилар?
2. Хусусий ажрим нима ва унинг аҳамияти ҳақида гапиринг?

2-§. Меҳнат низоларининг тааллуқлилиги ва судловлиги

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал қилиниши ходимлар ва меҳнат жамоаларининг меҳнат ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишига, бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларнинг тикланишига асос бўлади. Бу борада меҳнат низоларининг қандай органлар томонидан кўриб чиқилиши масаласини тўғри ҳал этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Аввало, фуқаролик ишларининг қайси органларда кўриб чиқишга тааллуқлилигини аниқлаб олайлик. Юридик адабиётларда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилоти зиммасига юклатилганлиги тааллуқлилиқ деб аталади.¹⁵

Меҳнат низоларининг тааллуқлигига таъриф бериш борасида ҳуқуқшунос олимларнинг фикрида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд эмас. Жумладан, К.Н.Гусов ва В.Н.Толкунованинг фикрича, тааллуқлилиқ-бу меҳнат низосининг мазмуни ва хусусиятига қараб, дастлаб қайси органда кўриб ҳал қилиниши демакдир.¹⁶ И.О.Снигирева эса, меҳнат низоларининг тааллуқлигига у ёки бу турдаги меҳнат низоларини кўриб ҳал қилувчи органларининг ваколатлари деб таъриф беради.¹⁷

Фикримизча, меҳнат низоларининг тааллуқлилиги деганда меҳнат низолари мазмуни бўйича қайси орган томонидан кўриб ҳал қилиниши англашилади. Меҳнат низоларининг тааллуқлилиги, яъни уларнинг қаерда кўриб чиқилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 269 ва 276-моддалари

¹⁵ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқлари: Дарслик.-Т.: Адолат. 2001. Б.124.

¹⁶ Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России. Учебник. 2-изд.-М.:Юристъ, 2000. С.380-381.

¹⁷ Трудовое право. Учебник. 3-изд. М.: Проспект. 1999. 432 с.

ҳамда ФПКнинг 31-моддалари билан тартибга солинади. Якка тартибдаги меҳнат низоларида низонинг хусусияти ва уни келтириб чиқарувчи ҳуқуқий муносабат ҳамда низолашувчи шахсларнинг таркиби, айрим ҳолларда эса низонинг предмети тааллуқлиликини белгиловчи асосий мезон сифатида эътироф этилади. К.Н.Гусов ва В.Н.Толкуновалар ҳам тааллуқлиликини белгилаш учун асослар сифатида низонинг мазмуни ва уни юзага келтирувчи ҳуқуқий муносабатларни, шунингдек низонинг субъектларини кўрсатадилар.¹⁸ Бизнинг фикримизча, меҳнат низосининг тааллуқлилигини белгилашда, аввало, низонинг қайси турда эканлигини, якка тартибдаги низо бўлса, унинг хусусиятини; меҳнат қонунчилигини қўллаш ёки янги меҳнат шартларини белгилаш бўйича ва яна қайси ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган, аммо бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган меҳнат ишларининг тааллуқлилигини белгилаш шулар жумласидандир. Масалан, ишга жойлаштириш, ишга қабул қилишни рад этиш билан боғлиқ меҳнат низолари меҳнат низолари комиссиясида кўриш учун тааллуқли бўлмайди. Шунингдек, мазкур комиссия нафақа тўлаш билан боғлиқ меҳнат низоларини ҳам кўриб, ҳал қилиш ваколатига эга эмас. Шунинг учун ҳам меҳнат низоларининг юқоридаги хусусиятларига алоҳида эътибор беришлик талаб этилади, акс ҳолда меҳнат ишларининг тааллуқлилиги нотўғри белгиланиши ҳамда иш кўришга ваколатли бўлмаган орган томонидан чиқарилган қарор бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябрдаги 18-сонли қарорининг 6-бандига мувофиқ, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, уй-жой қурилиш кооперативлари, акциядорлик жамиятлари, касаба уюшмаси ташкилотлари ва шу кабиларнинг умумий мажлислари ҳамда уларнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахсларининг қарорлари устидан ҳам судга шикоят қилиниши мумкинлиги юзасидан судларга тушунтиришлар бериб ўтилади.¹⁹ Шу ўринда ходим томонидан судга мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни низоли тартибда бериладиган даъво аризалардан фарқлай билиш керак.

Судларга берилаётган шикоятлар ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мавжуд эмаслиги билан даъво аризалардан ажралиб туради ва судда иш кўришнинг процессуал тартибида ҳам қатор ўзига хос фарқлар мавжуд.

Лекин айрим судлар ҳуқуқ тўғрисидаги низолар келиб чиққан ҳолларда шикоятларни кўрмасдан қолдириш ёки уни умумий тартибда даъво қўзғатиш йўли билан ҳал қилмаслик ҳоллари учраб туради. Масалан, Мирзо Улуғбек туман суди ўз иш юритувига В.Хлюстовнинг «Гаров тараққиёт» ОХЖ мансабдор шахсининг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан ўз вақтида меҳнат дафтарчасини бермагани ҳақидаги шикоятини қабул қилган. В.Хлюстов суд жараёнида иш берувчи зиммасига меҳнат дафтарчасини бериш мажбуриятини юклашни сўраш

¹⁸ Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Ыша асар. С. 380-381.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тыплами. 1991-1998. II-жилд.-Т.: Шар=. 1999. Б.42.

билан бир қаторда, меҳнат дафтарчисини бериш кечиктирилганлиги учун ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни талаб қилган. Суд эса МКнинг 188-моддасига кўра, ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини вამеҳнат давтарчаси ни бериш кечиктирилганда келтирилган зарарни ундиришни талаб қилишга ҳақли эканлигидан келиб чиқиб, шикоятни мазмунан кўриб ҳал этган ва 1999 йил 17 августда иш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилган.²⁰

Юқоридаги мисолдан кўринишича, иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат низоси келиб чиққан. Лекин суд ишда судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисидаги низо мавжуд бўлсада, шикоятни мазмунан кўриб ҳал этган. Ваҳоланки, судья ушбу ҳолатда ФПКнинг 282-моддасига биноан, шикоятни кўрмай қолдириш ҳақида ажрим чиқариб, манфаатдор шахсга, яъни В.Хлюстовга ФПКнинг 149 ва 150-моддаларига риоя қилинган ҳолда умумий тартибда даъво қўзғатишни таклиф қилиши лозим эди.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мазкур низоли ишларни кўриб ҳал қилиш ваколатига эга бўлган органлар сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- 1) меҳнат низолари комиссияси;
- 2) суд органлари;
- 3) бўйсинув тартибда юқори турувчи органлар.

Якка тартибдаги меҳнат низоларининг юқоридаги органларнинг қайси бирига тааллуқли бўлишини белгилаш ушбу низонинг мазмунига, ҳуқуқий муносабатларнинг турига, унда иштирок этувчи субъектлар таркибига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 260-моддасида кўрсатилганидек, меҳнат низолари бўйича ходим меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита туман (шаҳар) судларига мурожаат этишга ҳақлидир. Меҳнат низолари комиссияси ўн кунлик муддат ичида меҳнат низосини кўриб чиқмаса ёки ҳал этмаса, манфаатдор ходим ушбу низони кўришни туман (шаҳар) судига ўтказишга ҳақлидир (Меҳнат кодексининг 267-моддаси).

Илгариги Меҳнат қонунлари кодексидан фарқли ўлароқ, ҳозирги қонунчилигимиз ходимга меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этиш ҳуқуқларини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 269-моддасига кўра, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган деган ваз билан ходимнинг аризасини судда кўриб чиқишни рад этишга йўл қўйилмайди.²¹

Амалдаги бу ҳуқуқий норманинг афзалликлари хусусида ҳуқуқшунос олимлар ўз қарашларини баён этишган. Уларга кўра ходим биринчи навбатда меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этмай, тўғридан-тўғри судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Фу=ароларнинг шу=у= ва эркинликларини бузадиган хатти-щаракатлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кыриш амалиёти ты\рисида»ги 1998 йил 11 сентябрдаги 18-сонли =арорини бажарилиши юзасидан умумлаштириши материалларидан.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.-Т.: Адолат. 1998.

Ҳуқуқий адабиётларда айрим меҳнат низоларининг судларга тааллуқли бўлмаслиги тўғрисида ҳам фикрлар мавжуд. Баъзи муаллифлар иш берувчи билан корхонадаги касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органилари ўртасида меҳнат шартларини ўрнатиш ва ўзгартириш каби масалаларда юзага келган келишмовчиликлар судларда кўриш учун тааллуқли эмаслигини, бу туркумдаги низолар тегишли қонунлар ёки бошқа айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳал этилмаган масалалар юзасидан келиб чиқишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, бундай вақтда низо бевосита корхонада иш берувчи билан ходимнинг вакиллик органи ўртасида келишиш йўли билан ҳал этилади ва мисол тариқасида ҳақидаги низоларни кўрсатадилар.²² Лекин айрим муаллифлар судларнинг корхонада ишлаб чиқариш нормасини белгилаш, ходимга нисбатан мансаб маоши ёки таъриф ставкаси миқдорини белгилаш тўғрисидаги низоларни кўришга ваколатли эмаслиги юзасидан фикр билдирар эканлар, агар ходим иш берувчи томонидан меҳнатга ҳақ тўлашдаги камситиш ва ҳақ-ҳуқуқларнинг чекланиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар содир этилганлигини асос қилиб низолашаётган бўлса, у ҳолда мазкур низо судда кўриб, ҳал этилиши лозимлигини эътироф этадилар.²³

Ўзбекистон Республикаси ФПКда судга тааллуқли бўлган меҳнат низоларининг рўйхати берилмаган. Лекин фуқаролик ишларининг судларга тааллуқлилиги ҳақида умумий қоида мавжуд бўлиб, унга кўра, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, агар уларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган бўлмаса, судларга тааллуқли бўлади. Бевосита фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низоларининг рўйхати Меҳнат кодексининг 269-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра меҳнат низолари куйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади:

— агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

— меҳнат низолари меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъий назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

— меҳнат низолари ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни тўланиши ҳақида бўлса;

— меҳнат низолари меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

— иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик, иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган (белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган ногиронлар ва ўн саккиз

²² Ўзбекистон Республикасининг меҳнат шу=у=и. Олий ы=ув юртлари учун дарслик А.А.Иноятов.-Т.: И=тисодиёт ва шу=у= дунёси. 2002, Б.351.

²³ Головина С.Ю. Рассмотрение судами дел по спором, возникающим из трудовых правоотношений. Арбитражный и гражданский процесс. Юрист.-М.: 2000. № 4. 7 с.

ёшга тўлмаган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб) ишга қабул қилмаслик юзасидан келиб чиққан низолар ҳам бевосита судларда кўриб ҳал қилинади (Меҳнат кодексининг 78-моддаси).

Шунингдек, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан меҳнат низолар ҳам бевосита судлар томонидан кўриб чиқилишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Маълумки, ходимлар томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақидаги меҳнат низолари ҳам бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши шарт бўлган ишлар жумласига киради. Лекин айрим муаллифлар ходимнинг иш берувчига нисбатан етказган зарари юзасидан келиб чиқадиган ишлар шартли равишда суд органларига тааллуқли бўлишлигини таъкидлайдилар. Жумладан, И.К.Пискаревнинг фикрича, агар иш берувчи ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш орқали зарарни ундира олмаса (масалан, иш берувчи билан ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари тугатилган тақдирда; иш берувчи томонидан бу ҳақда буйруқ бериш муддати ўтказиб юборилган тақдирда) ёки ходим томонидан етказилган зарар уларнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиқ бўлсагина ишлар суд органларида кўриб, ҳал этилиши мумкин.²⁴

Республикада иқтисодий ислохотларнинг жадал суратларда олиб борилиши натижаси ўлароқ, айрим меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар нафақат фуқаролик ишлари бўйича судларга, балки хўжалик судларига ҳам тегишли бўлишлиги ҳақидаги ҳуқуқий меъёрлар қонун ҳужжатларида ўз аксини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигига ушбу ҳуқуқий меъёрнинг киритилиши давр талабидир. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартномавий муносабатларни бажаришга сидқидилдан ёндошишлари, корхона олдидаги масъуллик ва жавобгарлик хиссини кучайтириш, қонун бузилишларини олдини олиш борасида ушбу ҳуқуқий меъёрнинг аҳамияти каттадир. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармони корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ночорлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг масъулиятини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг юқорида тилга олинган

²⁴ Особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел. /Под.ред: М.К.Треушников.-М.: МГУ, 1987.- 203 с.

Фармонни ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги 1998 йил 9 апрелдаги 72-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг 4-моддасига мувофиқ, юридик шахсга зарар келтирган мансабдор ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатида (ҳаракатсизлигида) жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, зарар етказувчи зарар етказилган пайтда зарар кўрган юридик шахс билан меҳнат муносабатларида бўлган бўлса-у ҳолда етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 202, 205, 208-моддаларида белгиланган миқдорда зарар етказган мансабдор ёки бошқа шахс ҳисобидан қопланиш ўз ифодасини топди.

Меҳнат қонунчилигида айрим тоифадаги хизматчиларга тааллуқли бўлган меҳнат низоларини кўриб, ҳал қилиш масаласи мунозарали ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 276-моддасига мувофиқ, айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, асоссиз равишда бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарни ундириш ва интизомий жазо бериш масалаларига тааллуқли меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Меҳнат низоларини кўриб чиқиб ҳал қилишнинг махсус тартиби жорий этилган айрим тоифадаги давлат хизматчилари жумласига қуйидагилар киради:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Олий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари лавозимларига сайланган, тасдиқланган ва тайинланган мансабдор шахслар;
- 2) судьялар, прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ва ёрдамчилари.

Айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларининг рўйхати меҳнат қонунчилиги билан қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) меҳнат шартномасини бекор қилиш; б) бошқа ишга ўтказиш; в) асоссиз равишда бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарни ундириш; г) интизомий жазо бериш масалаларига тааллуқли меҳнат низолари.

Айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли бошқа меҳнат низолари эса судлар томонидан умумий асосларда кўриб ҳал этилиши мумкин.²⁵

Мазкур тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини ҳал этиш тартибининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, юқорида қайд этилган масалалар юзасидан давлат хизматчилари бўйсунув тартибида юқори турувчи органга шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низом”нинг 13-бандига мувофиқ, прокуратура идоралари ходимига қўлланилган интизомий жазо чораси устидан шикоят қилиниши мумкин. Шикоят интизомий жазо бериш тўғрисида буйруқ чиқарган прокурорга ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ходимга интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруқ эълон қилинганидан кейин икки ҳафта муддат ичида берилади. Шунингдек, мазкур Низомда ходимга интизомий жазо қўллаш тўғрисида буйруқ чиқарган прокурор ёки Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори шикоят бўйича у тушган

²⁵ Трудовое право. Учебник. Отв.ред: Смирнова О.В.-М.: Проспект, 1998. 397 с.

кундан бошлаб ўн кун ичида, қўшимча текшириш ўтказиш лозим бўлган ҳолларда эса бир ойдан кечиктирмай қарор қабул қилиши лозимлиги айтиб ўтилган.²⁶

Шу ўринда айрим тоифадаги давлат хизматчиларига, шу жумладан судьялар, прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ва ёрдамчиларига тааллуқли меҳнат низолари судларда кўриб ҳал этилиши мумкинми? деган табиий савол туғилади.

Юқорида қайд қилинган “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги Низом” да ходимга интизомий жазо қўллаш тўғрисида буйруқ чиқарган юқори турувчи прокурорларнинг шикоят юзасидан қабул қилган қарорлари устидан судга шикоят қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳуқуқий норма киритилмаган. Янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил август қонунида прокуратура органлари ходимларининг интизомий жавобгарликка тортиш тартиби ўз аксини топмаган ва ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб қўйилиши таъкидланган.²⁷

Ваҳоланки, МКнинг 276-моддасида айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозимлиги баён этилсада, лекин ҳанузгача Ўзбекистон Республикасида айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини кўриб, ҳал қилиш тартиби тўғрисида махсус қонун қабул қилинмаган.

МДХ таркибига кирувчи баъзи давлатларда қайд этилган тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини кўриб ҳал қилиш тартиби белгиланган махсус қонунлар мавжуд. Хусусан, Россия Федерациясининг “Россия Федерацияси давлат хизмати асослари тўғрисида”ги 1995 йил 31 июл қонуни мавжуд бўлиб, унда Россия Федерацияси давлат хизматчиларининг мақоми ва уларга тааллуқли бўлган меҳнат низоларининг ҳал этилиши тартиби (Қонуннинг 9-моддаси) ўз аксини топган. Мазкур қонунга биноан, давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини кўриб ҳал қилиш учун тегишлича юқори турувчи давлат органига ёки судга мурожаат қилиш мумкин. Бу эса ушбу туркумдаги ишлар бўйича альтернатив (муқобил) тааллуқлилиқ жорий этилганлигидан далолат беради. Шунингдек, меҳнат низолари бўйсунув тартибида юқори турувчи органда кўриб ҳал этилгач, ушбу органнинг қароридан норози бўлса, қарор нусхаси берилган кундан эътиборан, бир ойлик муддат ичида судга мурожаат қилиши мумкинлиги Россия Федерацияси Конституциявий судининг 1993 йил 16 апрел Қарорида ўз аксини топган.²⁸ Ўз навбатида, Конституциявий суд ушбу тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат низолари судларда кўриб ҳал этилмаслиги Россия Федерацияси Конституциясига зид эканлигини ва шу

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, қирсатмалари, низом ва йириномалари тыплами. -Т.1999. 285-286 б.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни. //“Халқ сўзи”. 2001. 27 окт.

²⁸ Ведомости РФ. 1993. № 29. с.1141.

муносабат билан Меҳнат кодексига тегишли ўзгартишлар киритиш лозимлиги масаласини қўйган.²⁹

Ўзбекистон Республикасида ҳам қонунчилик фуқароларнинг, корхона, ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг турли шакллари-суд, маъмурий ва жамоатчилик йўли билан ҳимоя қилиш шакллари назарда тутиб, ўз навбатида суд йўли билан ҳуқуқни ҳимоя қилишниг устун даражага қўяди.

Президентимиз И.А.Каримов ҳам фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркорлиги, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари паймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, балки маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби учраб туришлигини, бу ҳол Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зидлигини қайд қилиб ўтганлар.³⁰

Меҳнатга оид низоли ишлар юзасидан судда даъво қўзғатиш тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилиш учун низоли иш қайси суднинг судловига тегишли бўлишлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат низоли ишларининг судловлигини аниқлаш биринчи инстанция судининг қайси бирида мазкур низо ҳал қилинишини аниқлаш демакдир. Умумий қоида бўйича фуқаролик ишлари бўйича аризалар жавобгарнинг доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади.

Ташкилотларга нисбатан ариза уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судга берилади (ФПКнинг 145-моддаси).

Меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларнинг аксарияти (масалан, ишга тиклаш, аввалги иш жойига ўтказиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифини ўзгартириш, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низоли ишлар) жавобгар-иш берувчи жойлашган жойдаги судларда қўзғатилади.³¹ Лекин ходимлар томонидан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъволар билан корхона жойлашган судга мурожаат қилиш мумкинлигини қонун истесно қилмайди. Дарҳақиқат, ФПКнинг 241-моддасига мувофиқ, фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойда ҳам тақдим қилиниши мумкинлиги мазкур низоли ишлар учун даъвогарнинг танлаши бўйича (муқобил) судловлик жорий қилинганлигидан далолат беради. Шунингдек, ФПКнинг 241-моддаси учинчи қисмига кўра, ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлик ёхуд боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этганлиги натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволарни даъвогар ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этиши мумкин.

Назорат саволлари:

²⁹ Комментарий к кодексу законов о труде Российской Федерации. отв.ред. Гусева К.Н.-М.: Проспект. 1996. 378 с.

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон. 1995. Б.23-24.

³¹ Толкунова В.Н. Порядок рассмотрения трудовых споров и исполнения решений по ним.-М., ВЮЗИ 1980 год.

1. Тааллуқлилик тушунчаси ва унинг турлари ҳақида нима биласиз?
2. Меҳнатга оид низоли ишларни кўриб ҳал қилувчи қандай органларни биласиз?
3. Меҳнат низоларининг суд ва бошқа органларга тааллуқли бўлиш асосларини кўрсатинг?
4. Қандай меҳнат низолари бевосита судда кўриб, ҳал этилиши лозим?
5. Айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини кўриб чиқишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
6. Фуқаролик ишларининг судловлиги ва унинг турлари деганда нимани тушунасан?
7. Меҳнат низоларининг судловлигини аниқланг?
8. Меҳнатга оид низоли ишларининг тааллуқлилиги ва судловлиги ҳақидаги қоидаларга риоя қилмасликнинг оқибатлари қандай?

3-§ Меҳнатга доир ишларда тарафлар ва уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати

Меҳнатга оид низоли ишларни судларда тўғри ва ўз вақтида кўриб ҳал қилиш кўп жиҳатдан ишда иштирок этувчи шахсларнинг, айниқса, тарафларнинг процессуал ҳолатини тўғри аниқлаб олишга ҳам боғлиқдир.

Иш берувчилар томонидан меҳнат шартномаси (контракт) ни бекор қилишдан келиб чиқадиган низоли ишларда иштирок этувчи тарафларнинг таркиби меҳнат шартномаси ҳамда қонун билан қатъий белгилаб қўйилганлиги ушбу туркумдаги низоли ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Шунинг учун ҳам мазкур туркумдаги ишларда мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар иштирок этмайдилар, мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг иштироки эса чекланган бўлади.³²

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишларда тарафлар корхона, ташкилот, муассаса ва ходимлар ҳисобланиб, улар ўртасида низо меҳнат қонунчилигини қўллаш борасида юзага келиб, судларда кўриш учун тегишли бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, даъво аризаси ким томонидан берилмасин, ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат ишлари бўйича даъвогар сифатида ходим, жавобгар сифатида эса иш берувчи эътироф этилади. Д.А.Сафина иш берувчи меҳнат низолари комиссиясининг қароридан норози бўлиб, судда иш қўзғатган тақдирда ҳам жавобгар сифатида эътироф этилишини таъкидлаб, меҳнат низоларининг меҳнат низолари комиссияси ва судда кўрилиш жараёни ягона тизимда рўй беришлигини, демак, процессуал ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи ва унинг бошланиши вақтида даъвогар ва жавобгар мақомини

³² Особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел. /Под.ред: М.К.Треушников.-М.: МГУ, 1987.- 203 с.

олган тарафлар ушбу ҳолатни меҳнат низоси судда ҳал қилиб бўлингунига қадар ҳам сақлаб қолишларини эътироф этади.³³

Судда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси тақдим этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири процессуал ҳаракатларни амалга оширишга қобилиятли бўлиш, яъни процессуал муомала лаёқатига эга бўлишлиқдир.

Судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир (ФПКнинг 38-моддаси). Фуқаро 18 ёшга тўлгач, фуқаролик процессида шахсан иштирок этиши, процессуал ҳаракатларни амалга ошириши ва ўзига тегишли процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин бўлади. Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади (ФПКнинг 38-моддаси).

Мазкур қоидадан истисно равишда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ходимларнинг фуқаролик муомала лаёқати 15 ёшдан бошланади.

Ҳуқуқий адабиётларда айрим олимлар, хусусан, Р.Е.Гукасян ходимнинг процессуал муомала лаёқати унинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқ лаёқатига эга бўлишидан келиб чиқишини таъкидлаб ўтади.³⁴ Меҳнат кодексининг 77-моддасига кўра, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқ лаёқати умумий қоида бўйича 16 ёшдан, истисно ҳолатларда уларнинг ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан 15 ёшдан бошланади. Шунингдек, ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини 14 ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган энгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ лаёқати вояга етган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқ лаёқати билан тенглаштирилган, лекин меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти ва бошқа соҳаларда вояга етмаганлар айрим имтиёзлардан фойдаланадилар.

Вояга етмаган ходим судда бошқа туркумдаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар юзасидан процессуал муомала лаёқатига эга бўлмаслиги мумкин, лекин меҳнат ишлари бўйича ўзининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла ҳажмда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Хусусан, ФПКнинг 38-моддасига мувофиқ, меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари

³³ Сафина Д.А. Процессуальные особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел в суде. Учебник.-Казань. Ун-т, 1989.-С. 194-195.

³⁴ Гукасян Р.Е. Соотношение материальной и процессуальной правоспособности. В.кн.: Материальное право и процессуальные средства его защиты. Калинин, 1981.-Б.6; Гражданский процесс. Отв. ред. Яркова В.В.-М.: БЕК.-С.58.

ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканликлари эътироф этилади.

Юридик адабиётларда меҳнат ишлари бўйича судга шахсан муурожаат қилиш ҳуқуқига ёшидан қатъий назар барча ходимлар ҳақли бўлишлиги тўғрисида фикрлар мавжуд.³⁵ Шундай экан, судья меҳнат ишлари бўйича 18 ёшга тўлмаган ходимнинг даъво аризасини ФПКнинг 152-модаси 6-бандига кўра, яъни ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлигини асос қилиб қабул қилишни рад этишга ҳақли бўлмайди.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганларга ёрдам бериш учун судья ўз ташаббуси билан уларнинг ота-оналарини, фарзандликка олганлар ёки ҳомийларини суд процессига жалб қилиши мумкинлиги фуқаролик процессуал қонунчилигида ўз аксини топган (ФПКнинг 38-моддаси). Ушбу ҳуқуқий норма вояга етмаган ходимларнинг процессуал муомалага лаёқатини чеклашга қаратилмай, балки вояга етмаган шахсларнинг судда ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларда бошқа туркумдаги ишлардан фарқли равишда биргаликда иштирок этувчилар кўплаб учрайди. Фуқаролик процессуал қонунчилигида **процессда биргаликда иштирок этиш**, яъни шерик иштирокчилик қандай асосларда юзага келиши ўз ифодасини топмаган. Ушбу масала юзасидан турлича фикрлар мавжуд. Жумладан, Л.А.Гроснинг фикрича, процессуал иштирокчиликнинг асоси сифатида даъвонинг предмети бўлмиш моддий ҳуқуқий муносабатнинг бир хилда бўлишлиги, низоли ҳуқуқнинг ёки низоли мажбуриятнинг бир неча шахсларга тегишли бўлиши, суд фаолияти ва суд ҳал қилув қарорининг ягона бўлишлиги эътироф этилади.³⁶ Лекин бошқа бир гуруҳ олимлар, хусусан, С.А.Иванов ва И.К.Пискаревлар шерик иштирокчилик қачонки фуқаролик ишини тез ва тўғри кўриб ҳал қилишга олиб келсагина йўл қўйилиши мумкинлиги юзасидан ўз фикрларини билдирадилар.³⁷ Юқоридаги олимлар томонидан берилган фикр шерик иштирокчиликка йўл қўйиш асосларини тўла очиб беролмайди. Бизнингча, процессда биргаликда иштирок этиш асослари сифатида Л.А.Гроснинг фикрига қўшимча тарзда шерик иштирокчилар манфаатининг ўзаро муштарақлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Айнан шерик иштирокчилик институтининг учинчи шахслардан ва процессда вақтинча иштирок этувчи тегишсиз тарафлардан фарқи, улар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликнинг бўлмаслиги, улар талаб ва эътирозларининг бир хиллигидадир. М.С.Шакаряннинг фикрича ҳам шерик иштирокчилик деганда бир процессда ўзаро талаб қилиш ҳуқуқи ёки мажбурияти бир-бирига қарама-қарши бўлмаган бир неча даъвогар ёки жавобгарнинг иштирок этиши тушунилади.³⁸

³⁵ Гражданский процесс. Учебник Отв.ред. Ярков В.В.-М.: БЕК. 1999. 58 с.

³⁶ Грось Л.А. Процессуальные особенности рассмотрения и разрешения трудовых дел.-М.: ВЮЗИ. 1985 г.; Гражданский процесс Учебник /Отв.ред. проф.Яркова В.В.-М.: БЕК. 1999. 58 с.

³⁷ Гражданский процесс. Учебник. Под. ред. Треушниковой М.К. 2-изд.-М.: СПАРК. 1998, 82 с.

³⁸ Шакарян М.С. Субъекты советского гражданского процессуального права.-М.: 1970. 134 с.

Судларда меҳнатга оид низоли ишларнинг кўрилишида факультатив иштирокчилик нисбатан кўпроқ учрайди. Шерик иштирокчилиكنинг мазкур тури бир хил ишни бажарган ходимлар иш ҳақи ёки мукофотни олишдан бир асосда маҳрум бўлганларида ва ушбу талаблар билан бир неча ходимлар судга даъво билан мурожаат қилганларида юзага келиши мумкин. Масалан, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда бир хил асос билан бир неча ходимлар ишдан бўшатилиши мумкин ва ушбу ходимлар судда шерик даъвогарлар сифатида эътироф этилади.

Мажбурий шерик иштирокчилик факультатив шерик иштирокчиликдан шуниси билан фарқланадики, у низони келтириб чиқарувчи моддий ҳуқуқий муносабатнинг кўп субъектлилигига асосланган бўлади. Бир гуруҳ ходимлар билан моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларнинг мавжуд бўлиши моддий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар бўйича мажбурий шерик иштирокчилик юзага келишига асос бўлади. Бундай шерик иштирокчилар, ҳатто ушбу жамоа (бригада) аъзоларидан бири корхонага зарар етказилган ёки камомад бўлган даврда ишламаган бўлса ҳам ёхуд ихтиёрий равишда етказилган зарарни тўлаган тақдирда ҳам суд мажбурий тартибда жалб этилишлари мумкин. Чунки етказилган зарарни тўлаш ушбу жамоа (бригада) аъзоларига тегишли бўлиб, унинг миқдори ўзгариши ҳам мумкин.

Шунингдек, зарар етказиш сабаблари билан боғлиқ фактларни белгилаш, унинг миқдори, жамоа (бригада)нинг айби билан боғлиқ масалалар, жамоанинг айрим аъзоларини моддий жавобгарликдан озод қилиш масалалари, айрим аъзоларига нисбатан корхонанинг даъво талабларидан воз кечиши каби масалалар албатта моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномага имзо қўйган барча ходимлар иштирокида ҳал қилиниши шарт.

Биргаликда иштирок этишнинг муҳим белгиси бўлмиш шерик иштирокчилар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликларнинг мавжуд бўлмаслиги мазкур ишда қўлланилмайди. Чунки шерик жавобгарлардан бирининг моддий жавобгар эмаслиги суд томонидан аниқлангудек бўлса, бу ўз навбатида бошқа шерик жавобгарларнинг корхонага етказилган зарар юзасидан жавобгарлиги миқдорида ўз таъсирини кўрсатади. Бинобарин, ходимлар моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишлар бўйича иш кўришнинг предмети бўлиб, жамоа (бригада) аъзоларининг умумий жавобгарлиги ҳисобланади ва мазкур ишлар бўйича шерик иштирокчиликка жамоа (бригада) аъзоларидан қайси бири ва қанча миқдорда моддий жавобгар бўлишлигини аниқлаш мақсадида йўл қўйилади. Шунинг учун агар бошқа аъзоларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала тўлиқ ҳал қилинмаган бўлса, ҳам жамоа аъзоларидан бирининг етказилган зарарни маълум бир қисмини қоплаши, унинг томонидан мажбурият тўлиқ бажарилганлигидан далолат бермайди. Шундай экан, етказилган моддий зарарнинг маълум бир қисмини тўлаган жавобгар шахслар ҳам суд процессига шерик жавобгар сифатида мажбуран жалб қилинишлари лозим. Ушбу масала юзасидан ҳуқуқшунос олим М.К.Треушников ҳам ўз фикрини билдириб, ходимларнинг моддий жавобгарлиги

ҳақидаги ишлар бўйича ишда иштирок этиш учун жалб қилиниши, биринчидан, унинг зарарни тўлиқ тўлаши мумкинлигини назарда тутса (агарда жамоанинг бошқа барча аъзолари моддий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман озод қилинсалар), иккинчи томондан эса, бошқа иштирокчилардан назарда тутилгандан кўпроқ тўлов ундирилиши ва улар зиммасидаги қарзни кўпайиб кетишини олдини олади.³⁹

Шу ўринда айтиш жоизки, агар жавобгар корхона билан меҳнат муносабатларида бўлмаган фуқаро бўлса, у ҳолда низони ҳал қилишда ходимларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги тартиблар жорий қилинмайди. Мазкур низони ҳал қилиш фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишнинг умумий қоидалари асосида амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Меҳнатга оид низоли ишларда тарафлар кимлар, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборат?
2. Меҳнат ишлари бўйича процессда биргаликда иштирок этишнинг қандай асослари мавжуд?
3. Меҳнат ишлари бўйича процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?

4-§ Меҳнат ишлари бўйича судда вакиллик.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни судда кўрилишида вакилларнинг иштироки ўзининг мақсади ва вазифалари билан вакилликнинг бошқа турларидан ажралиб туради.

Судда ишларни вакиллар орқали юритиш шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқини таъминлаш усуллари билан бири бўлиб кўрилади. Меҳнат ишлари бўйича судда вакиллик қилишнинг аҳамияти ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ҳолисона ҳақиқатни аниқлаш, иш юзасидан тўғри қарор қабул қилишда судларга кўмаклашишдан иборатдир. Меҳнат ишлари бўйича ташкилотлар ишларни ўз раҳбари ёки вакиллари орқали юритадилар (ФПКнинг 50-моддаси).

Корхона раҳбарининг ваколатлари ва уларни расмийлаштириш корхона манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа шахслар ваколатларидан фарқ қилади. Унинг органлари томонидан амалга ошириладиган корхонанинг ваколатлари ҳажми корхона фаолиятини тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади. Ташкилот раҳбарларининг судга ўз хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этишлари,

³⁹ Особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел. Отв.ред. /Треушников М.К.-М.: МГУ, 1987.- 229 с.

улар ваколатининг расмийлаштирилишига асос бўлади (ФПКнинг 53-моддаси). Иш берувчи ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, иш берувчининг вакили сифатида суд амалиётида кўпинча тегишли орган раҳбарининг ўринбосари, корхонанинг юрист-маслаҳатчиси, кадрлар бўлимининг бошлиғи иштирок этмоқда. Давлат бошқаруви органларининг, мансабдор шахсларнинг вакиллари тегишли орган раҳбарларининг ёки мансабдор шахснинг имзоси билан бериладиган ваколатнома бўйича иш юритадилар.

Ташкилот номидан бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Адвокатлар шартнома бўйича вакилликни амалга оширар эканлар, уларнинг ваколатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик қилувчининг арз қилинган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битимини тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш, суд ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувга қаратиш тўғрисида ҳар бир алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан топширилган ваколатномада маҳсус изоҳ берилиши керак (ФПКнинг 54-моддаси).

Ходимлар меҳнат ишларини судда шахсан ёки ўз вакиллари орқали юритишлари мумкин. Вакил сифатида уларнинг қонуний вакили, адвокатлар, улар томонидан танланган шахслар ёки шерик даъвогар сифатида иштирок этаётган ходим иккинчи шеригининг топшириғига кўра иштирок эта олади.

Меҳнатга оид низоли ишларда ходимнинг вакили сифатида ходим ишлаётган корхонанинг касаба уюшмаси кўмитаси иштирок этиши мазкур туркумдаги ишларнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси МКнинг 20-моддасига мувофиқ, касаба уюшмалари, уларнинг корхонадаги сайлаб қўйиладиган органлари, ходимлар томонидан сайлаб қўйиладиган органлари, иш берувчиларнинг вакиллик органлари меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари сифатида қатнаша оладилар.

Ходимнинг вакиллик органи бўлмиш касаба уюшмалари меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ушбу ҳуқуқни ўз вакиллари орқали бажарадилар.

Касаба уюшмаси кўмитасининг умумий мажлисида ходимнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун сайланган вакил кўмита раиси томонидан берилган ваколатнома асосида меҳнатга оид ишни судда кўриб ҳал этилишида иштирок этади. Ишда иштирок этувчи шахс сифатида касаба уюшмалари ФПКнинг 34-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланади. Лекин маҳсус ҳуқуқлардан (даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, даъво асоси ва предметини ўзгартириш ва бошқалардан) фақатгина ходимнинг ваколатномаси асосидагина фойдаланиши мумкин.

Айрим ривожланган демократик давлатларда меҳнатга оид низоли ишларни судда кўриб ҳал қилинишида касаба уюшмаларининг иштироки ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради. Хусусан, Франция Республикасининг маҳсус меҳнат ишларини кўрувчи судларида касаба уюшмаларининг вакили суд процессида иштирок этиши учун ходим томонидан алоҳида топшириқнинг

берилиши ёки ишончноманинг тақдим этилиши талаб этилмайди. Бу ерда ходим ўзининг манфаатларини касаба уюшмаси ҳимоя қилиш истагини билдирганлиги тўғрисида огоҳлантирганлиги ва бунга қарши эмаслигининг ўзи етарли ҳисобланади.

Касаба уюшмаларига нисбатан бундай процессуал ваколатларнинг берилиши ушбу органларнинг ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги вазифаларини кенгайтиради ва шу асосда касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Процессда касаба уюшмаси кўмитаси вакилининг иштирок этиши ходимнинг вакили сифатида адвокатнинг иштирок этишини истисно қилмайди.

ФПКнинг 38-моддаси 3-қисмига кўра, меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналари, фарзандликка олганлар ёки ҳомийлари суд томонидан жалб этилиши мумкин. Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида вояга етмаган шахсларга ёрдам бериш учун жалб этилган ота-оналар, фарзандликка олганлар, ҳомийлар "қонуний вакиллар" тушунчаси билан бирлаштирилади.⁴⁰

ФПКнинг 51-моддасига кўра, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари ҳимоя қиладилар. Лекин бизнинг фикримизча, меҳнат ишлари бўйича тараф сифатида иштирок этувчи ва тўла фуқаролик процессуал муомала лаёқатига эга бўлган вояга етмаган шахслар юқоридаги тоифа шахслар жумласига кирмайди. Чунки ФПКнинг 51-моддаси мазмунидан шуни англаш мумкинки, қонуний вакиллар судда фақатгина муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар. Меҳнатга оид низоли ишларда иштирок этувчи вояга етмаган шахслар эса тўла муомала лаёқатига эга бўладилар, яъни улар муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилмайди. Шундай экан, меҳнат ишлари бўйича ота-оналар, фарзандликка олувчилар ва ҳомий судда вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакиллари сифатида эмас, балки уларнинг ихтиёрий вакиллари сифатида иштирок этишлари мумкин (ФПКнинг 52-моддаси). Уларга бериладиган ваколатлар доираси ФПКнинг 53-моддаси талаблари асосида вояга етмаган ходим томонидан бериладиган ваколатномада ўз аксини топиши лозим.

Назорат саволлари:

1. Судда вакиллик қилиш деб нимага айтилади?
2. Судда вакиллик қилишнинг қандай турлари мавжуд?
3. Меҳнатга оид ишлар бўйича вакиллик қилишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
4. Меҳнатга оид ишлар бўйича вакилларнинг ваколатларини расмийлаштириш тартиби қандай?
5. Меҳнатга оид ишлар бўйича вакилларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборат?

⁴⁰ Советский гражданский процесс. Под ред. Гурвича М.А.-М.: 1975. 55 с.

5-§ Меҳнат низоли ишларини судда кўришда учинчи шахслар иштирокининг ўзига хос хусусиятлари.

Иш берувчиларнинг ҳамда ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини, шунингдек жамоатчилик манфаатини ҳимоя қилиш учун суд бошқа шахсларнинг илтимосисиз, ўз ташаббуси билан ишда иштирок этиш учун корхонанинг мансабдор шахсини жалб қилиш ва унинг зиммасига ходимга мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи тўлаши муносабати билан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаши мумкин.⁴¹

ФПКнинг 259-моддасида меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонидан жалб қилиши шартлиги ўз ифодасини топган. Ушбу қонданнинг киритилишидан кўзланган мақсад меҳнат шартномасини бекор қилиниши ёки бошқа ишга ўтказиш очикдан-очик қонунга хилоф бўлганлигини аниқлаган суд шу процесснинг ўзидаёқ, мансабдор шахс зиммасига мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш берилган вақт учун ходимга иш ҳақи тўлаш натижасида иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклашдан иборатдир.

Мансабдор шахснинг иш берувчи олдидаги мазкур жавобгарлиги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир кўриниши бўлмай, балки меҳнатга оид ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган мастақил жавобгарлик тури ҳисобланади. Мазкур жавобгарлик масаласини ҳал қилар экан судлар, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш қонунни очик-ойдин бузган ҳолда амалга оширилган бўлсагина йўл қўйилишига алоҳида эътибор беришлари лозим бўлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, меҳнат қонунчилигида қонунни очик-ойдин бузиш тушунчаси тўлиқ ёритиб берилмаган ва ушбу масала меҳнат ҳуқуқи фани ва суд амалиётида ўрганилмоқда.

Ҳуқуқий адабиётларда бу соҳада турли фикр ва мулоҳазалар мавжудлигини кўраимиз. Хусусан, С.А.Калужнўй қонунни очик-ойдин бузиш деганда, мансабдор шахс томонидан ходимни ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш ҳамда ишга тиклаш ҳақидаги суд ҳал қилув қарорларининг ижросини кечиктириш жараёнида очик кўриниб турган меҳнат қонунчилигининг бузилишини тушунади.⁴²

М.И.Барунинг фикрича эса, қонунни очик-ойдин бузиш субъектив хусусиятга эга бўлиб, у ким томонидан бузилишига кўпроқ боғлиқдир. Суд амалиётини таҳлил қилиб, муаллиф судлар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси.-Т.: Адолат. 1999.

⁴² Калужный С.А. Ответственность должностных лиц за нарушения законодательств о труде. –Уфа.: 1981. С.89.

равишда ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказишдаги айбини аниқлаб, ушбу ҳолатда қонунни очик-ойдин бузганлиги тўғрисидаги масалага эътибор бермасликларини таъкидлайди ва судларнинг ушбу тутган йўлларини тўғри деб эътироф этади.

С.А.Ивановнинг фикрича эса, малакали ходимни кам малака талаб қиладиган ишга ўтказиш ҳам меҳнат қонунчилигини очик-ойдин бузиш деб эътироф этилиши лозим.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 1998 йил 17 апрел 12-сонли қарорида қонуннинг очик-ойдин бузилиши сифатида тан олинувчи ҳолатлар рўйхати келтирилиши ушбу масалага ойдинлик киритди.⁴³

ФПКнинг 259-моддаси мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг иштироки билан боғлиқ қоидалардан иккита истисно ҳолатни назарда тутди:

а) бир вақтнинг ўзида асосий даъво билан бирга регресс даъвонинг ҳал қилиниши;

б) регресс даъво ҳақида жавобгар ёки прокурорнинг талаби мавжуд бўлмасда, у суд ташаббуси билан кўриб чиқилиши мумкинлиги.

Фуқаролик процессуал қонун талабларидан келиб чиқиб учинчи шахс сифатида суд мажлисига жалб этилган мансабдор шахс ҳам албатта ишнинг кўрилиши вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилиниши лозим. Лекин мансабдор шахс судга узрсиз сабабларга кўра келмаса ёки унинг ҳозир бўлмаслик сабаблари ҳақида маълумот бўлмаган тақдирда, суд унинг иштирокисиз ҳам ишни кўришга ҳақли бўлишлиги тўғрисида юридик адабиётларда таъкидланган. Амалиётда ходимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатган ёки бошқа ишга ўтказишда айбли бўлган мансабдор шахс узрли сабабларга кўра (масалан, хизмат сафарида бўлиши, касал бўлиши), суд мажлисига кела олмаслиги ҳоллари ҳам учрайди. Агар ушбу ҳолатлар суд мажлисининг чўзилишига олиб келгудек бўлса, фикримизча, суд мансабдор шахснинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишни алоҳида иш юритиш учун ажратиши (ФПКнинг 157-моддаси) мақсадга мувофиқдир ва ушбу қоидали ФПКнинг 259-моддасида ўз аксини топиши лозим.

Е.И.Филипповнинг фикрича ҳам мансабдор шахсга нисбатан билдирилган қарши даъво агар асосий процессда мансабдор шахс қатнашмаган тақдирда, алоҳида суд мажлисида кўриб чиқилиши ва суд мажлиси бўладиган вақт ва жой тўғрисида учинчи шахс сифатида жалб этилаётган мансабдор шахс хабардор қилиниши лозим. Шунингдек, олим ушбу процессга мансабдор шахс келмаса, иш унинг иштирокисиз ҳам кўриб чиқилиши мумкинлигини таъкидлайди.⁴⁴ Лекин А.И.Ставцеванинг фикрича, мансабдор шахснинг иштирокисиз ходимни ишдан ғайриқонуний равишда бўшатишдаги унинг айбини аниқлаб бўлмаслигини, шунинг учун ҳам қарши даъво албатта жавобгарнинг, яъни корхона раҳбарининг

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорларининг тыплами. 1991-1998. II-жилд.-Т.: Шар=. 1999. Б.42.

⁴⁴ Филиппов Е.И. Право на труд и его защиты в советском гражданском процессе. 12.00.03. Автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. юрид. наук.-Свердловск. 1953. 204 с.

иштирокида кўриб чиқилиши лозимлигини қайд этади.⁴⁵ И.Б.Морейн ҳам мазкур фикрга қўшилган ҳолда мансабдор шахсларни суд мажлисига иккинчи жавобгар сифатида албатта жалб этиш лозимлигини ва ишдан бўшатиш қонунни очиқдан-очиқ бузилиши натижасида рўй берган бўлса, иш бўйича келиб чиқадиган барча оқибатлар юзасидан мансабдор шахслар жавобгар сифатида эътироф этилишини таъкидлайди.⁴⁶ Бизнинг фикримизча, ишга тиклаш ҳақидаги низоли ишлар бўйича учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахслар суд мажлиси бўладиган вақт ва жой тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлиб, суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, агар даъвогар эътироз билдирмаса, суд иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилиши ҳам мумкин (ФПКнинг 224-моддаси). Қолаверса, ходим фақат иш берувчи билангина меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларга киришиб, ушбу муносабатларнинг субъекти сифатида бир томонда ходим, иккинчи томонда эса иш берувчи иштирок этади. Шунинг учун ҳам судда ишга тиклаш ҳақидаги ишларнинг кўрилишида жавобгар сифатида фақат иш берувчи эътироф этилади. Шундай экан, ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича мансабдор шахслар суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмасалар, суд ишни уларнинг иштирокисиз ҳам кўриб, ҳал қилиши мумкин.

Суд амалиётида ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахслар бир вақтнинг ўзида иш берувчи-жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиши билан боғлиқ масала муаммоли ҳисобланади.

Мансабдор шахснинг учинчи шахс сифатида жавобгар томонида жалб этилиши ва иш бўйича жавобгарнинг вакили сифатида сўзга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрел қарорида ўз ифодасини топган.⁴⁷ М.К.Треушников ҳам мансабдор шахслар бир вақтнинг ўзида корхонанинг вакили сифатида суд процессида иштирок этиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади.⁴⁸

Лекин айрим олимлар ушбу фикрга қўшила олмайдилар. Жумладан, И.Б.Морейннинг фикрича, учинчи шахс сифатида иштирок этаётган мансабдор шахслар бир вақтнинг ўзида иш берувчининг вакили бўла олмайди, шунинг учун судда ташкилотнинг манфаатларини ишончнома асосида бошқа ходим ҳимоя қилиши лозим.⁴⁹

С.С.Алексеевнинг фикрича, Олий суд ўз тушунтиришларини қонунда бундай вакиллик таъқиқланмаганлиги билан асослайди ва қонунда таъқиқловчи норманинг мавжуд эмаслиги бирон бир ҳолатнинг ҳуқуқий жиҳатдан руҳсат берилганлигини англатмайди. Муаллиф ўз фикрини давом эттирар экан,

⁴⁵ Ставцева А.И. Порядок рассмотрения трудовых споров.-М.: Юрид.лит-ра. 1960. 93 с.

⁴⁶ Морейн И.Б. Перевод на другую работу.-М.: Юрид.лит-ра. 1965. С.170-171.

⁴⁷ +онун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 1998. № 1,2.

⁴⁸ Особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел. /Под.ред: М.К.Треушников.-М.: МГУ, 1987.-203 с.

⁴⁹ Боннер А.Т. Применение нормативных актов в гражданском процессе. 12.00.03. Автореф. дис. д-ра. юрид. наук.-М.: 1980. 13 с.

фуқаролик процессуал ҳуқуқида қонунда назарда тутилган хатти-ҳаракатларга руҳсат берилишини, суднинг у ёки бу ҳаракатни содир этишининг мумкинлиги унинг фуқаролик процессуал ҳуқуқи тамойилларига ҳамда процессуал меъёрларнинг мазмунига нечоғлик мувофиқ келиши билан боғлиқлигини таъкидлайди.⁵⁰

Бизнинг фикримизча, учинчи шахс сифатида процесга жалб қилинган мансабдор шахс мазкур иш бўйича жавобгарнинг вакили сифатида сўзга чиқиши мумкинлиги юзасидан М.К.Треушниковнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки процессуал вазифаларнинг ўзаро қўшиб юборишга қачонки, ушбу иштирокчиларнинг манфаати ўзаро зид бўлмагандагина йўл қўйилади. Жавобгар, яъни корхона билан учинчи шахс сифатида процесга жалб этилган мансабдор шахснинг манфаатлари қачонки ходимни ишдан бўшатиш қонуний амалга оширилганда ёки суд томонидан ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво талабларини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганидагина бир бирига мувофиқ келади. Агар ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиб, мансабдор шахснинг айби исботлангудек бўлса, уларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлади.

Шундай экан, мазкур ишлар бўйича асосий даъво билан регресс даъвонинг бир вақтда ҳал этилишини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида берилган тушунтиришдан англанишича, мансабдор шахс ўзига нисбатан кўзғатилган регресс даъво бўйича корхонанинг вакили сифатида сўзга чиқиши мумкин бўлади. Бу ҳолат эса суд амалиётида мансабдор шахсларнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлигидан озод қилишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, ФПКнинг 259-моддасида назарда тутилган асосий мақсад-асоссиз ишдан бўшатиш ҳолатларига нисбатан курашиш, меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида корхонага етказилган зарарни ундириш каби вазифалар амалга оширилмай қолмоқда.

Айрим судлар қонуннинг очикдан-очик бузилганлигини аниқласаларда, жавобгар тарафга ходимга иш ҳақини тўланиши муносабати билан етказилган зарарни айбдор мансабдор шахсдан регресс даъво тартибида ундириб олишни таклиф қиладилар. Ваҳоланки, қонун шу процеснинг ўзида етказилган зарарни регресс даъво тариқасида ундиришни тақозо этади. Масалан, И.Раҳимов Марказий Руда бошқармасининг № 7-автокорхонасида ҳайдовчи лавозимида ишлаб келган. 1996 йил 11 апрелда И.Раҳимов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди билан, яъни прогул учун бекор қилинган. Зарафшон шаҳар судининг 25.04.1996 йилги ҳал қилув қарорига кўра, И.Раҳимов билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигини қўпол равишда бузилганлиги натижасида бекор қилинганлиги боис, у ишга тикланган. Суд ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида Марказий Рудабошқармаси вакилига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги

⁵⁰ Алексеев С.С. Общие дозволения и общие запреты в советском праве. -М.: 1989, С.55.

буйруққа имзо чеккан мансабдор шахсга регресс даъво тақдим қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.⁵¹

Меҳнат ишлари бўйича учинчи шахс сифатида мансабдор шахсларни процессга жалб қилиш, ўз навбатида меҳнат низоли ишларни тез ва тўлиқ кўриб ҳал қилинишига, мансабдор шахсларнинг меҳнат қонунчилигини қўпол равишда бузиш ҳолатларига қарши самарали кураш олиб боришнинг муҳим муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 249-моддасига кўра, суд ташаббуси билан ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича айбдор мансабдор шахсларни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонига жалб қилиш шартлиги ҳақидаги қонуннинг киритилиши судлар томонидан мансабдор шахсларни учинчи шахс сифатида суд мажлисига жалб этилиши масаласига ижобий таъсир кўрсатса-да, лекин бу ҳолат мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунларини бузиш ҳолатларига тўла чек қўйиш учун етарли бўлмаётир. Маълумотларга мурожаат қилсак:

1-жадвал

**Ишга тиклаш тўғрисидаги даъволар бўйича
кўрилган ишлар**

	Ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган ишлар		Шундан даъво қаноатлантирилган				Чиқарилган хусусий ажримлар	
	1999 йил	2000 йил	1999 йил		2000 йил		1999 йил	2000 йил
Қорқалпоғистон Республикаси	81	47	56	69.1	29	61.7	-	-
Андижон	19	22	13	68.4	19	86.4	1	-
Бухоро	34	19	24	70.6	12	63.2	4	3
Жиззах	22	14	18	81.8	11	78.6	4	-
Қашқадарё	66	68	40	60.6	48	70.6	4	2
Навоий	52	53	28	53.8	34	64.2	5	6
Наманган	12	15	7	58.3	13	86.6	2	2
Самарқанд	46	57	32	69.5	43	75.4	6	4
Сурхондарё	43	59	28	65.1	45	76.3	5	2
Сирдарё	12	21	9	75.0	14	66.7	3	1
Тошкент вилояти	39	34	27	69.2	18	52.9	2	4
Тошкент шаҳри	70	67	42	60.0	32	47,8	3	4
Фарғона вилояти	18	22	12	66.6	16	72,7	2	2

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш бўлимининг «Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш» бўйича 1997 йилги маълумотномасидан.

Хоразм	23	24	11	47.8	14	58,3	1	1
Республика	537	522	347	64.6	348	66,6	42	31
бўйича								

1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ишга тиклаш тўғрисидаги даъво талабларининг асосий қисми, яъни ўртача 65 % қаноатлантирилмоқда, демак, ҳал қилув қарори чиқарилиб кўрилган 65 % ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунчилиги бузиб келинмоқда.

Ходимнинг меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилган ёки бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ берган мансабдор шахсларни ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича процессга жалб қилиниши ва улар зиммасига моддий жавобгарлик юклатилиши ҳақидаги қоидалар амалиётда ташкилот раҳбарларига нисбатан масъулият юклайдиган чоралардан ҳисобланишига қарамадан мансабдор шахслар томонидан ходимларни ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳолатлари кўплаб содир этилмоқда. Натижада иш берувчига нисбатан етказилган зарарни қоплаш мақсадида қўзғатилган даъволар ва ундириладиган сумма миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, мансабдор шахсларнинг айби билан ходимларни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиши туфайли иш берувчига нисбатан етказилган зарар Республика бўйича 1995 йилда 22114 сўмни ташкил этган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 47033 сўмга етган, яъни, икки бараварга кўпайган. Ушбу кўрсаткичлар 1998 йилда 1473807 сўмни, 2000 йилда эса ушбу сумма 2324587 сўмни ташкил этган.⁵²

Меҳнат ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда меҳнат шартномасининг бекор қилиш тўғрисида буйруқ берган мансабдор шахслар жавобгар томонида иштирок этувчи учинчи шахс сифатида жалб қилинмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 1996 йилда 185 та ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат ишлари ўрганиб чиқилган ва ушбу ишлардан фақатгина 9 таси бўйича мансабдор шахслар учинчи шахс сифатида суд процессига жалб қилиниб, улардан фақат иккитасига моддий жавобгарлик белгиланган.

Одатда, мансабдор шахс иш берувчига етказилган моддий зарар учун меҳнат қонунчилигида белгиланган ўзининг уч ойлик иш ҳақи миқдорида жавобгар бўлади (МКнинг 274-моддаси). Шу ўринда нима учун мансабдор шахснинг моддий жавобгарлиги қонунда чегаралаб қўйилган деган савол туғилади. Адабиётларда мансабдор шахсларнинг иш берувчи олдидаги моддий жавобгарлигининг чегараси ушбу жавобгарликнинг мақсадидан келиб чиқиши ва мансабдор шахсларнинг моддий жавобгарлиги кўпроқ тарбиявий вазифаларни амалга оширишдан иборат бўлиши таъкидланади.⁵³

Назорат саволлари:

⁵² Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш билимининг 2002 йилги маълумотномасидан.

⁵³ Калужный С.А. Ответственность должностных лиц за нарушения законодательств о труде.-Уфа. 1981. 15 с.

1. Фуқаролик процессида учинчи шахслар деб кимларга айтилади ва уларнинг қандай турлари мавжуд?
2. Учинчи шахсларнинг тарафлардан фарқи нимада?
3. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахслар сифатида кимлар жалб этилади?
4. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларни иштирок этишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?

II-боб Меҳнат ишлари бўйича даъво қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш ва мазмунан кўришнинг процессуал хусусиятлари

1-§. Меҳнат ишларини судда қўзғатишнинг ўзига хос хусусиятлари

Фуқаролик процессуал қонунчилик ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли эканлигини назарда тутди (ФПКнинг 1-моддаси). Лекин шу билан биргаликда, манфаатдор шахсларнинг судларга қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда даъво қўзғатиш мажбуриятини ҳам юклайди.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар юзасидан судга мурожаат қилиш бўйича субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш бир қатор шартларга асосланган бўлиб, ушбу шартлардан бири қонунда белгиланган муддатларда судга даъво аризаси билан мурожаат қилишдан иборатдир.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар юзасидан даъво муддатининг жорий этилиши мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида, ишга тиклаш ҳақидаги ишлар учун даъво муддатининг жорий этилиши юзасидан билдирилган салбий фикрларга қўшилмаган ҳолда, биз даъво муддатининг жорий этилишининг асосли ва мақсадга мувофиқ эканлигини қуйидагилар билан асослаймиз: биринчидан, меҳнат шартномасини бекор қилишдан келиб чиқадиган ишлар меҳнатга оид низоли ишлар орасида кўпчиликни ташкил этади. Иккинчидан, мазкур иш юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорлари ишдан бўшатишга ходимлар ўрнига ишга қабул қилинган бошқа ходимлар манфаатларига ҳам таъсир қилади. Хусусан, ишдан бўшатишга ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатларининг маълум бир муддат ичида барҳам топмаслиги иш берувчи учун ҳам, шунингдек унинг билан меҳнат муносабатларига киришган бошқа ходимлар учун ҳам қатор муаммоларни юзага келтириши ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларида беқарорликни юзага келтириши мумкин.⁵⁴ Шунинг учун ҳам МКнинг 270-моддасига мувофиқ, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар бўйича қуйидаги муддатлар белгиланган:

-ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

-ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

-бошқа меҳнат низолари бўйича-ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Даъво муддатлари меҳнатга оид барча низоли ишлар учун ҳам қўлланилмайди. Хусусан, МКнинг 270-моддасига кўра, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ўз меҳнат вазифаларини бажараётган ходимнинг соғлиғига шикаст етказиш оқибатидаги зарарни ёки унинг мол-

⁵⁴ Кленов Е.А. Судебная защита прав рабочих и служащих при увольнении.-М.: Юрид.лит.-ра. 1964, 58 с.

мулкига етказилган зарарни иш берувчидан ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича даъво муддатлари жорий этилмайди.

Шунингдек, даъво муддатлари жорий этилмайдиган даъво талаблари қаторига меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларни кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 163-моддасида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар рўйхати кўрсатилган бўлиб, ушбу рўйхатлар жумласида шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар ҳам назарда тутилган. Маънавий зарарни қоплаш номоддий бойликларни ва номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланиши боис, Фуқаролик Кодексининг 163-моддаси 1-қисмига мувофиқ, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича даъво муддати жорий қилинмаслиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2000 йил 28 апрел қарорида ҳам тушунтиришлар бериб ўтилади.⁵⁵

Судлар меҳнатга оид низоли ишлар юзасидан берилган даъво аризаларини қабул қилар эканлар, албатта ходимнинг судга мурожаат қилиш муддатини ўтказиб юборганлик масаласини аниқлашлари лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 1998 йил 17 апрел 12-сонли қарорида судья ушбу даъво аризасини даъво муддати ўтказиб юборилган деган асос билан қабул қилмасликка ҳақли эмаслиги юзасидан тушунтиришлар берилади.⁵⁶ Чунки ушбу муддатнинг ўтказиб юборилганлиги сабаблари суд мажлисида ишдаги мавжуд ҳужжатлар текширилиб, тарафларнинг тушунтиришлари ва гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида аниқланади. Агар суд даъво муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб топса, бу муддатни тиклаш ва низони мазмунан кўриб, ҳал қилиши лозим.

Шу ўринда ходимнинг ёки унинг оила аъзоларининг касаллиги, судга ўз вақтида мурожаат қилишга тўсқинлик қилувчи фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, оммавий тартибсизликлар ва ҳарбий ҳаракатлар) даъво муддатининг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигига асос бўла олади.

Суд амалиётида узрли сабаблар сифатида қуйидагилар ҳам тан олинади: ходимнинг ғайриқонуний равишдан ишдан бўшатирилганлиги юзасидан меҳнат қонунчилигига риоя этишни назорат қилиш ваколатига эга бўлган прокуратура ва бошқа органларга шикоят билан мурожаат қилиши; ходимнинг касал бўлган оила аъзосини парвариши билан шуғулланиш натижасида тегишли жойда бўла олмаслиги. Ходимларнинг судга даъво қилиш муддати ўтган-ўтмаганлигини текшириш судья томонидан ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилиш жараёнида амалга оширилиши лозимлигига қарамай, мазкур туркумдаги ишларни кўриб, ҳал қилаётган судлар меҳнат шартномасини бекор қилишнинг

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрел =арорлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.-Т.: 2000. Б.23.

⁵⁶ +онун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 1998. № 1-2.

асосли ёки асосиз эканлигини муҳокама қилиш билан чекланиб, даъвогарларнинг судга даъво қилиш муддатининг ўтказиб юборилганлиги масаласига эътибор бермаётирлар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 1996 йилда ўрганиб чиқилган 185 та меҳнат ишидан 29 таси бўйича судга мурожаат қилиш муддатларининг бузилиши юзасидан арз қилинган бўлса-да, улардан фақатгина 7 тасига суд эътибор берган, қолган ишлар бўйича эса судлар даъвогар томонидан судга мурожаат қилиш муддатининг ўтказиб юборилганлигини умуман муҳокама қилмаганлар.⁵⁷ Масалан, 1996 йил 16 октябр кундаги № 10-сонли буйруққа кўра, секретар-машинистка бўлиб ишлаб келган Махмудова Х. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-банди, яъни штатлар қисқариши натижасида бекор қилинган. Х.Махмудова эса ишга тиклаш тўғрисидаги даъво билан Тойлоқ туман судига 1996 йил 2 декабрда, яъни меҳнат муносабатлари тугалланган кундан бир ярим ой ўтгач мурожаат қилган. Ўз навбатида, Тойлоқ туман суди Х.Махмудованинг ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво талабларини рад қилган. Лекин бу ерда даъвогар томонидан судга даъво қилиш муддатининг ўтказиб юборилганлиги тўғрисидаги масала суд томонидан умуман муҳокама қилинмаган.⁵⁸

Маълумки, судга мурожаат этиш муддатларини ўтказиб юборилиши даъво талабларини рад этиш учун мустақил асос бўлиб хизмат қилади. Лекин бизнинг фикримизча, ишга тиклаш ҳақидадаги низоли ишларни кўриб ҳал қилаётган судлар даъво муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда ҳам ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказишнинг қонунийлиги тўғрисидаги масалага ҳуқуқий баҳо беришлари лозим. Шунингдек, агар суд ишни кўришда қонун бузилишларини аниқласа, уларни бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим чиқариши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрел 12-сонли қарорининг 54-бандида суд даъводан воз кечишни қабул қилган ёки келишув битимини тасдиқлаган ва иш юритишни тугатган тақдирда, ишни кўришда аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эканликлари юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилади.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар юзасидан судда даъво ишларини кўзғатишнинг асосий шартларидан бири мазкур талаблар билан судга мурожаат қилувчи шахслар доирасини тўғри аниқлашдан иборатдир. Меҳнат Кодексининг 268-моддасига кўра:

- 1) ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари;
- 2) меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори;
- 3) иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш бўлимининг «Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш» бўйича 1997 йилги маълумотномасидан.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш бўлимининг «Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш» бўйича 1997 йилги маълумотномасидан.

4) прокурорлар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар бўйича судда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Меҳнат низоларини судда қўзғатишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, ходимлар вакиллик органларининг, жумладан касаба уюшмасиларининг меҳнат ишларини қўзғатишга бўлган ҳуқуқини эътироф этиш мумкин.

Агар ходимлар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судда даъво қўзғатсалар, касаба уюшмаси қўмиталари эса ўзларига қонун билан белгиланган бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатларидан келиб чиқиб, судга мурожаат қиладилар. Хусусан, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль қонунининг 11-моддасига кўра, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.⁵⁹

Касаба уюшмаси қўмитасининг ваколатлари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун суд даъво аризаси тегишли касаба уюшмаси қўмитаси номидан берилганлигини, манфаати ҳимоя қилинаётган ходим касаба уюшмаси қўмитаси фаолият кўрсатаётган жамоа аъзоси эканлигини аниқлашининг ўзи етарлидир. Мазкур ҳолатда касаба уюшмаси қўмитаси ишончнома берувчининг номидан ёки унинг топшириғи бўйича эмас, балки бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз номидан судда даъво қўзғатадилар. Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан берилган аризани қабул қилиш ва суд ишларини қўзғатиш ФПКнинг 48-моддасида назарда тутилган.

Суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, касаба уюшмаларининг даъво аризалари билан судга мурожаат қилиш ҳоллари кўплаб учрайди. Ўз навбатида ходимлар манфаатини ҳимоя қилишнинг самарали усули сифатида касаба уюшмаларининг судда ўз ташаббуслари билан даъво қўзғатиш ҳуқуқи муҳим амалий аҳамият касб этади. Ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида корхоналарда ташкил этилган касаба уюшмаларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси, Республика миқёсидаги касаба уюшмалари марказий қўмиталари ҳам судда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Меҳнат низоларини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторида меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспекторлари ҳам эътироф этиладилар (Меҳнат кодексининг 268-моддаси). Меҳнат ҳуқуқ инспекциясининг фаолияти ва унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июл кунидаги № 378 сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги (ҳозирда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги) нинг “Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекцияси тўғрисида”ги Низоми⁶⁰га мувофиқ тартибга солинади.

⁵⁹ Ўзбекистоннинг янги оунлари. № 6.-Т.: Адолат. 1993, Б. 77.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг аарлари тылами.1993. № 7, 29-модда.

Меҳнат ҳуқуқи инспекциялари томонидан судга тақдим этилаётган даъво аризалари албатта мазкур инспекциянинг тегишли ваколатли шахслари томонидан имзоланиши ва топширилиши лозим. Акс ҳолда суд ФПКнинг 152-моддасига кўра, яъни манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берганлиги асосида даъво аризаларини қабул қилишни рад қилади.

Судья юқоридаги асосларга кўра даъво аризасини қабул қилишни рад этар экан, бу ҳақда ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичида асослантирилган ажрим чиқаради ҳамда ариза иловалар ва ажримнинг нусхаси билан биргаликда даъвогарга қайтарилади. Шу ўринда ушбу асосларга кўра даъво аризасини қабул қилишни рад этилиши, башарти йўл қўйилган хатолар бартараф этилса, айнан шу иш бўйича даъвогар судга иккинчи марта ариза билан мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди (ФПКнинг 152-моддаси).

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг асосий субъектларидан бири сифатида иш берувчи меҳнат низолари комиссиясининг қароридан норози бўлганида ёки ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш юзасидан бўлган меҳнат ишлари бўйича ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади (Меҳнат кодексининг 268-моддаси).

Суд амалиёти шундан далолат берадики, ходим томонидан меҳнат вазифасини бажариш жараёнида корхонага етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъволи ишлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Маълумотларга қараганда, 2001 йилда судлар томонидан ушбу туркумга оид кўриб, ҳал этилган ишлар Республика бўйича 5457 тани ташкил этиб, шулардан 5200 таси, яъни 95 фоизи қаноатлантирилган. 2002 йилнинг тўққиз ойида эса мазкур туркумга оид кўриб ҳал қилув қарори чиқарилган ишлар 3489 тани ташкил этиб, уларнинг 3111 таси, яъни 89,2 фоизи қаноатлантирилган.⁶¹ Шу ўринда, мазкур туркумдаги ишлар юзасидан даъво аризалари асосан прокурор томонидан тақдим этилаётганлигини ва бу масалада иш берувчиларнинг фаолиятида сусткашликларга йўл қўйилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ходимлар томонидан иш берувчига нисбатан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича судда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Агар зарар корхона, ташкилот, муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан етказилган бўлса, мазкур зарарни суд тартибида ундириш корхона мулкдори ёки у ваколат берган орган томонидан берилган даъво аризаси асосида (ёки прокурорнинг аризаси бўйича) қўзғатилади (Меҳнат Кодексининг 208-моддаси). Мазкур органлар судда ўз номларидан иш қўзғатсаларда, лекин улар ўзларининг субъектив ҳуқуқларини эмас, балки зарар етказилган корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиб процессда иштирок этадилар. Корхона номидан судда иш қўзғатувчи корхона раҳбарларидан фарқли равишда, корхона мулкдорлари ёки у ваколат берган орган ишда иштирок этувчи шахслар (процессуал маънодаги даъвогарлар) деб эътироф этилади.⁶² Ушбу ҳолатда зарар етказилган ташкилот ўз раҳбари томонидан етказилган

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йилги маълумотидан.

⁶² Добровольский А.А. Исковая форма защиты права.-М.: 1965. С.46-47.; Шакарян М.С. Участие в советском гражданском процессе органов государственного управления.-М.: ВЮЗИ. 1978. С.19-21.

зарарни суд тартибда ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдалана олмайди. Зарар етказилган ташкилот судга даъво ариза билан мурожаат қилса, суд албатта мазкур аризани ФПКнинг 152-моддаси 7-банди, яъни манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берганлиги асосида аризани қабул қилишни рад этади.

Судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан кўзғатилади (ФПКнинг 148-моддаси). Даъвогарнинг асосий талаблари даъво аризада кўрсатилиши лозим.

Шу ўринда Э.Э.Эгамбердиев даъво аризасининг аҳамияти ҳақида гапириб, агар ҳуқуқи бузилган шахснинг ёки қонуний манфаатини суд орқали ҳимоя қилувчи манфаатдор шахснинг аризаси (даъво аризаси) бўлмаса, процессуал кафолатлар кафолатлигича қолаверишини, даъво аризаси бузилган ҳуқуқни ёки қонуний манфаатни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган суд фаолиятини кўзғатишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади.⁶³

Ходимлар томонидан берилаётган ишга тиклаш ёки ишдан бўшатиш асослари таърифини ўзгартириш тўғрисидаги даъво аризаларининг мазмунига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Судлар мазкур туркумдаги ишлар бўйича берилаётган даъво аризаларида ходим ҳар доим ҳам иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни (масалан, ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси ёки унинг кўчирмасини, касаба уюшмаси кўмитасининг ишдан бўшатиш учун берган розилиги тўғрисидаги қарори нусхасини, иш ҳақининг миқдори тўғрисидаги маълумотномани ва ҳ.к.) илова қила олмаслигига эътибор беришлари лозим. Бизнинг фикримизча, ишга тиклаш ҳақидаги низоли ишлар юзасидан судья даъвогарнинг ўз даъво талабларини асословчи далилларни тақдим қилмаганлиги асосида даъво аризасини қабул қилишни рад қилмаслиги керак.

Суд амалиётини умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, судга мурожаат қилаётган аксарият ходимлар ўз даъво аризаларида маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларни кўрсатмоқдалар. Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб мавжуд бўлган даъво аризаларининг мазмунига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Айниқса, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабга асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар аризада ўз аксини топиши лозим бўлади. Шу мақсадда ходимнинг ор-номуси, кадр-қиммати ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотлар, жавобгарнинг хатти-ҳаракати оқибатида руҳий тушкунликка тушиш натижасида соғлиғига хавф туғилганлигини тасдиқловчи тиббий маълумотлар аризада илова қилиниши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 155-моддасига мувофиқ, даъвогарларга бир аризада ўзаро боғлиқ бўлган бир неча талабни бирлаштириш ҳуқуқи берилади. Ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов даъво асослари ва предметлари умумий бир-бири билан боғлиқ, талаблар ҳам бир турда бўлганида-даъвогарнинг объекти сифатида бирлаштирилиши кераклигини таъкидлаб ўтади.⁶⁴ Дарҳақиқат, бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилар экан,

⁶³ Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари.-Т.: Камалак. 1997. Б.5.

⁶⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал шую=у=и: Дарслик.-Т.: Адолат. 2001. Б.158.

ходим ушбу аризада бир вақтнинг ўзида ушбу талаб билан бирга аввалги ишига тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги ёки аввалги иш ҳақи ўртасидаги фарқни ундириш тўғрисидаги талабларни ҳам бирлаштириши ва суд мажлисида кўриб чиқилишини сўраши мумкин. Агар даъво асоси ва предметлари умумий бўлмай, турли ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқарувчи талаблардан иборат бўлса, суд бир турда бўлмаган талабни кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқариши лозим бўлади. Масалан, даъвогар И.А. Эргашев Мирзо Улуғбек туман судига мурожаат қилиб, жавобгар “Тезлатгич” илмий ишлаб чиқариш ижара корхонасидан мажбур бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш, ишга тиклаш ўрнига ўз фойдасига уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифини ўзгартириб, ўз ташаббус билан меҳнат шартномасини бекор қилинган деб топиш, маънавий зарарни ундириш ҳамда корхонанинг мулкидаги ўз ҳиссасини ажратиб беришни сўраган.

Туман суди ўз навбатида даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарар экан, даъвогарнинг корхона мулкидаги ўз ҳиссасини ажратиб бериш тўғрисидаги талаби меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқмаганлиги ва ишга тиклаш тўғрисидаги талаблар билан бирга қўшиб кўрилмаслигини, кейинчалик даъвогар мазкур талаб билан умумий асосларда судга мурожаат қилиши мумкинлигини кўрсатиб, ушбу талабни кўрмасдан қолдирган.⁶⁵

Судда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида даъво кўзғатиш шартларидан бири даъво аризалари учун давлат божининг тўланиши ҳисобланади. ФПКнинг 104-моддасида давлат божи ундирилиши лозим бўлган ҳужжатлар ўз аксини топган. Бунга кўра судларга даъво аризалари берганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади. Меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар бўйича судга мурожаат қилган даъвогарлардан даъво аризалари учун давлат божи ундирилмайди. Бу эса меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидан бири бўлиб, ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора сифатида эътироф этилади. "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, ишга тиклаш тўғрисидаги даъво талаблари бўйича даъвогарлар давлат божини тўлашдан озод этилган.⁶⁶ Меҳнатга оид айрим туркумдаги низоли ишлар бўйича судга тақдим этилган даъво аризалари учун давлат божи ундирилиши мумкин. Масалан, ходимлар томонидан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаларидан давлат божи ундирилади. Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисида даъво тақдим қилган иш берувчилардан давлат божи ундирилмайди.⁶⁷ Лекин бунинг учун жиноий тартибда кўзда тутилган хатти-ҳаракат суднинг ҳукми ва жиноий иш бўйича чиқарилган қарор билан тасдиқланган бўлиши лозим. Шунингдек, иш берувчининг манфаатларини ҳимоя қилиб, ходим томонидан етказилган зарарни ундириш тўғрисида даъво

⁶⁵ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 1997 йил 04 июль архив материалларидан.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги қонуни. // Халқ сўзи.-1993, 15 январь.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999 йил.

ариза билан мурожаат қилган прокурорлар ҳам давлат божини тўламайдилар. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни берилганда эса, даъво аризаси учун тўланган божнинг 50% миқдорида давлат божи ундирилиши мумкин.⁶⁸ Бундай ҳолда давлат божининг миқдори шикоятда кўрсатилган суммадан келиб чиқмаслиги лозим.

Назорат саволлари:

1. Меҳнат низолари юзасидан судга мурожаат қилиш муддатларини кўрсатинг?
2. Меҳнат ишлари бўйича судга мурожаат қилиш муддатининг ўтказиб юбориш оқибатлари қандай?
3. Меҳнат ишлари бўйича судда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар таркибини аниқланг?
4. Меҳнат ишлари бўйича даъво аризаларининг мазмуни ва ундаги камчиликларни тузатиш тартибини аниқланг?
5. Даъво аризаларини қабул қилишни рад этиш асосларини кўрсатинг?
6. Меҳнат ишларини судда қўзғатишнинг ўзига хос қандай қандай хусусиятлари мавжуд?

2-§. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришга тайёрлаш

Фуқаролик процессуал қонунчилиги биринчи инстанция судларида даъвогарнинг даъво аризасини қабул қилиш тўғрисидаги масала ижобий ҳал қилинган, мажбурий босқич сифатида ишни судда кўришга тайёрлашни назарда тутди.

Ҳуқуқий адабиётларда фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш фуқаролик ҳуқуқий низоларининг мумкин қадар тезлаштириб, тўла ва ҳар томонлама кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлаш мақсадларини кўзлаган ҳолда амалга оширилиши таъкидланади.⁶⁹ Биробарин, меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришга тайёрлашнинг асосий мақсади ҳам меҳнат низоларини ҳал қилиш учун махсус муддатларнинг жорий этилганлигини эътиборга олиб, биринчи суд мажлисидаёқ тез ва тўла кўриб ҳал қилишдан иборатдир.

Меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлаш босқичида судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар бу тўғрисида чиқарилган ажримда ўз аксини топиши лозим бўлади. Б.А.Будеевнинг фикрича, ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда судья иккита масалани, яъни биринчидан, ишни ўз юритувига қабул қилиш ва иккинчидан, ишни судда кўришга тайёрлаш

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги ва унга киритилган ўзгаришлар шартларидаги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 октябрдаги 358-сонли қарори.

⁶⁹ Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўриш жараёнидаги шужжат (вақт)лар намуналари.-Т.: Ўзбекистон. 1994. Б.162.

тўғрисидаги масалани ҳал қилишга ҳақли бўлади.⁷⁰ Бизнинг фикримизча ҳам судьянинг юқоридаги икки масалани бир процессуал ҳужаатда бирлаштириши мақсадга мувофиқдир.

Судья ишни судда кўришга тайёрлаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишга фуқаролик ишини кўзғатганидан сўнг киришади. Қонун меҳнат ишини кўзғатмасдан аввал тайёрлов ҳаракатларини амалга оширишни назарда тутмайди. Акс ҳолда фуқаролик суд ишларини юритишнинг қонунда назарда тутилмаган босқичи юзага келиши мумкин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқарилиши судья томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш ҳаракатларини бошлаганлигидан далолат беради.

Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг амалга ошириши лозим бўлган процессуал ҳаракатлари ФПКнинг 160-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, тайёрлов жараёнида судья иш ҳолатларидан келиб чиқиб, мазкур моддада кўрсатилмаган бошқа тайёрлов ҳаракатларини ҳам амалга ошириши мумкин.

Иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги низони судда кўришга тайёрлаш босқичида судья бу тўғрисида буйруқ берган мансабдор шахсни жавобгар томонидан туриб иштирок этиш учун учинчи шахс сифатида жалб этиш масаласини ҳал қилади. Шу ўринда ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида мансабдор шахсни ходимни ишдан бўшатганлик ёки бошқа ишга ўтказганлик сабабларини аниқлаш мақсадида сўроқлаши лозим.

Амалдаги процессуал қонунчиликка кўра, судья тайёрлов босқичида ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш, шерик иштирокчилик масалаларига ҳам эътибор бериши лозим. Жамоа моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишлар бўйича судья жамоанинг барча аъзоларини шерик жавобгар сифатида процессга жалб қилиш чораларини кўриши лозим.

Айрим ҳолларда ходимга етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш жараёнида зарар етказилишига сабаб бўлган мансабдор шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар содир этганлиги аниқ бўлиб қолади. Бундай ҳолларда судья мазкур шахсни албатта шерик жавобгар сифатида ишда иштирок этиш учун жалб этиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бу иккинчи жавобгар сифатида тегишли жавобгарнинг процессуал ҳолатини аниқлаб олишга ҳам имкон яратади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркибини аниқлаб, уларни ишни тайёрлаш тартибида сўроқлар экан, судья иш юзасидан ўзининг шахсий фикрини билдиришга ҳақли эмас ва албатта холислик тамойилига амал қилиши лозим бўлади. Судья процесснинг ҳар бир иштирокчисига нисбатан тенг муносабатда бўлишга мажбурдир. Акс ҳолда мазкур судьяга нисбатан четлатиш тўғрисида арз билдирилишига асос бўлади.

Амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилик меҳнат ишлари юзасидан прокурорнинг иштирок этиши шартлигини назарда тутмайди. Лекин ФПКнинг

⁷⁰ Будеев Б.А. Обязательные определения суда первой инстанции по гражданском делам. Сборник, № 15.- Свердловск. 1971. 102 с.

46-моддасига кўра, агар суд меҳнатга оид низоли ишларда қатнашишни зарур деб топган ҳолларда, шунингдек прокурор аризаси билан кўзғатилган ишларини судларда кўрилишида прокурор албатта иштирок этиши мустақкамлаб қўйилган. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Судда фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 1998 йил 12 ноябр 16-сонли буйруғида прокурор албатта ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларнинг судда кўриб, ҳал қилинишида иштирок этиши шарт эканлиги ўз ифодасини топган.

Меҳнатга оид ишга тиклаш ҳақидаги ишларни судлар томонидан тўғри ва ўз вақтида кўриб ҳал қилиниши, ходимларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судлар томонидан самарали ҳимоя қилиниши ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда мазкур туркумдаги ишларда туман прокурорининг ёрдамчилари эмас, балки шахсан прокурор ёки унинг ўринбосарлари иштирок этиши лозимлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 12 ноябр 16-сонли буйруғида тегишли кўрсатмалар бериб ўтилади.⁷¹

Ундан ташқари, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида судья ҳар қандай меҳнат ишлари юзасидан прокурорнинг иштирок этишини лозим деб топиши ва прокурорни бу ҳақда хабардор қилиш чораларини кўриши мумкин.

ФПКнинг 160-моддасига кўра, судья меҳнат низолари юзасидан суд мажлисида давлат бошқаруви органлари, меҳнат жамоаси ва жамоат ташкилотлари вакилларининг иштирок этиш масаласини ҳал қилади. Шу ўринда, меҳнат интизомини бузиш, иш берувчининг мол-мулкига зарар етказиш тўғрисидаги ишлар бўйича меҳнат жамоасининг вакилини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг суд мажлисига жалб қилиш судьянинг ажрими асосида ҳал қилинади. Мазкур ажримда юзага келган низонинг мазмуни, иштирок этиш мақсади, келишмовчиликнинг суд мажлисигача меҳнат жамоаларида ҳал қилиниши ҳамда вакил ваколатини расмийлаштириш тартиби кўрсатилиши мумкин.

Меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришга тайёрлашнинг муҳим процессуал хусусиятлари мазкур туркумдаги ишни судда кўришга тайёрлаш учун махсус муддатларнинг жорий этилганлигидир. Хусусан, меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишни судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим (ФПКнинг 131-моддаси). Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида ҳам меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришга тайёрлаш учун махсус қисқартирилган муддатларнинг белгиланганлигини эътиборга олиб, даъво ариза қабул қилинган бўлса, суд томонидан ишни кўришга тайёрлаш қонунда белгиланган муддатлар доирасида ҳал қилинишини лозимлиги юзасидан тушунтиришлар берилди. Шу ўринда ишларни судда кўришга тайёрлаш талаб даражасида олиб борилмаганлиги боис, 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги бййру=лари, кырсатмалари, низом ва йыри=номалари Тыплами. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси =онунчиликни мустацкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази.-Т.: 1999. Б.193.

Олий суди томонидан ўрганиб чиқилган қарийб 40% меҳнатга оид ишлар бўйича қонун билан белгиланган ўн кунлик муддат бузилганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.⁷²

Яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Республика бўйича фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш муддатлари бузилган ҳолда кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган ишлар 1998 йилнинг биринчи ярмида 7,6%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида 8,3%га етгач, яъни 0,7%га ёмонлашган.⁷³

Ўз навбатида, меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришга тайёрлаш муддатларининг бузилишини олдини олиш мақсадида иш берувчининг иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни ўз вақтида судга тақдим қилишини таъминлаш лозим. Шу ўринда ишга тегишли бўлган ёзма ёки ашёвий далилларни судга тақдим қилмаган ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва фуқароларга нисбатан суд жарималари солиш амалиётидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (ФПКнинг 75, 81-моддалари).

Меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлаш муддатларининг бузилишига олиб келадиган муҳим омиллари сифатида суд топшириқлари юзасидан тегишли жавобларнинг ўз вақтида олинмаслиги эътироф этилмоқда. Аксарият ҳолларда ходимнинг даъво аризасини қабул қилиб, ишни кўзгатар экан судлар иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни тўплаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишга тўғри келади. Ўз навбатида, мазкур далилларни тўпламасдан туриб, ишни мазмунан ҳал қилиш мумкин эмас. Шу мақсадда суд топшириқлари юборилиши ва уларнинг жавобгарларини эса бир қанча муддат кутишга тўғри келади. Охир оқибатда ишни судда кўришга тайёрлаш муддатларининг чўзилиб кетиш ҳоллари кузатилмоқда.

Меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ўз вақтида судда кўришга тайёрлаш мақсадида суд топшириқлари юборилган бўлса, унинг жавоби олингунга қадар ишни судда кўришга тайёрлаш муддатлари тўхтатиб турилиши ҳақида тегишли норма ФПКда ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Назорат саволлари:

1. Ишни судда кўришга тайёрлашдан мақсад нимада?
2. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида суднинг вазифалари нималардан иборат?
3. Меҳнат низоли ишларини судда кўришга тайёрлаш босқичида судья томонидан қандай процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши лозим?
4. Меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлаш муддати қанча?
5. Меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини кўрсатинг.

⁷² Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш бўлимининг «Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш» бўйича 1997 йилги маълумотномасидан.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йил 24 сентябрдаги Пленуми қарорлари.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 1999. Б.56.

3-§. Меҳнат ишлари бўйича исботлаш ва далиллар.

Судлар томонидан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар юзасидан чиқарилаётган ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг энг муҳим шартларидан бири иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланиши ва ушбу ҳолатларнинг исботланишидир. Мазкур шартларни тўғри бажармай туриб, низоли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқи нормаларини тўғри қўллаш мумкин бўлмайди.

Бизга маълумки, судья арз қилинган талабларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаролик иши бўйича далиллар доирасини белгилайди. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далиллар асосан ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида аниқланиши ва уларни ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилиши таъминланиши лозим бўлади.

Судлар томонидан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқаётган ишлар юзасидан чиқарилаётган ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг энг муҳим шартларидан бири иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ ва ушбу ҳолатларнинг исботланишидир. Мазкур шартларни тўлиқ бажармай туриб, низоли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқи нормаларини тўғри қўллаш мумкин бўлмайди.

Бизга маълумки, судья арз қилинган талабларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаролик иши бўйича далиллар доирасини белгилайди. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далиллар асосан ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида аниқланиши ва уларни ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилиши таъминланиши лозим бўлади.

Айнан, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш вазифаларидан бири ҳам судларнинг ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлашдан иборатдир. Меҳнат ишлари бўйича тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан тақдим этилган далилларнинг дахлдорлиги масаласини ҳал қилар экан, судья ушбу шахсларга айнан қайси ҳолат мазкур далиллар билан исботланиши мумкинлигини кўрсатишларини тақлиф қилади.

Иш юзасидан у ёки бу далилнинг тақдим этилиши ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларига кўпроқ боғлиқ бўлади. Бинобарин, штатлар қисқарганлиги муносабати меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ишларда ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар сифатида штатлар жадвали эътироф этилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-банди билан бекор қилиш учун фақат ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги асос бўлавермайди. Демак, мазкур туркумга оид бўлган ишларни судда мазмунан кўриб ҳал қилиш учун зарур бўлган далил сифатида ҳар доим ҳам штатлар жадвали эътироф этилмайди. Хусусан, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва

меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришларни исботлаш учун суд иш берувчидан корхонанинг штатлар жадвалини талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Ўз меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузганлиги туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимларни ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар жумласига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрел қарорининг 34-моддасига кўра, корхона мулкдори (ваколатли орган) билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси, интизом тўғрисидаги Низом ва уставлар, корхоналарнинг ички меҳнат тартиб қоидаларини киритишимиз мумкин.

Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1,2,6-бандлари билан ишдан бўшатишган ходимларни ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаётган судья, албатта ишдан бўшатишганда бериладиган сумма ҳақидаги маълумотномани ҳам талаб қилиб олади. Чунки аввалги ишга тикланган ходимга ўртача ойлик иш ҳақини ундириш жараёнида унга тўланган ишдан бўшатишганда бериладиган сумма қайтарилиши керак.

Агар ишга тиклаш ва мажбурий бўш юрганлиги учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги меҳнат иши ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда даъвогар яъни ишга киришганлигини тасдиқловчи далил (масалан, табелдан кўчирма)ни судья талаб қилиб олиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бошқа ишга ўтган барча вақти учун тўланган иш ҳақи миқдори тўғрисида маълумотномани ҳам талаб қилиб олади. Ундан ташқари, судья ходимнинг бошқа ишга ўтказишга сабаб бўлган ишлаб чиқариш зарурияти, вақтинча ишга келмаган ходим ўрнига қўйиш, бекор туриб қолганлигини, ножўя хатти-ҳаракат содир этиш ҳолатларини тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши керак. Бундай далиллар жумласига: билдиришномалар, комиссия томонидан тузилган далолатномалар, маълумотлар ва бошқалар кириши мумкин.

Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблар мавжуд бўлган меҳнат ишларини судда кўришга тайёрлаш ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Мазкур босқичда суд тарафларнинг талаб ва эътирозларини асослайдиган фактларни, шунингдек, низони тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа исботлаш предметларини аниқлаши лозим. Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича исботлаш предмети бўлиб қуйидагилар тан олинади:

1) жавобгар томонидан содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан даъвогарга етказилган маънавий зарар ўртасидаги сабабий боғланиш, жавобгарнинг хатти-ҳаракатлари нималардан иборат эканлиги ва унинг қачон содир этилганлиги;

2) жавобгар томонидан содир этилган ушбу ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида даъвогарнинг қандай шахсий номоддий ҳуқуқлари бузилганлиги;

3) даъвогарнинг жисмоний ва руҳий азобланиши нимада акс этганлиги;

4) зарар етказувчининг айб даражаси;

5) жабрланувчининг шахсий хусусиятлари;

б) тўловнинг миқдори.⁷⁴

ФПКнинг 57-моддаси 1-қисмига мувофиқ, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича исботлаш бурчи қуйидагича тақсимланади, яъни даъвогар қуйидагиларни исботлаши шарт:

1) маълум бир ҳолатда ва аниқ бир шахслар томонидан зарар етказилганлигини;

2) жисмоний ва руҳий азобларнинг даражасини ва улар нималарда акс этганлигини;

3) етказилган зарар билан жисмоний ёки руҳий азоблар ўртасидаги сабабий боғланишни;

4) етказилган маънавий зарарнинг миқдорини.

Жавобгар зиммасига юклатилган исботлашнинг бурчи ҳақида шуни айтиш жоизки, бу масалада меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради.

Бизга маълумки, ходимнинг ишдан бўшатирилганлигининг қонунийлиги ёки унинг соғлиғига, мол-мулкига зарар етказилмаганлиги, меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифи меҳнат қонунларига мувофиқ келишлиги ва умуман ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилмаганлигини исботлаш бурчи иш берувчи-жавобгар зиммасига юклатилади.

Худди шунингдек, ходимга ўз хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида маънавий зарар етказилмаганлигини исботлаш бурчи ҳам иш берувчи зиммасига юклатилади. Бошқача қилиб айтганда, жавобгар зиммасида зарар етказишда ўз айбининг мавжуд эмаслигини исботлаш бурчи ётади.

Айрим ҳолларда зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиш-бўлмаглигидан қатъий назар қонун маънавий зарар учун тўловлар ундирилишини назарда тутати. Масалан, ошиқча хавф манбаи ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этса ёки унинг соғлиғига етказилган тақдирда зарар етказувчининг айбидан қатъий назар маънавий зарар учун тўловлар ундирилиши лозим бўлади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва улар ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида исботлаш бурчининг тақсимланишининг иш учун муҳим бўлган далилларни судга тақдим этиш мажбурияти билан ўзаро боғлиқдир. ФПКнинг 57-моддаси 3-қисмига кўра, далиллар тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан тақдим этилади. Агар қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатади. Хусусан бошқа судларга суд топшириқларини жўнатади, зарур ҳолларда далилларни таъминлаш тартибида жойга бориб кўздан кечириш

⁷⁴ Степанов М.А. Предмет доказывания по гражданским делам о компенсации морального вреда // Закон и право. № 12, 2000. 35с.; Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда в России и за рубежом.-М., 1997. с 177.

ўтказади, гувоҳлар сўроқ қилинади, ёзма ва ашёвий далиллар талаб қилиб олинади.

Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича исботлаш воситаларининг барча турлари қўлланилиши мумкин, яъни тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари (ФПКнинг 56-моддаси) шулар жумласидандир.

Бошқа туркумдаги низоли ишлардан фарқли равишда маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича ашёвий далилларга камроқ мурожаат қилинади. Ҳолбуки, маънавий зарар учун тўлов суммасини аниқлаш учун ходимнинг шахсий хусусиятлари ва унинг ишчанлик обрўсини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам айрим муаллифлар ходимнинг рухий хусусиятларини аниқлаш мақсадида суд-рухий экспертизасини тайинлаш мақсадга мувофиқдир деган фикрни илгари сурадилар.⁷⁵

Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича барча далиллар фуқаролик процессуал қонунчилиқнинг далилларнинг дахлдорлиги, исботлаш воситаларига йўл қўйилиши ҳақидаги талаблар асосида тўпланиши шарт.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья далилларни таъминлаш чораларини кўришга алоҳида эътибор бериши лозим. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида"ги 1999 йил 24 сентябр қарорида судья ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида далилларни таъминлаш бўйича чоралар кўриши мумкинлиги ва судга ариза берилган вақтдан бошлаб даъво таъминланишини назарда тутишлиги таъкидланган.⁷⁶ Шу ўринда, ишни кўришга тайёрлаётган судья бошқа судга суд топшириқларини юбориш йўли билан далилларни таъминлаш масаласини ҳал қилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Лекин суд амалиётида ФПКнинг 61-моддаси қоидаларини ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида асоссиз равишда қўллаш ҳоллари ҳам учраб туради. Хусусан, бошқа шаҳар ёки туманда яшовчи тарафларни сўроқ қилиш учун асоссиз суд топшириқларини юбориш ҳоллари шулар жумласидандир. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида бошқа шаҳар ёки туманда яшовчи тарафлардан суд топшириқлари юбориш асосида ёзма шаклда тушунтириш талаб қилишларининг зарурияти йўқ. Чунки ишни судда кўришга тайёрлаётган суднинг ўзи бевосита ушбу тарафлардан ёзма тушунтиришларни сўраб олишлиги мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик процессуал қонунчилиқига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаби ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт (ФПКнинг 57-моддаси). Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар юзасидан исботлаш бурчининг тақсимланиши ўзига хос хусусиятга эга. Хусусан, ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича исботлаш бурчи асосан

⁷⁵ Соломенка Е.А., Особенности рассмотрения судами дел о компенсации морального вреда // Российский судья. 2000, №4, 31-36 с.; Степанов М.А. Предмет доказывания по гражданским делам о компенсации морального вреда // Закон и право. 2000, №12, 31-36 с.; Избиенова Т.А., Проблемы компенсации морального вреда в сфере трудовых правоотношений // Российский судья. 2001. №4. 27-30 с.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йил 24 сентябрдаги Пленуми қарорлари. «Ўзбекистон Республикаси Олий суди» Тъплам.-Т., 1999. Б.48-49, 11-модда.

иш берувчига юклатилади. Чунки иш бўйича асосий далиллар иш берувчида мавжуд бўлади. Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнида (МКнинг 100-моддаси) меҳнат қонунларини қўллаш ташаббуси иш берувчи томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам судга тақдим этилиши лозим бўлган қуйидаги далиллар: далолатномалар, ходимларнинг тушунтириш хатлари, табеллар, иш жадвали ва иш берувчида мавжуд бўлади.

Лекин шу билан бирга ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича даъвогарга ҳам айрим ҳолларда исботлаш бурчи юклатилиши ҳам мумкин. Масалан, агар ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг ноқонуний эканлиги юзасидан низолашиб, уни бирон-бир ҳолатлар билан асосласа, албатта ушбу ҳолатни исботловчи далилларни судга тақдим этиши шарт бўлади. Масалан, меҳнат шартномаси ходимнинг прогул қилганлиги билан МКнинг 100-моддаси иккинчи қисми 4-банди билан бекор қилинган тақдирда ходим узрли сабабларга кўра ишга чиқа олмаганлигини тасдиқловчи далилларни (тиббий маълумотнома, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва х.к.) судга тақдим қилиши шарт.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан фарқли равишда меҳнат ҳуқуқи нормаларида меҳнатга оид низоли ишлар юзасидан исботлаш бурчининг тарафлар ўртасида тасдиқланиш тўғрисида махсус қоида мавжуд эмас ва бу ўз навбатида мазкур қоиданинг меҳнат ҳуқуқида қўлланилиши ўзининг спецификаси (махсус хусусияти)га эга эканлигидан далолат беради. Ҳуқуқий адабиётларда меҳнатга оид низоли ишлар юзасидан исботлаш бурчининг тақсимланишидаги ўзига хос хусусиятларни айрим олимлар, жумладан, С.А.Иванова ва Н.И.Адвеевколар низоли юзага келтирувчи меҳнат ҳуқуқий муносабатнинг меҳнат низоси бўйича даъвонинг предметини ташкил этган моддий-ҳуқуқий талабнинг характери билан ҳамда боғлиқ эканлигини кўрсатади.⁷⁷

Назорат саволлари:

1. Фуқаролик процессида далилларга қандай таъриф берилади?
2. Исботлаш деб нимага айтилади?
3. Меҳнат ишлари бўйича далилларни тақдим қилиш мажбурияти кимларга юклатилади?
4. Меҳнат ишлари бўйича исботлаш бурчининг тақсимланишида қандай хусусиятлар мавжуд?
5. Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблар мавжуд бўлган меҳнат ишлари бўйича исботлаш предметини аниқланг?

4-§ Меҳнатга оид низоли ишларни судда мазмунан кўриб ҳал қилишнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари

Судларда кўриб, ҳал қилинаётган фуқаролик ишлари ичида меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар кўпчиликини ташкил

⁷⁷ Авдюков М.Г. Принцип законности в гражданском судопроизводстве.-М.: МГУ, 1970. С. 94

этади. Жумладан, 2000 йилда Республика бўйича судларда фуқаролик ишлари юзасидан кўриб ҳал қилув қарори чиқарилган ишлар 94702 тани ташкил этиб, шулардан 522 тасини ишга тиклаш ҳақидаги ишлар, 5457 тасини эса меҳнат вазифасини бажаришда ходимлар томонидан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар ташкил этган.⁷⁸

Меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриб, ҳал қилиш жараёнида судлар мазкур туркумдаги ишлар учун қонунда белгиланган бир қатор процессуал хусусиятларни эътиборга олишлари лозим бўлади. Ўз навбатида мазкур хусусиятлар низоли моддий-ҳуқуқий муносабатнинг характери билан белгиланиб, фақат моддий ҳуқуқ (меҳнат ҳуқуқи) нормаларидангина эмас, балки процессуал ҳуқуқ нормалари (ФПК)да ҳам назарда тутилган.⁷⁹

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 13-моддасига мувофиқ меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, бошқа туркумдаги фуқаролик ишлари каби биринчи инстанция судлари томонидан судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади (ФПКнинг 13-моддаси).

Шу ўринда, меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни судда кўриш муддатларида ўзига хос процессуал хусусиятлар мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, ФПКнинг 131-моддасига мувофиқ, меҳнат ишлари биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кун ичида, башарти, тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлсалар, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.⁸⁰ Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўриш муддатининг бир ой қилиб белгиланишига қонун йўл қўймайди.

Маълумки, фуқаролик ишларини кўриш муддатларига оғишмай риоя этиш одил судловни амалга оширишда қонунчиликни мустаҳкамлашга, суд иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим омиллардан биридир. Лекин шундай бўлсада, фуқаролик ишларини кўриш муддатларига айрим судларнинг риоя қилмаслик ҳоллари кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида»ги 1999 йил 24 сентябр қарорида республика судлари томонидан фуқаролик ишларнинг маълум қисми белгиланган муддатларни бузиб кўрилаётганлиги таъкидланади.

Шу ўринда Республикаимизнинг туманлараро фуқаролик ишларини кўрувчи судлари томонидан иш кўриш муддатларининг ҳозирги аҳволи тўғрисидаги маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2000 йилда жами тамомланган ишлар 94702 тани, 2001 йилда эса 111004 тани ташкил этса, шулардан 2000 йилда 1373 таси, 2001 йилда эса 2776 таси бўйича иш кўриш муддатлари бузиб кўрилган.⁸¹ Шунингдек, 200 йилнинг тўққиз ойида туманлараро судларда жами тамомланган ишлар 87077 тани ташкил этиб, улардан 4522 таси қонунда белгиланган муддат бузилиб кўрилган.⁸²

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш билимининг 2002 йилги маълумотномасидан.

⁷⁹ Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кыриш жараёнидаги шужжат (васи=а)лар намуналари.-Т.: Ўзбекистон, 1994, Б.152.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1998. 131-модда. Б.52.

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш билимининг 2002. маълумотномасидан.

⁸² Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Статистика билими»нинг 2002 йилги маълумотномасидан.

Меҳнат ишларини мазмунан кўриб, ҳал қилиш жараёнида судлар процессуал қонунчиликда белгиланган бир қатор шартларга амал қилишлари талаб этилади. Ушбу шартлардан бири судларнинг ФПКнинг 17-бобида назарда тутилган талабларга риоя қилишларидан иборатдир.

Фуқаролик ишларини ҳал қилишда суд мажлиси қўйидагича қисмларга: тайёрлов қисми; ишни мазмуни бўйича кўриш; суд музокаралари қисми; агар ишда иштирок этса, прокурорнинг фикр бериш қисми; қарор чиқариш ва уни эълон қилиш қисмларига бўлинади.

Меҳнатга оид низоли ишлар бўйича суд мажлисининг тайёрлов қисмида суд низоли ишни мазкур суд мажлисида кўриш учун зарур шарт-шароитлар бўлиш-бўлмаслигини аниқлайди. Суд мажлиси котиби иш бўйича чақирилган шахслардан кимларнинг келган-келмаганлиги тўғрисида маълумот беради. Агар тарафлар (даъвогар ва жавобгар) узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса ёхуд уларнинг бирортасидан ҳам ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида ариза тушмаган бўлса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради (ФПКнинг 175-моддаси).

Судлар томонидан процессуал қонунларга амал қилмаслик, чунончи: ишда иштирок этувчи тарафлардан бирортасининг йўқлигида уни суд мажлисининг бўлиши вақти ва жойи тўғрисида ҳабардор қилмай кўрилиши иш юзасидан чиқарилган қарорларнинг апелляция, кассация ёки назорат тартибида бекор қилиш учун асос бўлади (ФПКнинг 314-моддаси). Масалан, Тошкент шаҳар Юнусобод туман суди даъвогарлар С.З.Эргашев, Э.Н.Мавлянов ва Л.А.Кочергаларнинг жавобгар Республика Деҳқон ва фермер хўжалиги уюшмасига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий бўш юрган вақтлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича меҳнат ишини кўриб, ҳал қилган. Туман суди ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида жавобгар тарафни тегишли тартибда огоҳлантирганлиги тўғрисида ҳужжат фуқаролик ишида мавжуд бўлмасада, ФПКнинг 174-моддаси талабларига зид ҳолда, низони жавобгарнинг иштирокисиз кўриб ҳал этган. Охир-оқибатда суд ҳал қилув қарори Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримига мувофиқ бекор қилинган.⁸³

Суд амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, ходимнинг ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризаларининг йўқолиб қолиш ҳоллари ҳам кўплаб учрайди. Мазкур туркумдаги низоли ишларни мазмунан кўриб, ҳал қилиш жараёнидан судлар аризининг иш берувчига берилганлигини тасдиқловчи далилларнинг ҳақиқийлигини белгилаш мақсадида уларни бевосита текширишлари, судга маълум қилинган маълумотларнинг (гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ҳужжатларнинг) қанчалик тўғри бўлишини аниқлашлари лозим бўлади.

ФПКнинг 67-моддасида кўрсатилганидек, суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ташлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқиш асосида ички ишонч бўйича баҳо беради.

⁸³ Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2000 йил 9 март оyi № 33-226/2000 рақами ажримидан.

Мисол тариқасида қуйидаги фуқаролик ишини келтирамиз. Кан О.И. Олмалик шаҳар судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, шаҳар халқ таълими бўлимига ишга тиклашни сўраган. Даъво аризасида кўрсатилишича, унинг билан меҳнат шартномаси 1996 йил 24 сентябрда Меҳнат Кодексининг 99-моддаси билан бекор қилинган. Лекин даъвогарнинг таъкидлашича, ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиниши тўғрисидаги ариза ёзмаган, у билан иш берувчи ўртасида бу ҳақда оғзаки суҳбат бўлган холос. Судда жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этувчи болалар боғчаси мудираси эса даъвони тан олмай, Кан О.И. билан тузилган меҳнат шартномаси унинг ёзма равишдаги аризаси асосида бекор қилинганлигини, ушбу ариза прокуратура томонидан талаб қилиб олинган бўлиб, сўнгра эса йўқолганлигини таъкидлайди. Суд даъвогар томонидан аризининг берилганлигини тасдиқловчи ҳолатларни аниқлаш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчилигида назарда тутилган исботлаш воситаларига, жумладан гувоҳларнинг кўргазмаларига эътибор берган. Натижада суд процессида даъвогар Каннинг важлари ўз тасдиғини топмаган ва суднинг 1996 йил 18 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво рад қилинган.⁸⁴

Суд амалиёти шундан далолат берадики, аксарият ходимлар ўз даъво аризаларида меҳнат ҳуқуқининг тикланшини талаб қилиш билан бир қаторла етказилган маънавий зарарни ундиришга оид талабларни ҳам илгари сурмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 1998 йил 17 апрел 12-сонли қарорда суд иш берувчига ҳар қандай меҳнат ҳуқуқининг бузилиши оқибатида (масалан, асоссиз интизомий чора қўллаш, тегишли тиббий тавсиялар асосида бошқа ишга ўтказишни рад қилиш, иш ҳақи ёки бошқа тўловларни бермаслик ёки уларни асоссиз келтириш, меҳнат шартномаси бекор қилинган, иш берувчининг ходимнинг меҳнат дафтарчасини бермаслиги ёки ўз вақтида бермаслиги ва бошқалар) натижасида ходимга етказилган маънавий зарарни қоплаш мажбуриятини юклаши мумкинлиги ифодаланган.⁸⁵

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 февралдаги 74-сонли, 2001 йил 1 мартдаги 103-сонли қарорлари билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш ҳақида» ги Қоидаларда ҳам ходимларга етказилган зарар сифатида маънавий зарарни қоплаш назарда тутилган.⁸⁶

Шундай қилиб, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг барча кўринишлари маънавий зарар учун тегишли сумма ундирилишига асос бўла

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш бўлимининг «Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш» бўйича 1997 йилги маълумотномасидан.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «арорларининг тыплами. 1991-1998. II-жилд.-Т.: Шар=. 1999. Б.94.

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг «арорлари тыплами. № 2. 1994. 7-модда.; Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг «арорлари тыплами. № 3. 2001. 13-модда.

олади. /айриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказилганлик учун ФКнинг 1022-моддасига кўра маънавий зарарнинг ундирилиши шундан далолат берадики, фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўлган шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бузилиши маънавий зарар учун тўловлар ундирилиши мумкинлигидан далолат беради.

Маънавий зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда суд томонидан эътиборга олиниши лозим бўлган бир қатор умумий меъзонлар ФКнинг 1022-моддасида ўз ифодасини топган. Улар жумласига маънавий зарар ундириб бериш учун асос бўладиган иш берувчининг айб даражаси, жабрланган ходимнинг жисмоний ва руҳий азобланиш даражаси ва унинг шахсий хусусиятлари (унинг ёши, жамоатчилик ўртасидаги обрўси, саломатлик ҳолати, аёллар учун уларнинг хомиладорлик ҳолатлари ва бошқ.) ҳисобга олиниши белгиланган.

Маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда суд жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиши ва баҳолаши лозим (ФПКнинг 1022-моддаси). Шунингдек, зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилиқ талаблари эътиборга олиниши лозимлигига ҳам эътибор бериши лозим.

Шу ўринда айтиш жоизки, маънавий зарарни юзага келишига асос бўлган ҳолатларда, масалан, жабрланувчининг руҳан эзилиши ва тушкунликка тушишининг пул билан қопланиши аниқ бир чегараси бўлмаганлиги туфайли, фикримизча, меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш оқибатида ходимнинг руҳан тушкунликка тушиши билан боғлиқ етказилган маънавий зарар учун ундириладиган сумманинг миқдори ғайриқонуний равишда интизомий жазо чораси қўллаш ёки иш ҳақининг ўз вақтида берилмаслиги натижасида юзага келувчи маънавий зарар суммасидан юқори бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз. Маънавий зарар учун тўлов миқдори жабрланувчининг жисмоний ва руҳий азобланиши даражасига мутаносиб равишда қопланиши лозим.

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қондасига кўра, даъвогар ишни судда кўриш жараёнида даъво предметини ёки даъво асосини ўзгартиришга ҳақдир (ФПКнинг 40-моддаси). Меҳнат ишлари бўйича даъво асосини ўзгартириш меҳнат низоларининг тааллуқлиги масаласига таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун суд процессида даъвогарнинг даъво асосини ўзгартиришга бўлган ҳуқуқи меҳнат ишлари бўйича ҳам эътироф этилади.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида суднинг даъвогар хоҳиш-истагисиз даъво асосини ўзгартиришга бўлган ҳуқуқи эътироф этилмайди. Чунки даъвогар даъво аризасида ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни кўрсатади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низолари бўйича ишдан бўшатиш асослари даъво талабининг асосини ташкил этади. ФПКнинг 149-моддасига кўра, ходим прогулга йўл қўйилмаганлиги ёки унинг узрли эканлигини тасдиқловчи ҳолатларга асосланиб, Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 4-банди билан ишдан бўшатилишини ноқонуний деб ҳисоблаб, мазкур даъво асоси бўйича далиллар келтиради. Шунинг учун ҳам суд ходимни ишдан бўшатилишининг қонунийлиги масаласини иш берувчининг буйруғида кўрсатилган асослар бўйича текширади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорида ҳам судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириш лозимлиги тўғрисида тушунтиришлар берилиб, меҳнат муносабатининг бекор қилинишини суд бошқа асосда кўришга ҳақли эмаслиги ҳам эътироф этилади.⁸⁷

Меҳнат ишлари бўйича даъвогарнинг даъво предметини ўзгартиришга доир ҳуқуқларига тўхталадиган бўлсак, айтиш жоизки, даъвонинг предмети сифатида даъвогарнинг жавобгарга нисбатан моддий-ҳуқуқий талаби эътироф этилиб, шу асосда суднинг ҳал қилув қарори чиқарилади.⁸⁸

Фуқаролик процессуал қонунчиликнинг умумий қонидасига кўра, суд ўз ташаббуси билан даъво предметини ўзгартиришга ҳақли бўлмайди. Мазкур қоида меҳнат ишларини судда мазмунан кўриш жараёнида ҳам жорий этилади.

Суд статистикасига мурожаат қилсак, Республика бўйиса ишга тикланган ходимларга мажбуран ишга келмаганлиги учун тўланган сумма 1999 йилда 9772757 сўмни, 2000 йилда эса 17366597 сўмни ташкил этган. Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, иш берувчилар томонидан ходимлар фойдасига тўланаётган сумма йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўз навбатида ходимларнинг мажбур бекор юрган вақти учун иш ҳақининг ундирилиши меҳнатга оид муносабатларда қонун бузилишига барҳам беришда, қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятларидан бири суднинг меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифини ўз ташаббуси билан ўзгартириш ва уни меҳнат қонунлари талабларига мувофиқлаштиришга бўлган ҳуқуқининг мавжудлигидир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрел қарорида ҳам, агар суд ишга тиклаш ҳақидаги низони ҳал қилишда иш берувчининг меҳнат муносабатларини бекор қилишга асоси бўлган деб топса, аммо меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифи нотўғри ёки амалдаги қонунларга мос бўлмаса, суд таърифини ўзгартириши ва ҳал қилув қарорида меҳнат шартномасини бекор қилиш сабабларини қонунларга аниқ мос ҳолда, қонуннинг тегишли моддаси (банди) га таянган ҳолда кўрсатиши тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Назорат саволлари:

1. Суд мажлисининг неча қисми мавжуд?
2. Судьяни суд процессидан четлатиш (отвод бериш) асосларини кўрсатинг?
3. Судья ишга оид далилларга баҳо беришда нималарга асосланади?
4. Меҳнат ишларини судда кўриш муддати қанча?

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорлари тыплами. 2-жилд, 1991-1998.

⁸⁸ Советский гражданский процесс. Под ред. Добровольский А.А., Клеймана А.Ф. -М.: МГУ. 1970.

5. Мехнатга оид низоли ишларни судда муҳокама қилишнинг процессуал хусусиятлари нимадан иборат?

5-§ Мехнат ишлари бўйича келишув битими

Одатда, мехнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар ҳал қилув қарори чиқарилиши билан яқунланади. Лекин фуқаролик процессуал қонунчилиги мазкур туркумдаги ишлар юзасидан тарафлар ўртасида келишув битими тузиш йўли билан иш юритишни тугатишни ҳам назарда тутади. Судда раислик қилувчи мехнатга оид ишларнинг суд мажлисида кўрилишидан аввал ёки суд мажлиси бошланишида ёхуд давом этишида ҳар сафар тарафлардан низонинг ўзаро келишув битими тузиш йўли билан тамомлашни исташ-истамасликларини сўрайди (ФПКнинг 159-моддаси 3-бандида ҳамда 179-моддалари). Дарҳақиқат, ФПКнинг 40-моддасига кўра, мехнат ишлари бўйича тарафлар процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақли эканлиги ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан мехнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрел қарорида ҳам қуйи судларга тарафлар ўртасида қонунга зид бўлмаган, учинчи бир шахсларнинг қонуний манфаатларига таъсир қилмайдиган келишув битимларини тузилиши юзасидан ташаббус кўрсатишлари, ишни келишув битими билан тугатишнинг оқибатлари юзасидан тарафларга тушунтириш беришлари лозимлиги тўғрисида кўрсатмалар берилади.⁸⁹

Ҳуқуқий адабиётларда келишув битимининг аҳамияти ҳақида гапирилиб, келишув битимининг тузилиши, баъзи ҳолларда арзимаган иш (низо, даъво) бўйича кўпгина фуқароларни ишдан қолиб, суд идораларига келишдан озод қилишлиги юзасидан фикрлар билдирилади.⁹⁰ Бизнинг фикримизча ҳам, тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларида ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган келишув битими шуниси билан муҳимки, ҳуқуқ ва манфаатлар борасида низонинг мавжуд бўлмаслигига тарафлар ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан суднинг кўмаги орқали эришадилар. Шунингдек, тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва манфаатлари борасида ихтиёрий равишда келишувга эришишлари фуқаролик процессининг тарбиявий аҳамиятини самарали таъсир кўрсатишидан далолатдир.

Фуқаролик процесси назариясида кўп вақт келишув битими деганда тарафлар томонидан тузилган ва суд томонидан тасдиқланган шартнома назарда тутилиб, даъвогар ва жавобгар ўзаро муроасага келишиш йўли билан ўзларининг фуқаролик ҳуқуқ ва манфаатларини янгидан белгилаб олишлари ва ушбу асосда низони бартараф этишлари тушуниланган.⁹¹ Шу ўринда Р.Е.Гукасян процессуал маънодаги ўзаро муроасага келиш (даъводан қисман воз кечиш ва даъвони қисман тан олиш) келишув битимининг мажбурий белгиси эмаслигини, келишув битими

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми =арорлари тыплами. II-жилди, 1991-1999 йиллар. -Т.: Шар=, 1999.

⁹⁰ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик процессуал шу=у=и: Дарслик. -Т.: Адолат. 2001. Б.229.

⁹¹ Советский гражданский процесс. Под. ред. Комиссарова К.И. и Семенова В.М. -М.: 1978. 167 с.; Советский гражданский процесс. Под ред. Добровольский А.А. -М.: 1979. 125 с.

тўғрисидаги суд ажрими моддий ҳуқуқдаги ўзаро муроасага келиш каби белгинигина қамраб олмаслиги кераклигини таъкидлайди.⁹²

Бизнинг фикримизча, келишув битими-тарафларнинг суд ҳал қилув қарори чиқарилмасидан низони ўзаро ҳал қилишлари тўғрисидаги келишувидир. Келишув битими низоли моддий-ҳуқуқий муносабат мазмунини ўзгартирмасдан, тарафларнинг ўз хоҳишлари асосида тузилиши мумкин. Бундай ҳаракатлар айрим муаллифларнинг таъкидлашича, ҳар қандай ҳолатда ҳам суд ҳал қилув қарорини чиқариш орқали низони ҳал қилишдан воз кечиш деб эътироф этилади.⁹³

Суд томонидан тасдиқланган келишув битими ўзининг ўзгармаслиги билан тавсифланади, яъни ушбу ажрим устидан апелляция тартибида шикоят ва протест келтирилмайди; айна ушбу даъво талаби билан айна шу тарафлар, айна шу асос бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Шунинг учун ҳам тарафларнинг келишув битимларини тасдиқлашдан олдин даъвогарга ёки тарафларга тегишли процессуал ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтиради. Айна пайтда судда иш кўриш амалиётида айрим судларнинг келишув битимларини тузишда эътибор билан муносабатда бўлишлари ва битимларни тегишли тарзда расмийлаштиришлари бундай ажримларни ижро қилишда низоларнинг келиб чиқишини олдини олади.

Шу мақсадда судлар тарафларнинг келишув битимларини тасдиқлаш тўғрисида албатта ажрим чиқаришлари лозим бўлади ва шу ажрим билан бу ишнинг юритилиши тугатилади.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгар эса даъвогар талабларини тан олганлиги ёки тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилиши ва тегишлича, даъвогар, жавобгар ёки ҳар иккала тараф томонидан имзоланиши талаб қилинади. Суд мажлиси баённомасида шунингдек, келишув битимининг ҳуқуқий оқибатлари кўрсатилиши ва ундаги шартлар албатта моддий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бўлишлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шунинг учун ҳам тарафларнинг амалдаги қонунчиликка қарама-қарши бўлган шартлар асосида келишув битими тузишларига йўл қўйилмайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорида "ишга тиклаш ҳақидаги даъводан воз кечиш масаласини ҳал қилишда ёки тарафларнинг бундай даъво бўйича келишув битимини тасдиқлашда суд бу ҳаракатлар қонунга зид эмаслигини, тарафларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган ёки бузилмаганлигини аниқлаши лозимлиги кўрсатилади.⁹⁴ Ш.Ш.Шорахметов ҳам нотўғри бўшатишган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимларни ишга тиклаш ёки аввалги мансабларига қўйиш тўғрисидаги келишув битимлари, агар бундай битимлар ходимнинг ғайриқонуний бўшатилишида айбли

⁹² Гукасян Р.Е. Проблемы интересов в советском гражданском процессуальном праве. -Саратов.: 1970. 145 с; Шунингдек, =аранг: Зинченко А.И. Мировые соглашения в гражданском судопроизводстве. 12.00.03. Автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. юрид. наук. -Саратов. 1981. 7 с.

⁹³ Вукот М.А. Зайцев И.М. Гражданский процесс. Учебник. -М.: Юристь. 1999. С.215-216.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди =арорларининг тыплами. 1991-1998, 2-жилдли.-Т.: Шар=. 1999.

бўлган мансабдор шахсни ташкилотга етказилган зарарни тўлаш бурчидан озод қиладиган бўлса, тасдиқланмаслиги кераклигини таъкидлаб ўтади.⁹⁵

Шунингдек, меҳнат қонунчилиги нормалари билан қатъий белгилаб қўйилган масалаларни ўзаро ўзгартириш юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай битимлар, шу жумладан, келишув битимлари ҳам ҳеч қандай юридик кучга эга бўлмаслигини ва тарафлар ўзаро келишув орқали ушбу масалани ҳал қила олмасликларини бошқа ҳуқуқшунос олимлар ҳам таъкидлаб ўтадилар.⁹⁶

Меҳнатга оид ишлар бўйича тасдиқланаётган келишув битимлари ҳам ҳал қилув қарорлари каби меҳнат муносабатларида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозим. Шу мақсадда меҳнатга оид муносабатларда қонун бузилишлари ҳолатлари билан келишувчи битимлар суд томонидан тасдиқланмаслиги мақсадга мувофиқдир. Суд амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, меҳнат интизомини кўпол равишда бузган ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, ходимлар ишга тиклаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қиладилар. Айрим иш берувчилар суд ҳал қилув қарорининг чиқарилишини кутмасдан, ўзлари чиқарган буйруқни бекор қилиб, ишдан бўшатиш асослари таърифини ходимнинг ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларига ўзгартирадилар. Даъвогар эса ушбу ҳолатни эътиборга олган ҳолда, табиийки, ўз даъвосидан воз кечади ёки ўзаро келишув битими тузилади, оқибатда эса меҳнатга оид низоли иш тугатилади (ФПКнинг 100-моддаси). Айрим раҳбар шахсларнинг қатъиятсизлиги оқибатида меҳнат қонунчилигини бузувчи ходимларга қарши курашнинг самарадорлиги йўқолади. Шунингдек, меҳнат интизомини доимий равишда бузиб юривчи, қоидабузар ходимларнинг меҳнатга бўлган муносабатларини ўзгартирмай, бир ташкилотдан иккинчи бир ташкилотга ҳеч қандай тўсиқларсиз ўтиб юришларига ҳам имкон яратиб беради.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, меҳнат интизомини бузувчи шахсларга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга зид бўлганлиги боис, судлар ушбу туркумдаги ишлар юзасидан келишув битимини тасдиқламаслиги лозим. Чунки суд томонидан келишув битимининг тасдиқланиши юзага келган меҳнат низосини тугатилишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолатда суд юқори турувчи иш берувчини, касаба уюшмаси кўмитасини корхонада меҳнат интизомини бузувчи ходимларни тарбиялаш ишларидаги камчиликлар юзасидан хусусий ажрим чиқариши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрел қарорининг 54-моддасида суд даъводан воз кечишни қабул қилган ёки келишув битимини тасдиқлаган ва иш юргизишни тугатган тақдирда, ишни кўришда аниқланган

⁹⁵ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал шуқуқи: Дарслик.-Т.: Адолат. 2001. Б.303.

⁹⁶ Грось Л.А. Процессуальные особенности рассмотрения и разрешения трудовых дел.-М.: ВЮЗИ 1985.; Хацкевич М., Мороз Л. Судебные постановления по делам о восстановлении на работе.-М.: Сов.Юстиция. №12, 1990. С.9-10.

қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.⁹⁷

Айрим ривожланган демократик мамлакатларнинг суд тажрибаси шундан далолат берадики, фуқаролик ишларини келишув битими тузиш йўли билан яқунлаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Франция Республикасида меҳнатга оид ишларни кўриб, ҳал қилувчи махсус судлар ташкил этилган бўлиб, ушбу судлар икки бўлимдан:

- 2) келишув бўлими;
- 3) судлов бўлимидан иборат.

Судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Келишув бўлимида иш кўришнинг муҳим процессуал хусусиятлари сифатида ушбу босқичда иккала томондан сайланган судьяларнинг иштирок этишини эътироф этиш мумкин. Ушбу босқичда ҳар икки судья тарафларни ишни келишув асосида тугатишга чақирадилар. Ўз навбатида, келишувга эришиш бир томоннинг даъводан воз кечиши ёки иккала томоннинг ҳам ўзаро тенг манфаатлари асосида келишув битимларини тузишларида ўз аксини топади.

Меҳнатга оид низоли ишлар юзасидан тузилган келишув битимини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган усулининг қўлланилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Жумладан, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар жалб этилмайди ҳамда ишдаги мавжуд далиллар суд томонидан текширилмайди ва баҳоланмайди. Шунингдек, тарафларнинг келишув битими суд ҳал қилув қарорлари каби кучга эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади.

Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирдагина иш судлов бўлимида мазмунан ҳал қилинади.

Назорат саволлари:

1. Меҳнат ишлари бўйича келишув битими ва унинг қандай аҳамияти мавжуд?
2. Келишув битимининг суд томонидан тасдиқланиши қандай оқибатларга олиб келади?
3. Фуқаролик ишларини сайёр судларда кўрилиши деганда нима тушунлади ва унинг аҳамияти нимада?
4. Ривожланган демократик мамлакатларда меҳнат ишлари бўйича махсус судлар ҳақида нималар биласиз?

4-§ Меҳнат низоли ишлар бўйича суд қарорлари ва уларга қўйилган талаблар

Фуқаролик ишларини мазмунан кўриш ва ҳал қилиш юзасидан суднинг фаолияти суд ҳал қилув қарорларининг чиқарилиши билан яқунланади. Суднинг ҳал қилув қарори низолашаётган тарафларнинг шахсий ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳужжатидир. Бу эса

⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми «арорлари тыплами. II-жилди, 1991-1999 йиллар. -Т.:Шар=. 1999.

судларга ҳал қилув қарорларини қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият ва этибор билан ёндошиш лозимлиги мажбуриятини юклайди.

Қонунчиликда ҳам ҳар бир иш бўйича суд ҳал қилув қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлиги қайд этилади (ФПКнинг 18-моддаси).

Меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судлар томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарорлари тўлиқ равишда ФПКнинг 203-207-моддалари талабларига жавоб бериши лозим. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳал қилув қарори ҳақида”ги 1998 йил 17 апрел қарорида ҳал қилув қарорларини қабул қилишда судьялар ишларни қонун асосида ишнинг ҳолати мувофиқ, судьяларга четдан таъсир кўрсатмайдиган шароитда ҳал қилишлари лозимлиги, ФПКнинг 7-моддасидаги талабларга қатъий риоя этишга мажбур эканликлари тўғрисида кўрсатмалар берилган.⁹⁸

Ҳуқуқий адабиётларда меҳнат ишлари юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарорларининг мазмунига алоҳида этибор берилиши кераклиги таъкидланади. Маълумки, суд ҳал қилув қарорлари кириш, баён қилиш, асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Меҳнатга оид ишлар бўйича чиқариладиган суд ҳал қилув қарорларининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, прокурор, агар иш очиқ ёки ёпиқ суд мажлисида кўриладиган бўлса, бу ҳақдаги маълумот, кўрилатган ишнинг номи, қандай корхона, ташкилот ва муассаса томонидан даъво берилганлиги (тўлиқ номи билан), агар даъво прокурор ёки бўйсунув тартибидан юқори турувчи иш берувчи томонидан берилган бўлса, қайси юридик шахс манфаати кўзланганлиги, даъво аризада кўрсатилган ёки суд томонидан жалб этилган барча жавобгарлар (фамилия, исми ва шарифи кўрсатилган ҳолда), даъвосининг суммаси кўрсатилиши керак.

Ҳуқуқий адабиётларда суд ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида, агар низо меҳнат низоларини кўрувчи комиссияда кўрилса, низонинг бу органларда кўрилиши натижалари кўрсатилиши, агар корхонада бундай органлар бўлмаса, уларнинг йўқлиги қарорда акс этирилиши таъкидланади.⁹⁹ Агар иш ФПКнинг 259-моддасига биноан мансабдор шахс жалб қилиниб, кўрилган бўлса, бу тўғрида қарорнинг барча қисмларида ёзилиши керак. Жумладан, қарорнинг баён қилиш қисмида унинг берган тушунтиришлари қисқача ифодаланиши, асослаш қисмида суднинг қандай хулосаларга келганлиги, қарор қисмида эса унинг корхонага тўлаши лозим бўлган зарар ҳақининг миқдори аниқ белгилаб кўрсатилиши керак.

Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида иш берувчининг талаблари, даъвони нималар билан асослаётганлиги, даъвогарнинг фикрича, жавобгар ёки бир неча жавобгарлардан ҳар бири қанча миқдорда зарарни тўлашлиги; даъвогар томонидан етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги Меҳнат кодексининг

⁹⁸ +онун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 1998. №1-2.

⁹⁹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фу=аролик процессуал шу=у=и: Дарслик.-Т.: Адолат. 2001. Б.304.

270-моддасида кўрсатилган судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган бўлса, қандай асосларга кўра унинг тикланишини сўраётганлиги кўрсатилади.

Агар суд томонидан даъво аризада кўрсатилмаган шахслар жавобгар ёки шерик жавобгар сифатида процессга жалб этилган бўлса, улар ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Шундан сўнг, ҳар бир жавобгарнинг ўзига нисбатан билдирилган даъво талабларига бўлган муносабатлари, даъвога тўлиқ ёки қисман ва қанча миқдорда иқрорлиги, унинг даъвога бўлган эътирози нима билан изоҳланиши, шунингдек, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Ходимлар томонидан иш берувчига нисбатан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Хусусан, ушбу қисмда ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ходимларнинг моддий жавобгарлигини келтириб чиқарувчи асос ва шарт-шароитлар, иш берувчига етказилган ҳақиқий зарар миқдори, зарар ва унинг миқдори нималар билан асосланаётганлиги, жавобгарнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) нима билан ифодаланиши, унинг ҳақиқий зарар билан миқдор ўртасидаги сабабий боғланиш, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, жавобгар ёки жавобгарлар учун моддий жавобгарликнинг қайси тури (тўлиқ ёки қисман) қўлланилиши, мазкур жавобгарлик қайси қонунларда ўз аксини топганлиги, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмоғи лозим. Масалан, ходимларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги низоли ишларни таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ”кўпгина суд қарорларида қайси моддий қонун нормаларига амал қилинганлиги кўрсатилмаганлиги таъкидланади”.¹⁰⁰ Суд албатта, ходимдан (ёки ходимларнинг ҳар биридан) ундирилиши лозим бўлган зарар миқдорининг ҳисобини аниқлаши керак бўлади. Лекин мазкур туркумдаги низоларни ҳал қилиш жараёнида судлар томонидан моддий жавобгарлик тури ва ундирилиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини аниқлашда хатоликларга йўл қўйилмоқда.

Агар жавобгарлар ёки жавобгар етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги иш берувчининг талабларини тан олса, ушбу ҳолат суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорида кўрсатилиши мумкин.

Иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 270-моддасида кўрсатилган судга мурожаат қилиш муддати суд томонидан тикланган бўлса, унинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини тасдиқловчи маълумотлар кўрсатилиши керак.

Агар суд ходимнинг зарар етказишдаги айбини ва унинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, зарар миқдорини камайтиришни лозим топса, ҳал қилув қарорида зарар миқдорини камайтиришнинг сабабларини асослаб бериши лозим.

Шу ўринда айрим судлар томонидан ундирилиши зарур бўлган зарарнинг миқдори нима сабабдан камайтирилганлиги ҳал қилув қарорларида асослаб берилмаганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий суди

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси.-Т.: 1993. №2. Б.3.

Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорида "ҳодимдан ундириш лозим бўлган зарарнинг миқдорини камайтириш масаласини суд ўз қарорида тўлиқ кўрсатиб бериши алоҳида таъкидланиб, шунингдек, қасддан содир этилган жиноят натижасида етказилган зарар миқдорининг камайтирилишига йўл қўйилмаслигига судлар эътибор беришлари тўғрисида тушунтиришлар берилган.¹⁰¹

Умумий қоида бўйича, бир неча жавобгар томонидан зарар етказилганида суд уларнинг етказилган зарардаги айб даражасини, моддий жавобгарлик тури ва доирасидан келиб чиқиб, ўз ҳал қилув қарорида улар мажбуриятларини аниқлайди. Лекин, агар суднинг ҳукми билан бир неча ходимларнинг ёки ходим ва корхона билан меҳнат муносабатларида бўлмаган бошқа шахслар томонидан етказилганлиги кўрсатиб қўйилган бўлса, ҳал қилув қарорида мазкур шахсларнинг биргаликдаги жавобгарлиги кўрсатилиши керак.

Агар ҳукм эълон қилиниб, унда фуқаролик даъвоси кўрилмасдан қолган бўлса ёки ҳукмнинг фуқаролик даъвоси бекор қилиниб, ишнинг бу қисми фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида янгидан кўриш учун юборилган бўлса, суд фуқаролик ишларини юритиш тартибида мазкур шахслардан етказилган зарарни биргаликда ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга суд судланувчилар зиммасига, биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида етказилган зарар учун умумий эмас, балки алоҳида-алоҳида моддий жавобгарлик юклаши ҳам мумкин. Зарар ундиришнинг мазкур тартиби даъвогарнинг манфаатларига тўғри келса ва зарар ундиришни таъминлашга ёрдам берсагина, йўл қўйилади.

Ушбу туркумдаги ишлар юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириши ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, даъвогарнинг фойдасига жавобгардан (ёки ҳар бир жавобгар) ундириладиган зарарнинг аниқ суммаси, суд харажатларининг миқдори, унинг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 1998 йил 17 апрелдаги қарорида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва юридик шахснинг номи тўлиқ келтирилиши, даъво талабларининг қаноатлантирилганлиги (тўлиқ ёки қисман), даъводан воз кечганлиги (тўлиқ ёки қисман), даъвонинг бир қисми қаноатлантирилиб, бошқа қисми бўйича иш юритиш тугатилганлиги ёки даъвонинг бошқа қисми кўрмасдан қолдирилганлиги, даъво талабларининг бир қисми қаноатлантирилганлиги ёки рад этилганлиги, даъво талабларининг бошқа қисми эса алоҳида иш юритиш учун ажратилганлиги ҳақидаги суднинг узил-кесил, қисқа ва аниқ хулосаси акс эттирилган бўлиши лозимлиги ўз ифодасини топган.¹⁰² Шунингдек, ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қарорни ижро этиш

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси.-Т.: 1993. №2. Б.13.

¹⁰² +онун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1998. №1,2. Б.57. 8-модда.

чоғида тушунмовчиликлар ва низолар вужудга келмаслиги учун тушунарли ҳамда аниқ тарзда ифода этилмоғи керак.

Зарур ҳолларда, суд ўз ҳал қилув қарорида уни ижро этишнинг усули ва тартибини кўрсатиши ҳам мумкин. Масалан, ходимнинг етказилган зарар учун моддий жавобгарлиги чораси масаласини ҳал қилишда судья жавобгарнинг даъвогарга бир хил баҳодаги мулкни бера олиш ёки зарар етказилган мулкни тиклай олиш имкониятига эгаллигини ва шунингдек, бунинг учун иш берувчининг розилиги мавжудлигини албатта, аниқлаши шарт. Агар қонунда етказилган зарар натура шаклида қопланиши кўрсатиб қўйилган бўлса, у ҳолда иш берувчининг розилиги талаб қилинмайди.

Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўриб ҳал қилиш жараёнида ходимга нисбатан етказилган маънавий зарарни ундириш масаласини ҳал қилаётган судлар маънавий зарар миқдорини белгилашда қандай мезонларга асосланганлигини ўз ҳал қилув қарорларида кўрсатиб ўтмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Тўғри, иш берувчи томонидан ходимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш бевосита маънавий зарарни ундиришга асос бўла олади. Лекин маънавий зарарни баҳолашда суд албатта ходимнинг қандай маънавий ва жисмоний азоблар чекканлигини, етказилган азобларнинг оғирлигини тасдиқловчи аниқ ҳолатларни эътиборга олмоғи ва шунга қараб маънавий зарар миқдорини белгилаши талаб қилинади. Шундай экан, судларнинг маънавий зарар миқдорини белгилашда қандай мезонларга асосланганлигини ўз ҳал қилув қарорларида кўрсатмасликлари суд ҳал қилув қарорларига қўйилган талабларнинг бузилиши деб баҳоланади ва кейинчалик мазкур қарор устидан апелляция, кассация шикоят ва протести бериш учун асос бўла олади.

Суд ходимга етказилган маънавий зарарни қоплаш масаласини ҳал этишда қайси ҳолатларда ва иш берувчининг айнан қайси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида унга зарар етказилганлиги, иш берувчи айбининг даражаси, меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказишда қонун очик-ойдин бузилган-бузилмаганлигини аниқлаши, ходимнинг қандай маънавий ва жисмоний азоблар кўрганини белгилаши, бу зарарларни у қанча суммада ёки бошқача моддий шаклда қопланишини баҳоламоғи ва муайян низони ҳал қилиш учун муҳим бўлган бошқа ҳолатларни ойдинлаштирмоғи лозим.

Маънавий ва жисмоний азоблар даражаси етказилган маънавий зиённинг ҳақиқий ҳолати жабрланувчининг шахсий хусусиятлари, ишчанлик обрўси, жамоа ўртасидаги мавқеи, шунингдек етказилган азобларнинг оғирлигини тасдиқловчи аниқ ҳолатларга қараб суд томонидан аниқланиши лозим.

Шунингдек, суд маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорини чиқариш вақтида ФПКнинг 18-моддаси талабларига қатъий амал қилиши шарт. Бинобарин, суд ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва албатта адолатли бўлиши талаб этилади. Айрим муаллифлар маънавий зарар учун тўлов миқдорини аниқлаш жараёнида суд иш берувчининг айби даражасини, ишдан бўшатиш асослари ва таърифини, ходимнинг ишга тикланишигача бўлган даврни, ходимнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг жисмоний ва руҳий азобларининг хусусиятларини эътиборга олиши лозимлигини таъкидлаб

ўтадилар.¹⁰³ Бизнингча, суд ходимга етказилган маънавий зарар учун тўлов ундириш масаласини ҳал қилар экан, албатта ҳал қилув қарорининг адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жавобгарнинг моддий аҳволига, айбли хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар содир этиши учун сабаб бўлган ҳолатларга тўғри баҳо бериши мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, ФКнинг 1022-моддасида ҳам суд зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилиқ талабларини эътиборга олиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида шунингдек, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари ҳам кўрсатилиши лозим бўлади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг даъво талабларини қаноатлантириш (ёки қаноатлантиришни рад этиш) билан боғлиқ хулосалари ўз ифодасини топади. ФПКнинг 209-моддасига мувофиқ, суд ўз ҳал қилув қарорида ходимга нисбатан етказилган маънавий зарар учун иш берувчилардан ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг турини, шунингдек, ундириладиган сумма жавобгарнинг банкдаги қайси ҳисобидан олиниши кераклигини кўрсатиши лозим.

Агар иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилган суд ходимни ишга тиклаш ва етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги масалани мазмунан ҳал қилиб, лекин маънавий зарар учун ундириладиган сумма миқдорини ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатмаган бўлса, у ҳолда ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризаларига кўра ёки ўз ташаббуси билан қўшимча ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай қўзғатилиши мумкин. (ФПКнинг 214-моддаси). Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласини кўриш билан боғлиқ муддат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолда у ФПКнинг 130-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан тикланиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарорлари ҳақида»ги 1998 йил 17 апрел 13-сонли қарорида тушунтиришлар берилади.

Назорат саволлари:

1. Суд қарорлари тушунчаси ва турлари ҳақида нималар биласиз?
2. Меҳнат ишлари бўйича чиқарилган суд ҳал қилув қарорларига қандай талаблар қўйилади?
3. Меҳнат ишлари юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорларининг мазмуни ҳақида гапиринг?
4. Меҳнатга оид ишлар бўйича қайси ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори чиқарилиши мумкин?
5. Меҳнат ишлари бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чирилиши мумкинми?

5-§ Меҳнатга оид низоли ишларни ижро этиш хусусиятлари

¹⁰³ Соломенка Е.А., Особенности рассмотрения судами дел о компенсации морального вреда // Российский судья. 2000, №4, 31-36 с.

Одил судловни амалга ошириш, фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини кўриқлаш мақсадида чиқарилган қарорларни ижро этиш фуқаролик процессининг яқунловчи босқичи ҳисобланади.¹⁰⁴ Айнан ушбу босқичда шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўла равишда тикланиши мумкин.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар бўйича чиқарилган суд ҳал қилув қарорларининг тўла ва ўз вақтида ижро қилиниши меҳнат ҳуқуқлари бузилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишида муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий ҳужжатларни мажбурий ижро этиш тизими сифатида ижро ишларини юритиш Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, такомиллашиб бормоқда. 2001 йил 29 августда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ўз навбатида турли ҳуқуқ тармоқлари (ФПҲ, ХПҲ ва бошқа ҳуқуқ соҳалари) га оид бўлган нормаларни бирлаштирди ва фақат суд органларининг қарорлари эмас, балки бошқа органларнинг (масалан, маъмурий органлар, меҳнат низолари комиссияси, солиқ органлари ва бошқ) қарорларини ҳам ижро этиш тартиби белгилаб берилди.

Суд тизимини ислоҳ этиш, судларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек суд қарорларини ўз вақтида ва сифатли ижро этилишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси судлар фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 383-сонли Қарори қабул қилинди.¹⁰⁵ Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти қайта ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу қарор билан шу департамент тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди (қарорнинг 1-илоvasи).

Департаментнинг асосий вазифаси суд ҳужжатларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва маблағ билан таъминлашга доир ишларни ташкил этишдан иборатдир. Шунингдек, мазкур департамент зиммасига судьялар ва суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш, суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш каби вазифалар юклатилган.

Бошқа фуқаролик ишлари юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари каби меҳнат ишлари бўйича чиқарилган қарорларнинг ижросини департаментнинг жойлардаги бўлимларида фаолият юритувчи суд ижрочилари амалга оширадilar.

Умумий қоидага кўра, меҳнат низоли ишлар бўйича чиқарилган суд ҳал қилув қарори апелляция шикоятни бериш муддати ўтгач ёки апелляция шикоятни ёхуд протестини қаноатлантиришни рад этиб, суд ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш тўғрисида ажрим чиқаргандан сўнг қонуний кучга киради.

¹⁰⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал шунининг: Дарслик.-Т.: Адолат. 2001. Б.395-396.

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2001. 18-сон, 133-модда.

Қонунчилик меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар бўйича суд ҳал қилув қарорларини ижро қилишнинг қатор хусусиятларини назарда тутати. Жумладан, ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортик бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги ҳамда меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилади (ФПКнинг 219, МКнинг 273-моддаси). Мазкур ҳолатда ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилиши суднинг йўл қўйиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмай, қонунга кўра ҳал қилув қарорининг чиқарилиши билан дарҳол ижрога қаратилади. Бошқа ҳолларда эса суд агар алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп зарар келтириши мумкин ёки ижронинг бажарилиши мумкин бўлмай қолади деб ҳисобласа, ўз ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ёки алоҳида ажрим чиқариш орқали ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйишга ҳақли бўлади (ФПКнинг 220-моддаси). Мисол учун, корхонанинг тугатилиши муносабати билан натура шаклида ходимга отгул (ортиқча ишлаган вақти учун олинган дам олиш куни) бериш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорининг ижросини бажариш мумкин бўлмай қолади. Бу ҳолда суд ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишини таъминлашга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ни ижро этиш тўғрисида”ги қонунига кўра, суд ижрочиси ижро ҳужжатларидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш кўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди (Қонуннинг 23-моддаси). Шунингдек, агар иш берувчи ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган тақдирда суд ижрочиси айбдор мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваригача миқдорда жарима солади ҳамда мажбурий ижро қилиш чораларини кўради.¹⁰⁶

Меҳнат низоли ишлар бўйича ижро ишларини юритиш нафақат манфаатдор тарафларининг оғзаки ёки ёзма аризаси билан, балки суд ижрочисининг ёки прокурорнинг ташаббуси билан ҳам бошланиши мумкин. Ушбу ҳолатда мажбурий ижро тўғрисида ходим аризасининг олинishi талаб этилмаслиги ушбу туркумдаги ишларда ходим манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора сифатида жуда муҳимдир.

Ижро варақаси мажбурий тартибда иш бўйича ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ёки дарҳол ижрога қаратилиши кўрсатилган ҳал қилув қарори чиқарилган кундан бошлаб ундирувга қаратилиши мумкин. Агар меҳнат низоли иш бўйича суд ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилиши лозим бўлса, у ҳолда ҳал қилув қарори чиқарилиши билан дарҳол ижро варақаси берилади (ФПКнинг 371-моддаси).

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни. // “Халқ сўзи”. 2001. 10 ноябр. №230. 23, 82-моддалар.

Меҳнатга оид низоли ишлар бўйича чиқарилган суд ҳал қилув қарорлари ижро қилиш предметиға қараб икки гуруҳга ажратилади:

а) жавобгардан маълум пул суммасини ундириш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорлари;

б) жавобгар томонидан маълум бир хатти-ҳаракатларни (масалан, мулкни натура шаклида бериш, ишга тиклаш тўғрисидаги ва бошқалар) амалга ошириш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорлари.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича суд ҳал қилув қарорларининг ижроси биринчи навбатда амалга оширилиши унинг алоҳида хусусиятларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунга кўра, меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар биринчи навбатда қаноатлантирилиши лозимлиги кўрсатилган(Қонуннинг 80-моддаси).¹⁰⁷ Масалан, агар суд ижрочисига тегишли суммани бир қарздордан бир неча ундирувчига нисбатан ундириш тўғрисида ижро ҳужжати келиб тушса ва ундирилган сумма барча ундирувчиларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, у ҳолда биринчи навбатда меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган ходимларнинг талаблари қаноатлантирилиши назарда тутилади.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорлари иш берувчилар томонидан ижро этилмаслиги ёки ижронинг кечиктирилиши ҳоллари кўплаб учрайди.

Агар ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорининг ижроси мансабдор шахслар томонидан кечиктирилган бўлса, унинг зиммасига моддий жавобгарлик юклаш ҳақидаги ариза билан ходим, унинг вакили, прокурор ва касаба уюшмасига мурожаат қилишлари мумкин.

Ижро ишларини юритиш босқичида юзага келган низолар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш орқали кўзғатилади. Лекин ишга тиклаш ҳақидаги суд ҳал қилув қарорларини ижро қилмаганлик ёки унинг ижросини кечиктирганлик учун ходимга ўртача иш ҳақи ундириш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно.¹⁰⁸

Суд ҳал қилув қарорлари қайтарма ижро қилинган тақдирда тарафларнинг суд ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар бўлган ҳуқуқий ҳолати тикланади. Ҳал қилув қарорларининг қайтарма ижроси суд ҳал қилув қарори назорат тартибида бекор қилинганида, шунингдек дарҳол қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари бекор қилинганида ҳам амалга оширилиши мумкин. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича пул суммаси ундириш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорлари бекор қилинган тақдирда, агар бекор қилинган ҳал қилув қарори даъвогар берган сохта маълумотларга ёки у тақдим этган қалбаки ҳужжатларга асосланган бўлса, қайтарма ижрога йўл қўйилади (ФПКнинг 385-моддаси).

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни. “Ҳал=сызи” газетаси. 2001 йил 10 ноябр №230. 80-модда.

¹⁰⁸ Закарлюка А.В., Устьяцев С.Е. Рассмотрение судами споров в стадии исполнительного производства. Арбитражный и гражданский процесс. 2000.-№4. 36 с.

Пул суммасини ундириш тўғрисидаги суд ҳал қилув қарорининг қайтарма ижро қилиниши фақатгина ходимнинг айби исботланганидагина йўл қўйилишини таъкидлаш жоиз. Агар ходим мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи олган бўлса ва ушбу ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига ходим томонидан қалбаки ҳужжатларнинг берилганлиги асос бўлмаган бўлса, у ҳолда ходимга тўланган иш ҳақи қайтарма ижрога қаратилмайди.

Қайтарма ижронинг чекланиши тўғрисидаги қоида меҳнат низолари комиссиясининг қарорига асосан, ходимларга тўланган пул суммасини қайта ундириш жараёнида ҳам қўлланилиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигида меҳнат низолари юзасидан меҳнат низолари комиссияси чиқарган қарор, шунингдек суд чиқарган қарор асосида тўланган суммаларни, башарти қарор ходимнинг берган ёлғон маълумотларига ёки тақдим этган сохта ҳужжатларига асосан қабул қилинган бўлиб, пиروвардида у назорат тартибида бекор қилинган ҳоллардагина, ходимдан қайта ундиришга йўл қўйилиши ўз ифодасини топган (МКнинг 278-моддаси).

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун ва унинг аҳамияти ҳақида нималар биласиз?
2. Меҳнат ишлари бўйича ижро ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат?
3. Меҳнат низолари комиссияси қарорларини ижро этишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
4. Меҳнатга оид ишлар юзасида чиқарилган суд ҳал қилув қарорларини ижро этишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
5. Меҳнат ишлари бўйича қайтарма ижрога йўл қўйиладими?

Масалалар

1-масала

Фуқаро Т. Давлат мулк кўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарар қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги қарор чиқарилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсати 2002 йил 26 июлда Олий суд раиси ўринбосари протестига асосан, апелляция инстанцияси суди ажримини бекор қилиб, суд чиқарган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятига шу қарорнинг ижросига доир ҳужжат илова қилинган тақдирдагина қабул қилиниши лозимлигини кўрсатиб, ишни ФПКнинг 324-моддаси тартибида кўриш учун биринчи инстанцияси судига юборган.

Савол:

1. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсатининг қарори асослими?
2. Биринчи инстанция суди томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?

2-масала

Р. туман халқ таълими бўлимига ишга тиклаш, мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундириш ва етказилган маънавий зарарни ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суднинг ажримига кўра, тарафлар суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаганликлари учун даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъати куйидаги асосларга кўра суднинг ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборди: суд ишни кўришда ФПКнинг 132-моддасида кўрсатилган ишда иштирок этувчи шахслар судга чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақиртирилиши ҳақидаги қонун талабларига риоя қилмаган, ишда тарафларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Савол:

1. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатининг ажрими асослими?
2. Аризани кўрмасдан қолдириш асосларини кўрсатинг?

3-масала

А. Ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Судда

ишнинг кўрилиши давомида даъвогар А. ўзига етказилган маънавий зарарни асословчи далиллар келтириб, тегишли тушунтиришлар берган бўлсада, лекин бу хусусда суднинг ҳал қилув қарорида ҳеч нарса кўрсатилмаган.

Савол:

1. Суд томонидан камчиликларга йўл қўйилганми?
2. Ушбу масала қандай ҳал бўлиши лозим?

4-масала

15 ёшли А. исмли шахс ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақт учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суд ФПКнинг 152-моддасининг 6-бандига кўра, яъни ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги асосида даъво аризасини қабул қилиш рад этган.

Савол:

1. Суд томонидан камчиликларга йўл қўйилганми?
2. Даъво аризасини қабул қилишни рад этишга қайси ҳолларда йўл қўйилади?

5-масала

С. ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Судья даъвогарга ходимни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ нусхасини тақдим этиш мажбуриятини юклади. Даъвогар эса корхона раҳбари ушбу буйруқнинг нусхасини беришдан бош тортганлигини кўрсатган. Ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида судья жавобгар зиммасига ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ нусхасини ва С. нинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ касаба уюшмаси томонидан бериладиган тавсифномани топшириш мажбуриятини юклади. Суд томонидан тайинланган муддат ичида жавобгар томонидан ушбу ҳужжатлар судга тақдим қилинмаган. Шу муносабат билан судья корхона раҳбари ва касаба уюшмаси раиси зиммасига суд жарималарини солиш ҳақида ажрим чиқарган.

Савол:

Суднинг ҳаракатлари тўғрими?

6-масала

Махмудова ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга 2000 йил 3 декабрь куни, яъни ишдан бўшатирилганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхасини олган кундан бир ярим ой ўтгач мурожаат қилган. Туман судининг 2000 йил 6 декабрь кунидаги ажрими билан даъвогарнинг судга мурожаат қилиш учун даъво муддатининг ўтказиб юборганлигини кўрсатиб, аризани кўрмасдан қолдирган.

Савол

1. Суднинг ҳаракатлари тўғрими?
2. Қайси ҳолларда суд аризани кўрмасдан қолдиради?

7-масала

Ҳасанова Т.Х. хомиладорлиги учун таътил берилган Лебедованинг ўрнига врач-стоматолог лавозимига ишга қабул қилинган. Ҳасанова Т.ни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда: “декрет таътили даврида ишга қабул қилинган” деб ёзилган. Лебедованинг амалда декрет таътили 1992 йил 12 январда тугашига

қарамасдан Ҳасанова билан муайян муддатли меҳнат шартномаси 15.07.1992 йилда тузилган ва Ҳасанова Лебедованинг янги туғилган фарзанди учун янги таътилга чиқиши даврида ишга қабул қилиниши лозим эди. Лекин бундай таътил Лебедовага таклиф этилмаган. Лебедова 1993 йил январда ишга чиққан ва бир неча вақт ўтгач меҳнат шартномасини бекор қилган. Ушбу барча вақт ичида Ҳасанова ишни давом эттирган ва унинг билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида масала кўтарилмаган. Кейинроқ эса иш берувчи даъвогарга Бекназарованинг декрет таътилига чиқиши даврида муддатли меҳнат шартномасини такроран тузиш тўғрисида ариза ёзишни таклиф қилган. 1996 йил июл ойида эса даъвогар билан меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 105-моддаси, яъни муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинган. Меҳнат шартномасининг бекор қилинишини ғайриқонуний деб ҳисоблаб, Ҳасанова Т. судга ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилган.

Савол:

1. Суд ушбу масалани қандай ҳал қилиши лозим?
2. Қайси ҳолларда иш берувчи билан ходим ўртасида муайян муддатга тузилган меҳнат шартномалари муддати тугаганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин эмас.

8-масала

Саидов судга ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Унинг билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузилганлиги, яъни прогул муносабати билан бекор қилинган. Меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги билан келиша олмаган даъвогар ишга чиқмаганлигининг сабаби сифатида ўз отасининг тўсатдан касал бўлиб қолганлигини кўрсатган. Шунингдек, даъвогар ишдан бўшатилишида касабга уюшмаси кўмитасининг розилиги олинмаганлигини кўрсатиб, ўз талабини асослашга ҳаракат қилган.

Савол:

1. Ходимларнинг ишга чиқмаганлигининг узрли эканлигини тасдиқловчи ҳолатларни кўрсатинг?
2. Қайси ҳолларда ходимларни ишдан бўшатишда касабга уюшмаси кўмитасининг розилиги талаб қилинмайди.

9-масала

Расулов Марказий Руда бошқармасининг № 3-автокорхонасида ҳайдовчи лавозимида ишлаб келган. 2001 йил 23 августда Расулов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди билан, яъни прогул учун бекор қилинган. Судининг 18.09.2001 йилги ҳал қилув қарорига кўра, Расулов билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигини кўпол равишда бузилганлиги натижасида бекор қилинганлиги боис, у ишга тикланган. Суд ўз ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида Марказий Руда бошқармаси

вакилига меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруққа имзо чеккан мансабдор шахсга реграсс даъво тақдим қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Савол:

1. Суд қандай камчиликларга йўл қўйган?
2. Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда учинчи шахсларнинг иштирок этиш хусусиятларини кўрсатинг?

10-масала

Рикитина И.Н. судга ишга тиклаш тўғрисида даъво тақдим этаётиб, 450 сўм миқдорида давлат божи тўлаган. Суд аризани қабул қилиб, ишни мазмунан кўриб ҳал этган.

Савол:

1. Қайси туркумдаги фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар давлат божини тўлашдан озод этиладилар?
2. Юқоридаги масалаларда суд қандай камчиликка йўл қўйган?

11-масала

Туман суди ўз иш юритувиغا Ҳакимов И.В.ни “Гаров” ОАЖ мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари юзасидан ўз вақтида меҳнат дафтарчасини бермаганлиги ҳақида шикоятни қабул қилган. Ҳакимов суд жараёнида корхона маъмуриятининг зиммасига унга меҳнат дафтарчасини бериш мажбуриятини юклаш билан биргаликда, етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Бунга асос қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра, ходим меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини ва меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганда келтирилган зарарни ундиришни талаб қилишга ҳақли эканлигини кўрсатган.

Туман суди ўзининг 2000 йил 17 август кунги ҳал қилув қарори билан шикоятни мазмунан кўриб ҳал этган.

Савол:

1. Суднинг ҳаракати тўғрими?
2. Суд томонидан қандай камчиликларга йўл қўйилган?

12-масала

Зарипова фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига ишга тиклаш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилган. Даъво аризасида кўрсатилишича, 2001 йил 10 майда унинг билан иш берувчи ўртасида 2001 йил 10 ноябргача бўлган муддатга меҳнат шартномаси тузилган бўлиб, уч ойлик дастлабки синов белгиланган.

Бош директорнинг 2001 йил 19 июль ойидаги № 156-сонли буйруғига кўра, Зарипова билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 82-моддасига кўра, яъни синов натижаси қониқарсиз бўлганлиги учун бекор қилинган.

Савол:

1. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди томонидан меҳнат қонунчилигининг қайси меъёрлари бузилган?
2. Қайси ҳолларда ходим билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди?

13-масала

Даъвогар Т. ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш, етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига 2001 йил 1 августда мурожаат қилган. 10.08, 18.09, 23.09 ва 14 октябр кунлари учун иш бошқа кунга қолдирилган. Иш материалларига кўра, суд томонидан жавобгарни судга келтириш учун қонунда белгиланган чоралар кўрилмаган, яъни ишда жавобгарни тегишли тарзда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилингани ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Савол:

1. Суднинг ҳаракати тўғрими?
2. Суд қайси ҳолларда иш кўришни бошқа кунга қолдириши мумкин?

14-масала

Даъвогар С. фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, туман мудофаа ишлари бўлимига ишга тиклаш ва мажбур бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундиришни сўраган.

Даъво аризаси 2001 йил 2 апрел куни суднинг иш юритувига қабул қилинган Лекин 2001 йил 14 апрел куни чиқарилган суднинг ажримига кўра, иш юритиш тўхтатилган. Суд бунга асос қилиб, даъвогар С.нинг Россия давлатига тижорат ишлари билан кетганлигини ва бу ҳақда даъвогарнинг қўшниси М.нинг тушунтириш хати мавжудлигини кўрсатган.

Савол:

1. Суднинг ажрими асослими?
2. Суд қайси асослар мавжуд бўлганида иш юритишни тўхтатади?

15-масала

А. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ижара корхонасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш, маънавий зарарни ундиришни сўраган. Даъвогар судда даъво талабларини қисман ўзгартириб, корхонага ишга тиклаш ўрнига меҳнат шартномасини бекор қилиш таърифини ўз ташаббуси билан тарафларнинг келишувига кўра ўзгартиришни, уч ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган қўшимча копенсация ундирилишини, мажбурий бекор юрган вақт учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундиришни ҳамда корхонанинг мулкидан ўзига тегишли бўлган хиссани ажратиб беришни сўраган.

Суд даъвогарнинг талабларини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган.

Савол:

1. Суд қайси ҳолларда даъвогарнинг бир неча талаблари юзасидан ишни мазмунан кўриб, ҳал қилув қарори чиқариши мумкин?
2. Юқоридаги масалада суд қандай камчиликларга йўл қўйган?

16-масала

Салимов ишга тиклаш, мажбур бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш ва етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судига мурожаат қилган.

Туманлараро суд даъво аризасини ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, ушбу ажримга кўра даъвогар ишга тиклаш ва мажбур бекор юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво талаблари учун давлат божини тўлашдан озод этилганлигини, лекин етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаб учун давлат божини тўлаши лозимлигини кўрсатган.

Савол:

Суднинг ажрими асослими?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодексларига ўзгартиришлар киритиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни қачон қабул қилинган?

- а) 1999 йил 30 май;
- б) 2000 йил 25 май;
- в) 2000 йил 30 август;
- г) 2000 йил 14 декабр.

2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган?

- а) 1993 йил 2 сентябр;
- б) 1997 йил 30 август;
- в) 2000 йил 14 август;
- г) 2000 йил 14 декабр.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси судлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қачон эълон қилинган?

- а) 2000 йил 14 август;
- б) 2000 йил 29 сентябр;
- в) 2001 йил 24 май;
- г) 2001 йил 29 сентябр.

4. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби қайси жавобда тўғри берилган?

- а) тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, прокурор ва давлат бошқаруви органлари;
- б) тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс, гувоҳ ва экспертлар;
- в) тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, таржимон, мутахассис ва холислар;
- г) тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, прокурор, давлат бошқаруви органлари, гувоҳлари, эксперт, таржимон, мутахассис ва холислар.

5. Даъвогарга берилган қуйидаги таърифлардан қайси бири тўғри?

- а) даъвогар-фуқаролик ишини қўзғатган шахс;
- б) даъвогар-ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кўзланиб иш қўзғатилган шахс;
- в) даъвогар-ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёки манфаатини кўзлаб иш қўзғатилган шахс;
- г) даъвогар-ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган шахс.

6. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, қандай оқибатлар вужудга келади?

- а) суд ишни кўришни кейинга қолдиради;
- б) суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиради;
- в) иш кўришни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради;
- г) иш кўришни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

7. Процессда шерик иштирокчиликнинг қандай турлари бор?

- а) актив, пассив, мажбурий иштирокчилар;
- б) мажбурий ва номажбурий шерик иштирокчилик;
- в) актив, пассив, аралаш шерик иштирокчилик;
- г) мажбурий, номажбурий ва аралаш шерик иштирокчилик.

8. Фуқаролик процесси иштирокчиларининг турларини кўрсатинг?

- а) ишда иштирок этувчи шахслар, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар;
- б) ишни кўриш ваколатига эга бўлган шахслар, ишнинг оқибатидан бевосита манфаатдор бўлган шахслар, ишда иштирок этувчи шахсларга яқиндан ёрдам берувчи шахслар;
- в) тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат бошқаруви органлари;

9. Суд процессига иккинчи жавобгар жалб қилинганидан кейин...

- а) ишни кўриб чиқиш шу босқичдан давом эттирилади;

- б) иш кўриш янгидан бошланади;
- в) иш кўриш бошқа кунга қолдирилади;
- г) талабларни алоҳида иш юритиш учун ажратади.

10. Жавобгар ўз номига юборилган суднинг чақирув қозонини қабул қилишдан бош тортса ва иш юритишини қасддан чўзаётган бўлса, суд...

- а) даъвогарнинг розилиги билан ишни сиртдан кўради;
- б) иш кўришни кейинга қолдиради;
- в) ишни кўришга ҳақли;
- г) иш юритишни тўхтатади.

11. Процессуал ҳуқуқий ворисликка йўл қўйиш асослари қайси жавобда нотўғри берилган?

- а) фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши;
- б) бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш;
- в) қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши;
- г) фуқаро муомала лаёқатини йўқотса.

12. Агар ишда жавобгар бўлган фуқаро вафот этиб, низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, суд қандай ажрим чиқаради?

- а) даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;
- б) иш юритишни кейинга қолдириш тўғрисида;
- в) иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- г) иш юритишни тугатиш тўғрисида.

13. Учинчи шахслар қандай асосларга кўра турларга бўлинади?

- а) учинчи шахслар процессга кириб келишига қараб турларга бўлинади;
- б) иш юзасидан чиқариладиган қарор билан боғлиқ оқибатларга қараб турларга бўлинади;
- в) учинчи шахслар процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш даражасига қараб турларга бўлинади;
- г) тўғри жавоб **б** ва **в**.

14. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар кимлар томонидан ишга жалб қилинишлари мумкин?

- а) фақатгина суд ташаббуси билангина;
- б) тарафларнинг, прокурорнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан;
- в) тарафларнинг, прокурорнинг илтимоси бўйича ёки суд ташаббуси билан;
- г) қонунларда кўрсатиб қўйилган ҳоллардагина жалб қилинади.

15. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар даъвогар билан келишув битими имзолаши мумкинми?

- а) ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъвогарнинг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида арз қилинган талабларни тан олса, шу тўғрида келишув битими имзолаши мумкин;
- б) жавобгарнинг розилиги билан йўл қўйилади;
- в) ҳар қандай ҳолатда ҳам келишув битими имзолаши мумкин эмас;
- г) ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жавобгарнинг ҳуқуқларини бузганлигини тан олса, шу тўғрида жавобгар билан келишув битими тузиши мумкин.

16. Тегишли даъвогар қайси ҳолларда низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга кириша олади?

- а) даъво асосини ўзгартирса;
- б) даъво предмети ни ўзгартирса;
- в) даъво талабларининг миқдорини оширса;
- г) қарши даъво қўзғатса.

17. Низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар қайси муддатга қадар ишга киришишлари мумкин?

- а) суд мажлиси бошлангунига қадар;
- б) суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар;
- в) суд музокаралари тугагунига қадар;
- г) иш юзасидан прокурор фикри тинглангунига қадар.

18. Низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс ишга киришганидан кейин...

- а) иш кўриш кейинга қолдирилади;
- б) ишни кўриш янгидан бошланади;
- в) иш кўриш учинчи шахс кириб келган босқичдан давом эттирилади;
- г) иш кўриш тўхтатилади.

19. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд процессига учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахслардан ташкилотга етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдорини аниқланг?

- а) мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим;
- б) ўртача ойлик иш ҳақининг уч бараваридан ортиб кетмаслиги лозим;
- в) мансабдор шахснинг олти ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим;
- г) ташкилотга етказилган зарар тўлиқ қопланиши лозим.

20. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд процессига учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахс суд залига узрsiz сабабларга кўра келмаса, суд ...

- а) ишни сиртдан кўради;
- б) мансабдор шахс мажбуран келтирилади ва унинг зиммасига энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда суд жаримаси солинади;
- в) суд бу шахснинг иштирокисиз ҳам ишни кўриши мумкин;
- г) аризани кўрмасдан қолдиради.

21. Қуйидагилардан қайси бири прокурорни рад қилиш асослари сифатида тан олинмайди?

- а) ишнинг пировард натижасидан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса;
- б) унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;
- в) шу иш илгари кўрилганда прокурор сифатида қатнашган бўлса;
- г) ишда иштирок этувчи тарафларнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

22. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1998 йил 12 ноябрдаги 16-сонли буйруғига кўра, қайси туркумдаги ишларнинг судда кўрилишида прокурор ёрдамчиси иштирок этиши мумкин эмас?

- а) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- б) болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича;
- в) фуқарони муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги ишлар бўйича;
- г) ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низолари бўйича.

23. Прокурор судда ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўладими?

- а) агар даъвогар рози бўлса;
- б) суднинг руҳсати билан;
- в) жавобгар эътироз билдирмаса;
- г) юқори турувчи прокурорнинг розилиги билан.

24. Қуйидаги қайси ҳолларда прокурорнинг фикри талаб этилмайди?

- а) прокурор иштирок этадиган ҳар қандай иш бўйича прокурор фикри талаб этилади;
- б) прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича кўзғатилган ишларда;
- в) бошқа шахслар томонидан кўзғатилган фуқаролик ишларининг кўрилишида;
- г) бошқа шахсларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилаётган давлат бошқарув органлари томонидан кўзғатилган ишлар бўйича;

25. Прокурорнинг фуқаролик ишида иштирок этиш шакллари кўрсатинг?

- а) даъво кўзғатиш ва манфаатдор шахс томонидан бошланган ишга процесснинг ҳар қандай босқичида киришиши орқали;
- б) даъво кўзғатиш ва манфаатдор шахс томонидан бошланган ишга хулоса бериш мақсадида киришиш орқали;
- в) ариза билан судга мурожаат этиш ҳамда бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш орқали;
- г) ариза билан судга мурожаат этиш ҳамда протест келтириш орқали.

26. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган қуйидаги ишларнинг қайсиларида прокурор иштироки мажбурий?

- а) фуқароларни ишга тиклаш;

- б) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш;
- в) фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш;
- г) алимент ундириш тўғрисидаги ишлар.

27. Апелляция протестлари кимлар томонидан келтирилади ва имзоланади?

- а) прокурор, унинг ўринбосари ва ишда иштирок этган ёрдамчиси томонидан;
- б) прокурор ва унинг ўринбосари томонидан;
- в) прокурор ва унинг ишда иштирок этган ёрдамчиси томонидан;
- г) фақат прокурор томонидан.

28. Апелляция протести билдирган прокурор қанча муддатгача протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли бўлади?

- а) протест қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун муддат ичида;
- б) протестни кўриб чиқувчи суднинг суд мажлиси якунлангунига қадар йўл қўйилади;
- в) юқори турувчи прокурорнинг розилиги билан йўл қўйилади;
- г) протест куриладиган суд мажлиси бошлангунига қадар йўл қўйилади.

29. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари ўзлари арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга ҳақли бўладиларми?

- а) агар даъвогар рози бўлса, ҳақли бўладилар;
- б) юқори турувчи орган рухсат бермаса, ҳақли бўлмайдилар;
- в) мазкур органлар ҳеч қандай чекловларсиз мазкур ҳуқуқлардан фойдалана оладилар;
- г) мазкур органлар қонунга мувофиқ ушбу ҳуқуқлардан фойдалана олмайдилар.

30. Судга ариза билан мурожаат этган бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари кўйидаги қайси процессуал ҳуқуқлардан фойдалана оладилар?

- а) процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни якунлаш;
- б) арз қилган талаблардан воз кечиш;
- в) арз қилинган талабларнинг асоси ва предметини ўзгартириш;
- г) даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш.

31. Судга хулоса бериш учун жалб этилган бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари кўйидаги қайси процессуал ҳуқуқлардан фойдалана олмайдилар?

- а) судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, илтимосномалар тақдим этиш;
- б) суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан шикоят қилиш;
- в) арз қилган талаблардан воз кечиш;
- г) ишда иштирок этаётган шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга саволлар бериш.

32. Суддаги вакиллик деб нимага айтилади?

а) суддаги вакиллик деб, манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича ёки қонунда назарда тутилган барча асосларга кўра процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади;

б) суддаги вакиллик деб, манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича унинг номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади;

в) суддаги, вакиллик деб даъвогар томонидан иштирок этиб, қонун бўйича барча процессуал ҳаракатларни амалга оширилишига айтилади;

г) суддаги вакиллик деб, манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича унинг номидан айрим процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади.

33. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла олмайдиган шахсларни аниқланг?

а) тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахслар;

б) адвокатлар;

в) васий ва хомийлар;

г) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича.

34. Вакил томонидан берилаётган даъво аризаларига ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, суд...

а) аризани қабул қилишни рад этади;

б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;

в) иш юритишни тўхтатади;

г) иш юритишни тугатади.

35. Суд ҳаражатлари нималардан иборат?

а) суд ҳаражатлари фақат давлат божидангина иборат бўлади;

б) суд ҳаражатлари ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат бўлади;

в) суд ҳаражатлари давлат божи ва гувоҳлар, экспертлар, мутахассис, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалардан иборат бўлади;

г) суд ҳаражатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат бўлади.

36. Ташкилотларнинг мансабдор шахсларга суд томонидан солинган жарималар қаердан ундирилади?

а) ташкилотнинг ҳисобидан;

б) мансабдор шахснинг шахсий маблағидан;

в) иккаласидан ҳам ундирилмайди;

г) иккаласидан ҳам ундирилади.

37. Ишда манфаатдор бўлган шахслардан суд ҳаражатларининг ундирилишидан асосий мақсад нимада?

а) давлат бюджети учун маблағ ундириш;

б) суд фаолиятини маблағ билан таъминлаш;

в) асоссиз низоларга йўл қўймаслик;

г) тарафларни ўзларининг фуқаролик ҳуқуқий бурчларини ихтиёрий равишда бажаришга рағбатлантириш.

38. Қуйидагилардан қайси бири ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларга кирмайди?

- а) суд ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ ҳаражатлар;
- б) суд жарималари;
- в) гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;
- г) жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ ҳаражатлар.

39. Қуйидагиларнинг қайси бири давлат божини қайтариб бериш учун асос бўла олмайди?

- а) иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун аризани қабул қилиш рад этилганда;
- б) иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли ишни юритиш тугатилган бўлса;
- в) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланиб, иш юритиш тугатилган бўлса;
- г) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги сабабли ариза суд томонидан кўрилмасдан қолдирилган бўлса.

40. Процессуал муддатлар деб нимага айтилади?

- а) процессуал муддатлар деб, ишларни судларда кўриш учун кетган вақтга айтилади;
- б) процессуал муддатлар деб, суд томонидан тайинланган муддатга айтилади;
- в) процессуал муддатлар деб, фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатга айтилади;
- г) процессуал муддатлар деб, фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган муддатга айтилади.

41. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

- а) 1998 йил 11 сентябрда;
- б) 1999 йил 24 сентябрда;
- в) 2001 йил 1 июнда;
- г) 2001 йил 14 сентябрда.

42. Ишга тиклаш ҳақидаги ишларини судда кўришга тайёрлаш муддатлари қанча?

- а) беш кун, ўта мураккаб ишлар бўйича кечиктирилиб, ўн кунга етказилиши мумкин;
- б) етти кун, ўта мураккаб ишлар бўйича кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин;
- в) ўн кун, ўта мураккаб ишлар бўйича кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин;
- г) ўн кун ва ушбу муддат кечиктирилиши мумкин эмас.

43. Фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш муддатлари қайси кундан ҳисобланади?

- а) судга ариза келиб тушган кундан бошланади;
- б) ариза суд томонидан қабул қилиниб, иш қўзғатилганидан бошланади;
- в) суд тарафларни ишни тайёрлаш тартибида сўроқлашни бошлаган кундан бошлаб;

г) ишни судда кўришга тайинлаган кундан бошлаб.

44. Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларни ҳал қилишни сўраб судга мурожаат этиш муддатлари қанча ва ушбу муддат қайси кундан бошлаб ҳисобланади?

- а) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан эътиборан бир ой;
- б) ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;
- в) ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб уч ой;
- г) ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб бир йил.

45. Ишга тиклаш тўғрисидаги низолар учун қонунда белгиланган даъво муддати ўтказиб юборилган ҳолда даъвогар судга мурожаат қилган тақдирда, суд...

- а) даъво аризасини қабул қилишни рад этади;
- б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;
- в) даъво қилиш муддати ўтказиб юборилган деган асос билан даъво аризни қабул қилмасликка ҳақли эмас;
- г) аризани кўрмасдан қолдиради.

46. Суд жаримасидан озод қилиш ва унинг миқдорини камайтириш тўғрисида қанча муддатда судга мурожаат қилиш мумкин?

- а) суд ажрими чиқарилган кундан эътиборан беш кун ичида;
- б) суд ажримининг нусхасини олганидан кейин беш кун ичида;
- в) суд ажримининг нусхасини олганидан кейин ўн кун ичида;
- г) суд ажримининг нусхасини олганидан кейин йигирма кун ичида.

47. Апелляция тартибида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судларида иш кўриш муддатларини кўрсатинг?

- а) шикоят келиб тушган кундан эътиборан дарҳол;
- б) шикоят келиб тушган кундан эътиборан ўн кун;
- в) шикоят келиб тушган кундан эътиборан йигирма кун;
- г) шикоят келиб тушган кундан эътиборан бир ой.

48. Кассация тартибида фуқаролик ишлари бўйича вилоят судларида иш кўриш муддатларини кўрсатинг?

- а) шикоят келиб тушган кундан эътиборан дарҳол;
- б) шикоят келиб тушган кундан эътиборан ўн кун;
- в) шикоят келиб тушган кундан эътиборан йигирма кун;
- г) шикоят келиб тушган кундан эътиборан бир ой.

49. Альтернатив тааллуқлилик қандай тааллуқлилик ҳисобланади?

- а) ишни икки ёки ундан ортиқ органга тегишли бўлса, альтернатив тааллуқлилик дейилади;
- б) ишни фақат судга тааллуқли эканлиги тушунилади;

в) ишни суддан ташқари бошқа давлат органига тааллуқли эканлиги тушунилади;

г) манфаатдор шахсларнинг низои ҳал қилишни сўраб, бир вақтнинг ўзида бир неча давлат органларига мурожаат этишлигига айтилади.

50. Қуйидаги меҳнат низоларининг қайси бири бевосита судларда кўрилиши лозим бўлган низолар жумласига кирмайди?

а) янги меҳнат шартларини белгилаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси мажбуриятларини қўлланиш масалаларига доир меҳнат низолари;

б) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни ундириш ҳақидаги меҳнат низолари;

в) ишга тиклаш ҳақидаги меҳнат низолари;

г) иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан меҳнат низолари.

51. Аризани қабул қилиш жараёнида суд унинг судда кўриш учун тегишли эмаслигини аниқласа...

а) аризани қабул қилишни рад этади;

б) аризани ҳаракатсиз қолдиради;

в) аризани кўрмасдан қолдиради;

г) иш юритишни тугатади.

52. Ишни судда кўриш жараёнида унинг судга тааллуқли эмаслиги аниқланса, суд...

а) даъво талабларини қаноатлантиришни рад этади;

б) иш юритишни тугатади;

в) аризани кўрмасдан қолдиради;

г) ишни бир судда бошқа судга ўтказиш ҳақида ажрим қабул қилади.

53. Аризани қабул қилиш жараёнида судья иш шу суднинг судловига тааллуқли эмас деб ҳисобласа...

а) аризани ҳаракатсиз қолдиради;

б) аризани кўрмасдан қолдиради;

в) аризани қабул қилиниши рад этади;

г) ишни бир суддан бошқа судга ўтказилади.

54. Иш муайян судда кўриляётганида бу иш судловга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда иш юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса, суд...

а) аризани кўрмасдан қолдиради;

б) иш юритишни тугатади;

в) ишни мазмунан ҳал қилиши лозим;

г) ишни бир суддан бошқа судга ўтказилади.

55. Суд судловга тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзининг юритишига қабул қилиб олган ишни, агар кейинчалиқ бу иш бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлиб қолса...

а) иш юритишни тугатади;

б) ишни бир суддан бошқа судга ўтказилади;

в) ишни мазмунан ҳал қилиши лозим;

г) аризани кўрмасдан қолдиради.

56. Бир ёки бир неча судья рад қилинган, бу судда уларни алмаштириш мумкин бўлмай қолса ...

- а) иш юритиш тугатилади;
- б) бошқа суддан судья жалб этилгунига қадар иш кўриш кейинга қолдирилади;
- в) иш бир суддан бошқасига ўтказилади;
- г) ариза кўрмасдан қолдирилади.

57. Фуқаролик процессида исботлаш деб нимага айтилади?

- а) исботлаш деб фақат тарафларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятга айтилади;
- б) исботлаш тарафлар ҳамда суднинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятдир;
- в) исботлаш деб тарафлар, суд, прокурор ва бошқа шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятга айтилади;
- г) исботлаш фақат тарафлар ва учинчи шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини аниқлашга қаратилган фаолиятдир.

58. Судга оид далиллар деб нимага айтилади?

- а) судга оид далиллар деб фуқаролик ишини ҳал қилиш учун лозим бўлган барча фактик маълумотларга айтилади;
- б) судга оид далиллар деб фуқаролик иши учун аҳамиятли бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг қонун билан белгиланган процессуал воситаларига ва исботлаш аҳамиятига эга бўлган фактларга айтилади;
- в) судга оид далиллар деб тарафларнинг талаб ва эътирозларини асослайдиган ҳар қандай фактик маълумотларга айтилади;
- г) тўғри жавоб **а** ва **в**

59. Далилларни таъминлашдан мақсад нима?

- а) фуқаролик ишини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида;
- б) суд чиқарган ҳал қилув қарорларининг ижроси қийинлашишини олдини олиш мақсадида;
- в) иш учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолишини олдини олиш мақсадида;
- г) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни судга тақдим этиш мақсадида.

60. Далиллар тузилиши ва вужудга келишига қараб қандай турларга бўлинади?

- а) дастлабки ва ҳосила далиллар;
- б) тўғри ва эгри далиллар;
- в) оддий ёзма ва нотариал гувоҳлантирилган далиллар;
- г) расмий ва хусусий далиллар.

61. Далил билан исботланувчи факт ўртасидаги узвий боғланишга қараб далиллар қандай турларга бўлинади?

- а) шахсий ва ашёвий далиллар;
- б) дастлабки ва хосила далиллар;
- в) расмий ва хусусий далиллар;
- г) тўғри ва эгри далиллар.

62. Суд томонидан экспертиза ўтказиш тайинланган бўлса, судья...

- а) иш юритишни тўхтатиш ҳақида ажрим чиқаради;
- б) иш кўришни бошқа кунга қолдириш ҳақида ажрим чиқаради;
- в) ариза ҳаракатсиз қолдирилади;
- г) ариза кўрмасдан қолдирилади.

63. Аризани ҳаракатсиз қолдиришга асос бўлмайдиган ҳолатни кўрсатинг.

- а) аризининг мазмуни процессуал қонун талабларига жавоб бермаса;
- б) ариза жавобгарнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхаларда берилмаса;
- в) ариза учун давлат божи тўланмаган бўлса;
- г) аризани муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса.

64. Даввони таъминлашдан мақсад нима?

- а) суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижроси қийинлашишининг олдини олиш;
- б) иш учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолишини олдини олиш;
- в) демократия ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш;
- г) суд қарорлари устидан қилиниши мумкин бўлган шикоятларни олдини олиш.

65. Даввони таъминлаш тўғрисидаги ажрим қачон ижро қилинади?

- а) суднинг ажрими чиққан кундан эътиборан 10 кундан кейин;
- б) суднинг ажрими чиққан кундан эътиборан 20 кундан кейин;
- в) суднинг ажрими чиққан кундан эътиборан 1 ойдан кейин;
- г) суднинг ажрими чиққан кундан эътиборан дарҳол ижро қилинади.

66. Суд мажлисининг қисмларини кўрсатинг.

- а) тайёрлов, ишни мазмуни бўйича кўриш, суд музокаралари, прокурорнинг фикр бериши, қарор чиқариш ва уни эълон қилиш қисмлари;
- б) тайёрлов, суд музокаралари, прокурорнинг хулоса бериш, қарор чиқариш ва уни эълон қилиш қисмлари;
- в) тайёрлов, суд музокаралари, прокурорнинг хулоса бериш, ҳал қилув қарори чиқариш ва уни эълон қилиш қисмлари;
- г) тайёрлов, ишни мазмуни бўйича эшитиш, суд музокаралари, қарор чиқариш қисмлари.

67. Прокурорнинг узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаслигининг қандай оқибатлари мавжуд?

- а) суд ажрими билан унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади;
 б) прокурор бошқа шахс билан алмаштирилгунига қадар иш юритиш тўхтатиб турилади;
 в) аризани кўрмасдан қолдиради;
 г) суд бу ҳақда хусусий ажрим чиқаради ва бу ҳақда тегишли юқори турувчи прокурорга маълум қилади.

68. Суд музокарасида охириги сўз кимга берилади?

- а) даъвогар ва унинг вакилига;
 б) прокурорга;
 в) давлат бошқарув органлари вакилларига;
 г) жавобгар ва унинг вакилига.

69. Ҳал қилув қарорида суд ҳаракатларини тақсимлаш кўрсатилмаган бўлса қандай қарор чиқарилади?

- а) сиртдан қарор чиқарилади;
 б) кўшимча ҳал қилув қарори қабул қилинади;
 в) иш бир суддан бошқасига ўтказилади;
 г) суд топшириқлари берилади.

70. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги қарори қачон қабул қилинган.

- а) 1998 йил 17 апрел;
 б) 1998 йил 11 сентябрь;
 в) 1999 йил 24 сентябрь;
 г) 2001 йил 1 июнь.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судга оид процессуал ҳужжатлардан айрим намуналар

Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига

Даъвогар: Икромов Рахим Расулович, Тошкент шаҳар Миробод туман Моваруннаҳр кўчаси 54 уйда яшайди. Даъвогар манфаатидан: Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси, Тошкент шаҳар Бухоро кўчаси, 24-уй, телефон: 152-23-45.

Жавобгар: Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтини. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси 76 уй, телефон: 133-33-33.

ДАЪВО АРИЗАСИ

(ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги)

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтининг оператори Икромов Рахим Расулович томонидан ёзилган шикоят хатининг атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни аниқлади, яъни Икромов 2000 йил 21 майдаги 23-сонли буйруқга кўра ОПИ га «секретар-машинист» лавозимига ишга қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82 ва 72-моддаларига ҳилоф равишда ўша вақтда ёзма равишда меҳнат шартномаси тузилмасдан, орада 9 ой ўтганидан сўнг Икромовнинг розилиги билан оператор лавозимига ўтказилиб, у билан меҳнат шартномаси тузилган.

Икромов Р. томонидан ОПИ директори Солиев номига унинг маошини 50% га оширишни сўраб ёзма равишда мурожаат қилиб, аризасига рад жавобини Ўзбекистон Республикаси Президенти номига шикоят ёзган. Ушбу шикоятга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги комиссияси текшириши натижасига кўра Икромовнинг оператор лавозимида ишлаши нотўғри эканлиги, чунки оператор лавозимида ишлаш учун махсус маълумот етишмаслиги кўрсатилган.

Комиссия Икромовни ўз лавозимига лойиқ ёки нолайиқлигини масаласи институт жамоасига хавола қилган. Институт жамоасининг умумий йиғилишида Икромов Р. нинг масаласи кўриб чиқилган ва унинг таянч маълумоти институт малакаига тўғри келмаслиги ва унинг шахсий фазилатларини ҳисобга олиб, институтдаги лавозимига нолайиқ деб ҳисоблансин деган қарор қабул қилган. 2001 йил 3 апрелдаги 43-сонли буйруқга кўра, Икромов Р. таянч маълумоти институт малакаига тўғри келмаслиги учун ишдан бўшатишга қарор қабул қилган.

Ушбу буйруқни чиқаришдан аввал ходим Икромов Р. аттестациядан ўтказилиши ёки унинг бевосита бўлими бошлиғи томонидан ўз вазифаларини бажара олмаётганлигини тўғрисида маълумотлар, текширув ҳужжатлари бўлиши керак. Лекин ушбу ҳужжатлар ташкилот маъмуриятида мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра Икромов нотўғри ишдан бўшатишга қарор қабул қилинганлиги учун, ишга тикланиши лозим ва уни келгусида қайси лавозимда ишлаш масаласи қонунчиликка асосланган ҳолда ҳал қилиниши лозим.

Ишни кўришда Икромов Р. билан меҳнат шартномаси тузилишида ҳам қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Хусусан, 29.12.2000 йилда ОПИ директори номига Икромов 03.01.2001 йилдан бошлаб кадрлар бўлими бошлиғининг инспектори лавозимига ўтказишни сўраган. Буйруққа деб раҳбар имзоси 03.01.2001 йил қўйилган, 2000 йил 14 апрел Икромовни ОПИ ни методист лавозимига ишга қабул қилиш аризаси ҳам мавжуд, бунга ҳам раҳбарни «Буйруққа» деган имзоси 15.04.2000 йил қўйилган.

Икромов Р. 15.04.2000 йил ОПИ га котиб-машинист лавозимига қабул қилинган, 03.01.2001 йил ОПИ буйруғига кўра меҳнат шартномасига кўра оператор лавозимига ўтказилган.

1. Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтини оператори Икромов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқда Меҳнат Кодексининг аниқ моддаси кўрсатилмаган, яъни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 107-моддаси талабларига риоя қилинмаган;

2. Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтини ва касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида тузилган жамоа келишувининг 1.19 бандида меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилишда касаба уюшмасининг розилиги олдиндаи олинмаган назарда тутилган. Шунга қарамай розилик олинмаган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 101-моддаси талаблари қўпол равишда бузилган.

3. Меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда, иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларининг бекор қилиниши тўғрисида камида 3 (уч) кун олдин хабардор қилиши ва иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши ёки унга муносиб компенсация тўлаши шарт эди. Иш берувчи бундай қонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширмаган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддаси талабларига риоя этилмаган;

4. Интизомий жазоларни қўллаш тартибига риоя қилинмаган ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 182-моддаси талаблари бузилган.

Юқоридаги камчиликларни инобатга олиб, Меҳнат Кодексининг 271-275 моддаларига асосланиб

С Ў Р А Й М И З :

1. Икромов Рахим Расулович Р.Р. Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтини оператори лавозимига тикланишини;

2. Жавобгардан Икромов Р.Р. фойдасига ноилождан 03.04.2001 йилдан бошлаб юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб беришингизни;

3. Жавобгардан Икромов Р.Р. фойдасига энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида маънавий зарарни ундириб беришингизни.

Илова:

1) 25.12.2000 йил Икромов Р.Р.нинг Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтини ректори номига ёзган аризасидан нусха;

2) 27.01.2001 йил Икромов Р.Р.нинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга ёзган шикоят хатининг нусхаси;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 18.02.2001 йил 10-Х буйруғи асосида ўтказилган текширув бўйича маълумотнома нусхаси;

4) 21.04.2001 йил Икромов Р.Р.нинг Ўзбекистон Республикаси Касаба Уюшмалари Федерацияси раиси номига берган шикоят хати;

5) 22.05.2001 йил Ўзбекистон Республикаси Таълим ва Фан ходимлари Касаба Уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитасининг Икромов Р.Р.ни ишга қайта тиклаш ҳақидаги мувожадатномаси;

6) 24.05.2001 йил Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтининг Ўзбекистон Республикаси Таълим ва Фан ходимлари Касаба Уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитасига юборган жавоб хати;

7) 16.06.2001 йил Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасига ходим Икромов Р. Р. нинг ҳуқуқлари судда ҳимоя қилиниши сўралган хати нусхаси;

Даъвогар Р. Р. Икромов манфаатидан
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба
уюшмаси Марказий кўмитасининг меҳнат
ҳуқуқ бош назоратчиси М.И.Толибов
тел: 152-23-45.

Имзо _____

24.04 2001 йил.

АЖРИМ

(даъво аризасини ҳаракатсиз қолидириш тўғрисида)

2001 йил апрел ойининг 27—кунида Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида очик суд мажлиси бўлиб,

Раислик этувчи Ҳошимова Н.Т.,

Ҳошиева Д.нинг котиблигида Икромов Раҳим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги фуқаролик иши материаллари билан танишиб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судга даъвогар Икромов Раҳим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан апрел ойининг 24-кунида даъво ариза билан мурожаат этиб, 03 апрел 2001 йил Олий Педагогика Институтининг директорининг 43-сонли буйруғига кўра, Икромов Р. билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини, уни лавозимидан бўшатишда меҳнат қонунига ҳилоф равишда иш тугилганлигини, Икромов Р.Р. эгаллаб турган лавозимидан бўшатилишида қонунбузарликка йўл қўйилганлигини, шунга кўра уни ишга

тиклашни ва мажбур бекор юрган вақти учун ва маънавий зарар кўргани учун ҳақ тўлашни сўраб мурожаат этган.

Суд даъво ариза билан танишиб чиқиш давомида шу нарса аниқладики, даъвогар манфаатини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси томонидан берилган даъво аризасига ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 149-моддасига кўра, даъво аризалар даъвогарнинг вакили томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилиниши лозим бўлади. Шунга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 154-моддасига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Икромов Рахим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси томонидан Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси ҳаракатсиз қолдирилсин.

Ушбу ажримнинг бир нусхаси даъвогарга ва Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасига юборилсин ва унда кўрсатилган камчиликни 5 кун ичида бартараф этиш учун муҳлат берилсин. Акс ҳолда, даъво аризаси судга берилмаган деб ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилди.

Ажримдан норози тарафлар 10 кунлик муддат ичида шу суд орқали Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатига хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:

Ҳошимова Н.Т.

АЖРИМ
(Аризани қабул қилиш ва фуқаролик ишини кўзғатиш ҳақида)

2001 йил апрел ойининг 30—кунида мен, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг судьяси Ҳошимова Н.Т. даъвогар Икромов Рахим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан қилган ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан танишиб чиқиб ариза тегишли тартибда тўғри тузилганлиги, ариза илова қилинган далил ва ҳужжатлар етарли эканлигини аниқлаб аризани қабул қилиб фуқаролик ишини кўзғатиш лозим деб топаман.

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 148-151-моддаларини қўллаб, мен суд раиси

АЖРИМ ҚИЛАМАН:

Даъвогар Икромов Рахим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан қилган ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси қабул қилинсин ва ушбу ҳужжатлар бўйича фуқаролик иши кўзғатилсин.

Фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро судининг
судьяси Ҳошимова Н.Т.

АЖРИМ
(Ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш ҳақида)

2001 йил апрел ойининг 30—кунида мен, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг судьяси Ҳошимова Н.Т. даъвогар Икромов Рахим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан қилган ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан танишиб чиқиб, даъво аризаси Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 149-150-моддалари талабларига асосан тўғри берилган деб Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 159-160-моддаларини қўллаб

АЖРИМ ҚИЛАМАН:

Даъвогар Икромов Рахим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан қилган ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги фуқаролик иши юзасидан тарафлар суҳбатга 2001 йил май ойининг 4 куни, соат 9.00 га чақирилсин.

Фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро судининг
судьяси Ҳошимова Н.Т.

АЖРИМ
(Ишни судда кўришга тайинлаш ҳақида)

2001 йил май ойининг 13 кунда мен, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг судьяси Ҳошимова Н.Т. даъвогар Икромов Рахим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан қилган ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво бўйича фуқаролик ишини судда кўришга тайинлашга қадарли бўлган ҳаракатларни етарли даражада тайёрланган деб ҳисоблаб, ишни судда кўришга тайинлашни лозим деб топаман.

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 161-моддасини қўллаб, мен суд раиси

АЖРИМ ҚИЛАМАН:

Даъвогар Икромов Рахим Расуловичнинг манфаатларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитасининг жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан қилган ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича фуқаролик ишини суд мажлисида кўришлик учун 2001 йил май ойининг 22 куни, соат 11:00 га тайин этилсин.

Тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш жойи ва вақти ҳақида маълум қилинсин.

Гувоҳлар суд мажлисига суд чақирув қоғози орқали чақирилсин.

Фуқаролик ишлари бўйича
Миробод туманлараро судининг
судьяси Ҳошимова Н.Т.

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2001 йил май ойи 22-куни Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди Раислик этувчи судья Ҳошимова Н.Т., Хожиева Д.нинг котиблигида Миробод туман прокурори Парпиев Б.Х. иштирокида, даъвогар Икромов Рахим Расуловични жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб куйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Судга даъвогар Икромов Рахим Расулович Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан даъво ариза келтириб, 03 апрел 2001 йил Олий Педагогика Институтининг 43-сонли бўйруғига кўра, Икромов Р. билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигини, уни лавозимидан бўшатишда меҳнат қонунига хилоф равишда иш тutilганлиги, ушбу институтда кўп камчиликлар мавжудлиги, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ОПИ раҳбарияти устидан шикоят хати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан текширув ўтказилганлигини, натижада кўп камчиликлар аниқланганлигини ва тегишли чоралар кўрилиши эътироф этилганлигини, ўзини эгаллаб турган лавозимидан бўшатилишида қонунбузарликка йўл қўйилганлигини, шунга кўра уни ишга тиклашни ва мажбур бекор юрган вақти учун ва маънавий зарар кўргани учун ҳақ тўлашни сўрайди.

Суд мажлисида даъвогар Икромов ўз даъвосини қувватлайди Икромов Р. ни манфаатини кўзлаб ушбу корхона касаба уюшмаси ва касаба марказий қўмитаси Икромов томонидан келтирилган даъвони қувватлаган ҳолда аризани имзолаган.

Жавобгар сифатида сўралган ОПИ директори Солиев даъвони тан олмай Икромов ишдан тўғри бўшатирилганлигини, Икромов турли корхоналарга иғволар, шикоятлар ёзиш билан шугулланиб келганлигини, унинг таянч маълумоти институт малакаига тўғри келмаслиги ва уни шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб институт жамоаси уни институтдаги лавозимига нолайиқ деб ҳисоблаганлигини кўрсатиб уни ишдан тўғри бўшатганлигини билдиради.

Суд материалларга баҳо бериб, томонларнинг тушунтиришларини тинглаб, касаба уюшмаси вакилларининг кўрсатмаларини тинглаб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришни ва уни ишга тиклашни, ноилож бекор юрган вақти учун ҳақ ундиришни ҳамда маънавий зарар ундиришни лозим топади.

Аниқланишича, Икромов 2000 йил 21 майдаги 23-сонли бўйруқга кўра ОПИ га «секретар-машинист» лавозимига ишга қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82 ва 72-моддаларига хилоф равишда ўша вақтда ёзма равишда меҳнат шартномаси тузилмасдан, орада 9 ой ўтганидан сўнг Икромовнинг розилиги билан оператор лавозимига ўтказилиб, у билан меҳнат шартномаси тузилган.

Икромовни оператор лавозимида ишлаган даврдан меҳнат шартномасида ходимлар бўлими бошлиғининг топшириқларини бажариши кераклиги

кўрсатилган. Ушбу ҳолат Меҳнат кодексининг 73-моддасига зид бўлиб, ходимнинг меҳнат, мутахасислиги, малакаси, ишлайдиган лавозими кўрсатилади. Аммо Икромов маъмуриятнинг ушбу талабига рози бўлган ва меҳнат шартномасига имзо қўйган.

Икромов томонидан ОПИ директори Солиев номига унинг маошини 50% га оширишни сўраб ёзма равишда мурожаат қилиб, аризасига рад жавобини Ўзбекистон Республикаси Президенти номига шикоят ёзган. Ушбу шикоятга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги комиссияси текшириши натижасига кўра Икромовнинг оператор лавозимида ишлаши нотўғри эканлиги, чунки оператор лавозимида ишлаш учун махсус маълумот етишмаслиги кўрсатилган.

Комиссия Икромовни ўз лавозимига лойиқ ёки нолайиқлигини масаласи институт жамоасига ҳавола қилган. Институт жамоасининг умумий йиғилишида Икромов Р. нинг масаласи кўриб чиқилган ва унинг таянч маълумоти институт малакаига тўғри келмаслиги ва унинг шахсий фазилатларини ҳисобга олиб, институтдаги лавозимига нолайиқ деб ҳисоблансин деган қарор қабул қилган. 2001 йил 3 апрелдаги 43-сонли буйруқга кўра, Икромов Р. таянч маълумоти институт малакаига тўғри келмаслиги учун ишдан бўшатишга қарор қабул қилган.

Ушбу буйруқни чиқаришдан аввал ходим Икромов Р. аттестациядан ўтказилиши ёки унинг бевосита бўлими бошлиғи томонидан ўз вазифаларини бажара олмаётганлигини тўғрисида маълумотлар, текширув ҳужжатлари бўлиши керак. Лекин ушбу ҳужжатлар ташкилот маъмуриятида мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра Икромов нотўғри ишдан бўшатишга қарор қабул қилинганлиги учун, ишга тикланиши лозим ва уни келгусида қайси лавозимда ишлаш масаласи қонунчиликка асосланган ҳолда ҳал қилиниши лозим.

Ишни кўришда Икромов Р. билан меҳнат шартномаси тузилишида ҳам қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Хусусан, 29.12.2000 йилда ОПИ директори номига Икромов 03.01.2001 йилдан бошлаб кадрлар бўлими бошлиғининг инспектори лавозимида ўтказишни сўраган. Буйруққа деб раҳбар имзоси 03.01.2001 йил қўйилган, 2000 йил 14 апрел Икромовни ОПИ ни методист лавозимида ишга қабул қилиш аризаси ҳам мавжуд, бунга ҳам раҳбарни «Буйруққа» деган имзоси 15.04.2000 йил қўйилган.

Икромов Р. 15.04.2000 йил ОПИ га котиб-машинист лавозимида қабул қилинган, 03.01.2001 йил ОПИ буйруғига кўра меҳнат шартномасига кўра оператор лавозимида ўтказилган.

Юқоридагилардан ташқари, Икромовни ишдан бўшатишга буйруқда Меҳнат кодексининг аниқ моддаси кўрсатилмаган, бу эса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 107-моддасига зиддир.

Ишдан бўшатиш учун касаба уюшмасининг розилиги олинмаган, кейинчалик ҳам касаба уюшмаси Икромовни ишга тиклаш ҳақидаги ҳулоса билан мурожаат қилсада, лекин ОПИ раҳбари бунга эътиборсиз бўлган.

Икромовнинг маълумоти институт малакаига тўғри келмаганлиги учун у билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишига институт ходимлари мажлисининг қарори ва текширув маълумоти асос бўлганлиги кўрсатилган. Ваҳоланки, ушбу буйруққа асос бўлиб ходим учун аттестация ўтказилганлиги ёки

уни бевосита бўлим бошлиғи томонидан ўз вазифаларини бажармаганлиги тўғрисидаги маълумотлар, текширув ҳужжатлари ҳисобланишини инобатга олган ҳолда суд даъвогарни ишга қайта тиклашни ва ноилож ишсиз юрган вақти учун унга ҳақ тўланишини лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорига кўра, суд иш берувчининг ходимни ишга жойлаштириш чораларини кўрган-кўрмаганлигини аниқлаши, ходим таклиф этилган бошқа ишга ўтишдан бош тортганлиги ёки иш берувчи ходимнинг розилиги билан ушбу корхонадаги бошқа ишга ўтказишга имконияти бўлмаганлиги хусусида далиллар талаб қилиб олмоғи зарурлиги кўрсатилган.

Лекин ишда иш берувчи томонидан Икромовга унинг малакасига тўғри келадиган иш таклиф қилинганлиги ҳақида далиллар мавжуд эмаслиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 275-моддаси 6 қисмига кўра, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлигини, бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида меҳнат низоларини кўрувчи орган томонидан ходимнинг пул ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади. Шунга кўра суд Икромов Р.нинг фойдасига уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарилган вақтида то шу кунга қадарли мажбурий прогул учун ҳақ ундиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди ва ушбу ҳақ-ўртача иш ҳақи-4378 сўмдан келиб чиққан ҳолда-24.089 сўмни ташкил қилади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102, 107, 182, 275-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203-206 моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л И Н Д И:

Даъвогар Икромов Р.Р. ни ишга тиклаш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилсин.

Икромов Рахим Расулович Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтининг оператор лавозимига ишга тиклансин.

Ҳал қилув қарорининг Р. Икромовни ишга тиклаш ва унинг фойдасига иш ҳақи ундириш тўғрисидаги қисми дарҳол ижро этилсин.

Р. Икромов фойдасига Олий Педагогика Институтининг жорий ҳисобидан унинг ноилождан бекор юрган вақти учун 24.089 сўм иш ҳақи ундирилсин.

Жавобгардан давлат фойдасига 4818 сўм миқдорда суд харажати ундирилсин.

Қарордан норози тарафлар 20 кун муддат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига шу суди орқали апелляция шикоятни беришлари, прокурор эса апелляция протести келтиришга ҳақли.

Фуқаролик ишлари
бўйича Миробод туманлараро суди судьяси:
Ҳошимова Н.Т.

**Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори
(Қўшимча)**

2001 йил май ойи 30-куни Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди Раислик этувчи судья Ҳошимова Н.Т., Хожиева Д.нинг котиблигида Миробод туман прокурори Парпиев Б.Х.нинг даъвогар Икромов Рахим Расуловични жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича қўшимча ҳал қилув қарор чиқариш тўғрисидаги аризаси кўрилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Р.Икромовнинг жавобгар Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтига нисбатан ишга тиклаш, ноилож ишсиз юрган вақти учун иш ҳақи

ундириб бериш тўғрисидаги даъвоси 2001 йилнинг 22 май ойида Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди томонидан кўрилиб, даъво талаби қондирилган, бироқ даъвогар томонидан арз қилинган талаблар ичида маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб ҳам мавжуд бўлиб, суд мажлисида даъвогар томонидан ушбу талаб бўйича далиллар келтирилган ва тушунтиришлар берилган. Лекин суднинг ҳал қилув қарорида даъвогарга етказилган маънавий зарарни ундириш масала ҳал қилинмаган.

Шунга кўра туман прокурори ўз аризасида ушбу иш бўйича қўшимча ҳал қилув қарори чиқариб, жавобгардан даъвогарга етказилган маънавий зарар суммасини ундириш лозимлиги ҳақида сўрайди.

Прокурорнинг аризаси тўлиқ асосланганлиги туфайли суд уни қаноатлантиришни лозим топади. Икромов Р.га уни ғайриқонуний ишдан бўшатилиши билан жавобгар томонидан маънавий зарар келтирилган бўлиб, даъвогар ўзига нисбатан етказилган зарарни ишдан ноқонуний равишда бўшатилиши ўзининг шахсий ва ишчанлик хусусиятларига путур етказганлиги, қолаверса ишдан бўшатилиши муносабати билан асаб касаллигига чалинганлиги ва буни тиббий муассаса томонидан берилган маълумотнома билан асослайди. Суд маънавий зарар миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 4 фоизи миқдоридан, яъни 9800 сўм миқдоридан белгилашни лозим топади. Суд юқоридаги ҳолатларга кўра ва ФПКнинг 214-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Алишер Навоий номли Олий Педагогика Институтидан Икромов Р. фойдасига 9800 сўм маънавий зарар ундирилсин.

Қарордан норози тарафлар 20 кун муддат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига шу суди орқали апелляция шикоятни беришлари, прокурор эса апелляция протести келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья: Ҳошимова Н.Т.

Маърузачи: Ф.У. Ҳусанова Тум. судья: Л. Умаров

А Ж Р И М № 226/2000

2000 йил март ойининг 9 кунда Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида очиқ суд мажлисида

Раислик этувчи: Исматуллаев З.Р.

Суд мажлисида Ҳайъат аъзолари: Ҳусанова Ф.У. Ахмедова Ж..лардан иборат ҳайъатда, томонлардан Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси

Х.А.Тожибоева, адвокат Х.Худояровалар иштирокида Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 1999 йил 29 октябрь куни даъвогарлар С.Э.

Эргашев, Э.Н.Мавлянов ва Л.А.Кочергаларнинг жавобгар Республика Деҳқон ва Фермер хўжаликлари уюшмасига нисбатан ишга тиклаш ва бекор юрган вақти учун иш ҳақи ҳамда келтирилган маънавий зарарни ундириб бериш ҳақидаги даъвоси бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорига Республика Деҳқон ва Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси томонидан келтирилган кассация шикоятини кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар С.З.Эргашев жавобгар Республика Деҳқон ва Фермер хўжаликлари уюшмасига нисбатан ишга тиклаш ва бекор юрган вақти Учун иш ҳаққини ҳамда келтирилган маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво аризасига ҳамда суд мажлисидаги баёнотида 1998 йил октябрь ойининг 9 кунидан бошлаб контракт асосида Республика Деҳқон ва Фермер хўжаликлари уюшмасида Хукукшунос бўлиб иш бошлаганлигини, уюшма раиси А.Бобомирзаев 1999 йил 10 майдаги 22-сонли буйруғига асосан уни Меҳнат Кодексининг 97-моддаси 2-бандига мувофиқ меҳнат интизомини бузганликда айблаб ишдан бўшатганлигини, у ушбу буйруқни ғайриқонуний деб ҳисоблашини, чунки у меҳнат интизомини

бузмаганлигини ва интизомий жавобгарликка тортилмаганлигини, у уни ишдан бўшатишга қарор қилгани умумий мажлисда қатнашмаганлигини, унинг ноқонуний ишдан бўшатишга асосий сабаб деб, унинг уюшмада иш бошлаганлигидан бошлаб бу ташкилотда қонунларнинг қўпол равишда бузилиши, ходимларнинг мажбуран ишдан бўшатилиши ва уюшма бир гуруҳ шахслар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилотга айланиб қолганлигини уюшмада ишчан кадрларни ишдан бўшатиб, соҳасига тўғри келмайдиган, шаҳарда паспорт рўйхатидан ўтмаган кадрлар ишга қабул қилинганлигини, ишламаган шахсларга меҳнат ҳақи тўлаб келинганлигини, Меҳнат Кодексининг 177- моддаси уюшма раҳбарияти томонидан бузилиб, ходимларга нисбатан меҳнат шароитини яратиб бермай туриб, иш талаб қилиши ва шунга ўхшаш бир қатор камчиликларни кўрсатиб, бу ҳақда ўз хулосаси ва тегишли ҳужжатларни прокуратура органларига жўнатилганлиги эканлигини айтиб, уни ишдан бўшатиш ҳақидаги ғайриқонуний буйруқни бекор қилиб, бекор юрган вақти учун 103871.43 сўм ва маънавий зарари учун 10.000 000 (ўн миллион) сўмни жавобгарнинг фойдасига ундириб беришни сўраган.

Даъвогар Э.Н.Мавлянов ҳам ўзининг даъво аризасида ва суд мажлисида берган кўрсатмасида 1997 йилдан буён Республика Деҳқон ва Фермер хўжаликлари уюшмасида ердан фойдаланиш бўлимида бош мутахасис бўлиб келганлигини, уюшма раиси А.Бобомирзаев 1999 йил 10 майдаги 23-сонли буйруғига асосан, уни Меҳнат Кодексининг 97-моддаси 2-бандига мувофиқ меҳнат интизомини бузган деб айблаб ишдан бўшатишга асосан, у ушбу буйруқни ғайриқонуний тарзда чиқарилган деб ҳисоблашини, чунки 1999 йил 30

апрелда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари Б.Олимжонов топшириғига асосан 30 апрелдан 7 майга қадар Республика вилоятларига уюшма ходимларини хизмат сафарига уни эса, Андижон вилоятига юборилиши ҳақида буйруқ мавжудлигидан хабардор эканлигини, лекин у 26 апрелдан грипп бўлиб, 3 майдан ишга чиқиб 4 майда эса, хизмат сафарига кетганлигини, хизмат сафаридан режадаги вазифани бажариб қайтганидан кейин уни хизмат сафарига кечикиб боргансан деб ишдан бўшатишганлигини айтиб, унинг ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғини бекор қилишни, бекор юрган вақти учун 92243.81 сўм иш ҳақини ҳамда маънавий зарар учун 10.000 000 (ўн миллион) сўм жавобгардан унинг фойдасига ундириб беришни сўраган.

Даъвогар Л.А. Кочерга эса ўзининг даъво аризасида ва суд мажлисида берган баённомасида куйидагича кўрсатма берган, яъни у 1997 йил 15 июндан бошлаб Республика Дехқон ва Фермер хўжаликлари уюшмасида истикболни белгилаш ҳамда шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш бўлими бош иқтисодчиси лавозимида, 1997 25 июлдаги буйруғига асосан эса, шу бўлимни бошлиғини вазифасини вақтинча бажарувчиси этиб тайинланганлигини, у уюшма раиси А. Бобомирзаев 1999 йил 18 июндаги 27–сонли буйруқ билан, уни Мехнат Кодекисининг 100-моддаси 4–банди билан ишдан бўшатишганлиги, у ушбу буйруқни ғайриқонуний деб ҳисоблашини, чунки у ўзи ишлаб келган бўлимда 1,5 йил давомида бир ўзи ишлаб келиб, ўз вазифаларини ва берилган топшириқларни ўз вақтида бажариб келганлигини, 1999 йил 26 апрелдан 5 майга қадар Тошкент вилоятида хизмат сафарига бўлиб, хизмат сафари бўйича хисоботни тақдим этган пайтда унга нисбатан ўз вақтида ҳеч қандай эътироз билдирилмаганлигини, лекин 1999 йил 7 июн куни ижроия аппарати йиғилиш ўтказиб, уни Тошкент вилояти туманларидаги хизмат сафари натижалари муҳокама этилиб, уни ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилинганлигини, уни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиб, бўш юрган вақти учун 86947 73 сўм иш ҳақини ва маънавий зарари учун 20 000 000 (йигирма миллион) сўм ундиришни сўраган.

Жавобгар вакиллари С.Жамшидбоев ва Ш.Дўсчановлар суд мажлисига тегишли равишда чақиртирилишларига қарамасдан келмаганлар.

Туман суди мазкур фуқаролик ишини узоқ муддат давомида жавобгар вакилларининг ишга тааллуқли ҳужжатларини судга тақдим этишни пайсалга солиши, суд мажлисига ўз вақтида келишмаганликлари оқибатида кўрилмасдан келаётганлигини эътиборга олиб, ишни жавобгар вакилларини иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топган.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман судини 1999 йил 29 октябрь кунги ҳал қилув қарорига даъвогарларнинг ишга тиклаш ва бекор юрган вақти учун иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилган, ананавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблари қисман қаноатлантирилган.

Мазкур қарордан норози бўлиб Республика Дехқон ва Фермер хўжаликлари уюшмаси раиси А.Б.Бобомирзаев томонидан кассация шикоятни келтирилган бўлиб, у ўз шикоятида туман судининг мазкур фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиб ишни янгитдан кўриш учун шу туман судининг бошқа суд ҳайъатига юборишлик сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузачи Ф.У.Хусановнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси Х.А.Тожибеванинг туман судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдирилишликни сўраб берган хулосасини тинглаб иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра туман судининг мазкур фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ҳал қилувчи қарорини бекор қилиб, ишни янгитдан кўриш учун юборишни лозим деб топади.

Ўз.Р. ФПКнинг 15-57-моддалари талабига кўра суд ишини кўриш жараёнида ишдаги ҳолатларни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча ҳаракатларни амалга оширилиши низога дахлдор бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиши, тарафларнинг важларини атрофлича текшириши, тарафларга қўшимча ҳужжат ва далиллар тўплашда ёрдам қилиши лозимдир.

Суд даъвогарларнинг даъвосини қаноатлантиришда уларнинг важларини мутлақо текшириб кўрмаган. Даъвогарларнинг даъвосини қаноатлантиришда фақатгина жавобгарлар томонидан касаба қўмитасининг розилигин олмаганлигини асос қилиб олган, даъво аризада келтирилган бошқа важлар, яъни ҳеч қандай интизомни бузмаганликларини, у ўзларига юклатилган вазифани сидқи дилдан бажариб келганликлари, ишга келмай қолган кунларини эса, узрли бўлганлигини, уларни исботловчи ҳужжатлар мавжудлиги ҳақидани важлари шу билан бирга жавобгарлар томонидан буйруқда кўрсатилган ҳолатлар даъвогарларнинг бу кўрсатмаларига мутлақо зид эканлиги туман суди томонидан текшириб чиқилмаган уларга етарли ҳуқуқий баҳо берилмаган. Шу билан бирга даъвогарларни маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларни ҳам икки асослантирувчи далилларни ишга қўшилган ёки бу ҳолатларни исботловчи гувоҳларни жалб қилиб сўрамаган.

Ҳал қилувчи қарор Ўз. Р. ФПКнинг 205-206 модда талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Туман суди ишни кўриш жараёнида ишни кўриш куни ва вақти соати ҳақидаги жавобгар тарафини тегишли тартибда огоҳлантирмаган, бу ҳақда ҳеч қандай ҳужжат ишга қўшиб қўйилмаган. Бу билан туман суди Ўз. Р. ФПКнинг 174 – моддасига зид ҳолда низоли жавобгарнинг иштирокисиз кўриб ҳал этган.

Судлов ҳайъатида иш ўрилиши жараёнида жавобгарнинг вакили даъвогарларнинг даъволарига дахлдор бўлган бир қанча ҳужжатларни тақдим этди, уларнинг орасида 10 май 1999 йилда бўлиб ўтган Дехқон ва Фермер хўжалиги касаба уюшмасининг баённомаси ҳам мавжуддир.

Жавобгарлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни атрофлича текшириб чиқмай ва уларга тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан туриб қабул қилинган ҳал қилувчи қарори асосли бўла олмайди.

Судлов ҳайъати туман судининг ҳал қилувчи қарорини бекор қилишда Ўз. Р. ФПКнинг 312 – мода талабларидан келиб чиққан ҳолда, яъни иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлигида, уларни исботланмаганлигини, ҳал қилувчи қарорида баён қилинган хулоса ва ҳолатлар тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ келмаслигини ҳам эътиборга олади.

Ишнинг янгитдан кўришни суд низони тарафларнинг иштирокида кўриб ҳал этилишини таъминлаши, ишдаги ҳужжатларни ва даъвогар жавобгарларни келтирилган важларини атрофлича текшириб чиқиши, уларга тўғри ҳуқуқий баҳо

бериши маънавий зарар нимадан иборат эканлигини исботловчи хужжатларни талаб қилиб олиши, тўпланган далил ва исботларга таянган ҳолда низо юзасидан ҳал қилувчи қарорини қабул қилиши лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўз. Р. ФПКнинг 343 – моддасини қўллаб суд ҳайъати ажрим қилади.

АЖРИМ:

Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 1999 йил 29 октябрь кунги мазкур фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни янгитдан кўриш учун шу туман судининг бошқа судлов ҳайъатига юборилсин.

Кассация шикояти қаноатлантирилсин.

Раислик этувчи:

Ҳайъат аъзолари: 1.

2.

Нусхаси аслига тўғри

Ҳал қилув қарори
Ўзбекистон Республикаси номидан

1999 йил 9 декабрь куни Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман суди ўз биносида
очик суд мажлисида

Раислик этувчи: Ж.С.Абдуллаев

Ахмедов Г.нинг котиблигида томонлар прокурор ўринбосари Эгамбердиев Х.ни иштирокида даъвогар Сайфуддинов Ёдгор яшаш жойи: Шайхонтохур тумани, Раҳмат Азларов кўчаси, 7 – уй жавобгарлар: Тошкент шаҳар Давлат Солиқ Бош Бошқармаси ва Акмал Икромов туман Давлат Солиқ Инспекциясига нисбатан ишга тиклаш ва ноиложликдан бекор юрган вақт учун ҳақ ўндириш тўғрисидаги даъвоси бўйича фўқоролик ишини кўриб чиқиб қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Сайфуддинов Ё. судга Тошкент шаҳар Давлат Солиқ Бош Бошқармасига ва Акмал Икромов тумани Давлат Солиқ Инспекциясига нисбатан ишга тиклаш ва ҳақ ўндириш ҳақидаги даъво ариза билан мурожат этиб, унда кўрсатишича, ўзининг 1994 йилдан Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман ДСИга ишга қабул қилиниб инспекторлик лавозимидан то инспекция бошлиғи муовини лавозимида ишлаганлигини, Тошкент шаҳар ДСБнинг 1999 йил 11 январ “Тошкент шаҳар, туман солиқ инспекцияларида ходимлар сонини қисқартириш” ҳақидаги бўйруғига асосан ишдан бўшатирилганлигини, бошқарманинг ушбу бўйруғини қўйидаги асосларга кўра ғайриқонуний деб билишини: 01.12. 1998 йилдан бетоб бўлиб қолгани туфайли касалхонага тушганлигини ва бу ҳақда касаллик варақаси орқали иш жойига яъни Акмал Икромов туман ДСИга хабар берганлигини, касаллиги анча вақт чўзилиб то 2 март 1999 йилга қадар даъволаниб юрганлигини ва тиббий меҳнат экспертизаси комиссиясининг хулосасига кўра 3 март 1999 йилдан II-гурух ногиронлиги берилганлигини, шундан кейин меҳнат қобилиятини йўқотиб ишга чиқолмай қолганлигини, 1999 йил 21 августдан эътиборан унинг саломатлиги яхшиланиб, ВКК унга ишлаш мумкинлиги ҳақида хулоса берганлигини, уни Тошкент шаҳар Давлат Солиқ Инспекцияси томонидан ишдан бўшатирилганлиги ҳақидаги буйруқдан 1999 йил 21 август куни хабар топганлигини, уни ишдан бўшатирилиши ҳақида ҳеч қандай огоҳлантириш бўлмаганлигини, буйруқда кўрсатилган 485 - сонли 1998 йил 27 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг 1998 йил 1 декабрдаги №271 сонли буйруғида ҳам айнан қайси иш ўринлари қисқартирилиши ҳақида кўрсатма бўлмаганлигини,

шунинг учун Тошкент шаҳар ДСББнинг 11 январ 1999 йилдаги 2 – III сонли буйруғини ғайриқонуний эканлиги учун иш ҳақини ўндириб беришни сўрайди.

Суд мажлисида сўралганда даъвогар Сайфутдинов Ё. келтирилган даъво талабини қувватлаб 1998 йил 1 декабрдан 1999 йил 2 март кунига қадар касал бўлганлигини, ушбу даврга касаллиги ҳақида тиббий муассаса томонидан берилган касаллик варақаси берилганлигини, ушбу касаллик варақасини иш жойига топширганлигини, ўзини ишдан бўшатиш ҳақидаги Тошкент шаҳар ДСБсининг буйруғини 1999 йил тахминан баҳор ойларида эшитганлигини, буйруқ чиқмасдан олдин унга ҳеч ким бу ҳақда айтмаганлигини ва бошқа иш таклиф қилмаганлигини, ўзини огоҳлантирилмасдан касаллик вақтида ноҳақ ишдан бўшатирилганлигини кўрсатиб ўзини ишга тиклашликни сўрайди.

Суд мажлисида сўралганида жавобгар ДСББсининг юристи Мясоутова Р. келтирилган даъво талабини тан олмасдан, 1999 йил 11 январь куни Тошкент шаҳар ДСБ томонидан лавозимларни қисқартирилиши ҳақида буйруқ чиққанлигини, ушбу буйруқ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрь кунидаги 495 – сонли қарорига асосан ва Ўзбекистон Республикаси ДСқсининг 1998 йил 1 декабрдаги 271 – сонли буйруғига асосан чиқарилганлигини, ушбу буйруқлар бошқарув аппаратида лавозимларни қисқартириш ҳақида бўлганлиги кимлар қисқартирилиши ҳақидаги Акмал Икромов тумани ДСИ томонидан рўйхат тақдим этилганлигини, ушбу рўйхатда Сайфуддинов Ё. ҳам бўлганлиги, шунга асосан буйруқ чиқарилганлиги, ўша вақтда Сайфуддинов Ё.ни касал бўлганлиги ҳақида Тошкент шаҳар ДСБ хабардор бўлмаганлигини, Сайфуддинов Ё. ўзининг касаллиги ҳақида уларга ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин бўлганлигини, лекин у мурожаат қилмаганлигини, Тошкент шаҳар ДСИ томонидан ходимларни қисқартириш ҳақидаги юқорида кўрсатилган буйруқ чиққанидан сўнг Акмал Икромов тумани ДСИ томонидан ҳам ходимни қисқартириш ҳақида буйруқ чиқиши керак бўлганлигини, шундан сўнг ходим ишдан бўшатирилган ҳисобланмаслигини, Сайфутдинов Ё. 1998 йил 1 декабрдан 1999 йил 2 март кунигача касаллик варақасида бўлганлигини, 3 мартдан 31 мартгача ишга чиқмаганлигини кўрсатади.

Суд мажлисида сўралганида гувоҳ Жалилов К. Акмал Икромов туман ДСИ да ташкилий кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи бўлиб, 1997 йилдан бери ишлашини, ходимларни сонини қисқартириш ҳақидаги буйруқни чиқариш учун Тошкент шаҳар Бошқармасига қисқарадиган иш ўринлари ва ходимлар рўйхатини тузиб берганларини, лавозимларни қисқартирилиши ҳақидаги рўйхат тузилган вақтида Сайфутдинов Ё. ўз лавозимида ишлаб юрганлигини, рўйхат тузилганида Сайфутдунов Ё.ни огоҳлантирмаганлигини, чунки Ўзбекистон Республикаси ДСқсининг 1998 йил 1 декабрдаги 271 – сонли “маъмурий бошқарув аппарати ходимларини қисқартириш ҳақида” ги буйруғига асосан 1999 йил 11 январь куни 2-III/ Т-сонли буйруғи билан Тошкент шаҳридаги барча туман давлат солиқ инспекциялари ходимлари қаторида Акмал Икромов тумани ДСИ бошлиғининг собиқ муовини Сайфуддинов Ё. Х. нинг штати бирлиги ҳам қисқартирилганлигини, мазкур буйруқнинг 2- бандида буғгалтерия ҳисоби билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимлар билан тўла ҳисоб – китоб қилиш вазифаси топширилганлиги, ушбу буйруқ туман инспекциясига 1999 йил 15

январь куни келиб тушганлигини, буйруқ инспекциясига келиб тушган даврда Сайфуддинов Ё. бетоблиги туфайли ишга чиқмай даъволанишда бўлганлигини, белгиланган ва ўрнатилган тартибга кўра Тошкент шаҳар ДСББ сидан ижро қилиш учун келган шахсий таркибга тегишли барча буйруқлар инспекция номидан такроран буйруқ сифатида чиқарилиши ва ДСББси буйруқлари шу тартибда ижро этилиши лозимлигини, Сайфуддинов Ё.нинг бетоб бўлган даврида эса мазкур буйруқни ижро этиш ва Меҳнат Кодексининг 102 – моддасига кўра “ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври кўшилмайди” шу сабабли буйруқ ижро этилмасдан келганлигини, Сайфуддинов Ё. ўз даъво аризасида ўзининг ишдан бўшатирилганлиги ҳақида 1999 йил 21 августда хабар топганлигини кўрсатганлигини, лекин ДСББ буйруғи билан Сайфуддинов Ё.нинг ишдан бўшатирилмаганлигини, балки штат бирлиги қисқартирилганлигини, бундан ташқари инспекция раҳбарияти январ ойида оғзаки равишда унга инспекцияга келиши ва штат бирлиги қисқартирилганлиги ҳақида билдириш берилганлигини, лекин оғзаки равишда огоҳлантиришларга қарамасдан инспекцияга келишдан бош тортиб келганлиги сабабли, 1999 йил апрель ойида раҳбарият томонидан “солдикка доир тергаб – текшириш ва назорат хизмати” бош суриштирувчиси О. Содиқов шахсан Сайфуддинов Ё.нинг уйига бориб, у билан суҳбатлашиб шахсий хизмат гувоҳномасини унга топширишни айтганида Сайфуддинов Ё. хизмат гувоҳномасини унга топширишдан бош тортганлигини, 1999 йил 6 май куни эса инспекция раҳбарияти 01/2775 рақамли хати орқали ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими бош мутахасиси Рафиқова Г.ни Сайфуддинов Ё.ни уйига шахсий гувоҳномасини олиб келишлик мақсадида жўнатганида Сайфуддинов Ё. Ушбу талабни бажаришдан бош тортиб Рафиқова Г. га хизмат гувоҳномасини бермаганлиги ва Сайфуддинов Ё.ни турмуш ўртоғига хатнинг биринчи нусхасини олганлиги ҳақида имзо чектирган. Сайфуддинов Ё. касаллик варақаларини инспекцияга ўзи олиб келмай ходимлар орқали бериб юрган бўлса, ўша ходимлардан бирортаси айнан унинг штат бирлиги қисқартирилганлигини етказган бўлиши аниқлиги, айнан унинг штат бирлиги қисқартирилишидан норасмий йўллар билан хабар топган Сайфуддинов Ё. Ушбу тайёргарликни 1998 йил 1 декабрдан бошлаганлиги эҳтимолдан холи эмаслигини, чунки айнан шу кунлари Ўзбекистон Республикаси ДСҚ ва Тошкент шаҳар ДСББ буйруқлари лойиҳалари тайёр бўлганлигини Сайфуддинов Ё.ни даъво аризасини судга тақдим этгунга қадар бўлган барча ҳаракатлари бугунги ҳолатни келтириб чиқаришга қаратилган “сунъий” равишда қилинган ҳаракатлар деб ҳисоблашни кўрсатади.

Суд тарафларнинг берган баёнотларини гувоҳнинг кўрсатмаларини тинглаб иш материаллари билан танишиб чиқиб Сайфуддинов Ё. Х. томонидан келтирилган даъво аризани қисман қуйидаги асосларга кўра қаноатлантиришни лозим топади:

Аниқланган ҳолатларга кўра Сайфуддинов Ёдгор Хусанович 1994 йилда Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ДСИ сига инспекторлик лавозимига ишга қабул қилинган бўлиб, 1998 йил декабрь ойларига қадар инспекция бршлиғи муовини лавозимида ишлаб келган.

ДСИ бошлиғи муовини вазифасида ишлаб келган вақтида Сайфуддинов Ё. соғлиги ёмонлашганлиги туфайли 01. 12. 98 йилдн 02. 03.99 йилга қадар тиббий муассаса томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлиги ҳақидаги касалилк варақасига кўра ишга яроқсиз деб топилиб ишдан вақтинча озод қилинган.

Унинг касаллик даврида Тошкент шаҳар ДСББ томонидан №2 – iii/III сонли 1999 йил 11 январь кунидаги Тошкент шаҳри ДСИ да ходимларни штатини қисқартириш тўғрисидаги буйруғига кўра туманлар ДСИ ларидан 106 кишидан иборат бўлган штатларни қисқартириш тўғрисида буйруқ чиққан. Ушбу кўрсатилган лавозимларнинг баъзи бирларида эгаллаб турган лавозими ҳамда исм, шарифлари аниқ кўрсатилган.

Акмал Икромов тумани ДСИ бўйича қисқартирилган 9 та лавозимлар ичида даъвогар Сайфуддинов Ё.Х.нинг ҳам исм шарифи кўрсатилган.

Тошкент шаҳар ДСББ томонидан чиқарилган ушбу буйруқда 1999 йил 2 январь кунидан рўйхатда кўрсатилган барча лавозимлар қисқартирилганлиги ва ушбу буйруқнинг 2-бандида кўрсатилганидек қисқартирилган ходимлар билан буғалтерия тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши буюрилган.

Худди мана шу 1999 йил 12 январь куни Сайфуддинов Ё. меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли касаллик варақаси билан ишдан вақтинча озод қилинган бўлиб, даъволанишда бўлган.

1999 йил 3 март куни ВТЭЖ томонидан Сайфуддинов Ё. меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли II – гуруҳ ногирони деб топилган, 1999 йил 21 август куни Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги ВКК Сайфуддинов Ё. ни соғлиги яхшиланганлиги муносабати билан махсус шароитда ишлаш мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарган.

Ўз.Р. Меҳнат Кодексининг 100 – моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкинлиги ва ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Ушбу ҳолатда Тошкент шаҳар ДСББ томонидан 1999 йил 11 январь куни Акмал Икромов тумани ДСИ бошлиғининг муовини вазифасида ишлаётган даъвогар Сайфуддинов Ё.Х.ни штати қисқартирилганлиги тўғрисидаги № 2 – iii/III сонли буйруғи муносабати билан меҳнат шартномасини тугатилиши, ушбу буйруқнинг 2 – бандида кўрсатилганидек лавозими қисқартирилган ходимлар 1999 йил 12 январь кунидан буғалтерия тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши тўғрисида айнан Сайфуддинов Ё.ни касаллик даврига тўғри келган (У-7 № 691516 серияли 1.12.98 йил, У-7 №691587 серияли 16. 12. 98 йил У-10 № 347323 серияли 9.01.99 йил. У-7 № 691689 серияли 11.01.99 йил. У – 12 №061562 серияли 06.02.99 йил ва ҳ.к. касаллик варақаларини).

Ўз.Р. Меҳнат Кодексининг 102 – моддасида меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш кўрсатилган бўлиб, ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври қўшилмаслиги белгиланган.

Суд мажлисида сўралганда гувоҳ сифатида Жалилов Х. Сайфуддинов Ё. касаллик даврида уни лавозими қисқартирилганлиги тўғрисида туман инспекцияси томонидан ёзма равишда огоҳлантирилмаган бўлсада, ундан хизмат гувоҳномасини топшириш учун инспекцияда ишловчи ходимларни 2 маротаба уни уйига юборганларини, лекин у хизмат гувоҳномасини топширишдан бош тортганлигини, инспекцияга келиб учрашмаганлигини, сунъий йўллар билан бугунги ҳолатни келтирган деб ҳисоблашни кўрсатсада, лекин Сайфуддинов Ё.ни штати қисқартириш муносабати билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиниши тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирмаган.

Бундан ташқари Жалилов Х. томонидан келтирилган Сайфуддинов Ё. ишдан бўшатилмаганлиги, балки штат лавозими қисқартирилганлиги тўғрисидаги кўрсатмаси ҳам ушбу Тошкент шаҳар ДСББ томонидан штат лавозимини қисқартирилиши муносабати билан буғгалтерия орқали тўлиқ ҳисоб-китоб қилинсин деб, кўрсатилган банди билан инкор қилинади. Хизмат гувоҳномаси ҳам ходим ишдан бўшаган деб ҳисобланган ҳолатларда қайтарилади.

Юқорида келтирилганларга кўра, Ўз.Р. Меҳнат Кодексининг 100, 102-моддаларига, ФПК.нинг 203-206 –моддаларига амал қилган ҳолда суд қарор қилади.

Қ А Р О Р

Даъвогар Сайфуддинов Ё.Х.ни даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Сайфуддинов Ё.1998 йил 1 декабрь кунидан бошлаб Акмал Икромов тумани ДСИ бошлиғи муовини вазифасига тиклансин.

Ҳал қилувчи қарорни Сайфуддинов Ё.ни ишга тиклаш ҳақидги қисми дарҳол ижро этилсин.

қарордан норози томон 20 кунлик муддат ичида ушбу суд орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ёки эътироз келтириши мумкин.

Судья: Ж..С. Абдуллаев

изоҳ: қарор раислик этувчи томонидан маслаҳат хонада ёзув машинасида ёзилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари.-Т.: Ўзбекистон, 1995,-Б.23-24.
2. Каримов. И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-110 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-364 б.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-382 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-366 б.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-349 б.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-384 б.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.-Т.: Ўзбекистон, 1998. 449 б.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999. 410 б.

10.Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкуриси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Т.:ИИВ Академияси.,1999. Б. 381-382.

11.Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: Ўзбекистон, 2000. 526 б.

12.Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001. 440 б.

13.Каримов И.А. Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин. //Халқ сўзи. 2001,-8 дек.

14.Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари //Тошкент оқшоми. 2002. 30 авг. № 102-103.

II. Меъёрий манбалар.

1. Амалдаги меъёрий ҳужжатлар.

1 .Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-45 б.

2 .Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.-Т.: Адолат, 1998.-158 б.

3 .Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 1999.-525 б.

4 .Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.-Т.: Адолат, 1999.-81 б.

5 .Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.-Т.: Адолат, 2002.-320 б.

6 .Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги қонуни//Халқ сўзи. 1993.-15 янв.

7 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами. 1994. № 2. 7-модда.

8 .Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. № 6.-Т.: Адолат, 1993.-248 б.

9 .Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни.-Т.: Адолат, 1997.-103 б.

10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-2682-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2000. № 3, 30-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2000. № 11, 155-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва хўжалик процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонуни //Халқ сўзи. 2000.-4 дек.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи.-2001-10 нояб. № 230.

14 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси судлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 383-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2001. № 18, 133-модда.

15 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами. 2001. № 3, 13-модда.

16. Қонун номи билан//Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси-1998 № 2-сон (42) Б.28.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. II-жилди, 1-жилд. 1991-1997.-Т.: Шарқ, 1997.-255 б.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. II-жилд.-Т.: Шарқ, 1999.-400 б.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999. 24 сентябрдаги Пленуми қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Тўплам.-Т.: Нашриётсиз, 1999.-64 б.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги бўйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари: Тўплами. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази /У.Ч.Худойқулов таҳрири остида.-Т.: Нашриётсиз. 1999-426 б.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрел қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Олий суди.-Т.: Нашриётсиз. 2000.-65 б.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами 1993-2001//Сборник Постановлений Пленума и Президиума Вўсшего хозяйственного суда Республики Узбекистан.-Т., 2001.-С.100-101.

23. Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси/М.Файзиёв; Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол.-Т.: Адолат, 1992.-44 б.

24. Россия Федерацияси Олий суди Ахборотномаси. 1993. № 2.

25. Ведомости РФ,-1993. № 29.-С.1141.

26. Россия Федерацияси Конституциявий судининг 1993 йил 27 январ қарори//Российская газета.-1993.-13 апр.

27 Россия Федерациясининг «Фуқароларнинг пул маблағлари ва омонатларини индексация қилиш тўғрисида»ги қонуни. 1991 йил 24 октябрь. ВВС РФ.1991. № 45. Ст. 1488.

28. Германия. Фактў.-Социетэтс-ферлаг: Франктфурт-на-Майне. 1995.-178 с.

29. Гражданский процессуальнўй кодекс РСФСР.-Москва-Санк-Петербург: Герда, 1999.-298 с.

30. Трудовой кодекс Российской Федерации.-М.:ЮНВЕС, 2002.-392 с.

31. Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодекслари. Т.: Адолат, 1992.-360 б.

32. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунлари кодекси. (1994 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).-Т.: Адолат, 1994.-135 б.

Ш.Илмий адабиётлар.

1.Илмий китоблар, рисоалар, тўпламлар:

1. Авдюков М.Г. Принцип законности в гражданском судопроизводстве.-М.: МГУ, 1970. 97 с.

2. Архипов В.Д., Коняев Н.И., Хорев П.С.. Комментарий к Положению о порядке рассмотрения трудовъх споров.-М.: Юрид.лит, 1976-212 с.

3. Бару М.И. Регресснўе обязательства по трудовому праву.-М.: Госюриздат, 1962-141 с.

4. Будеев Б.А. Обязательнўе определения суда первой инстанции по гражданском делам: Свердловск: ин-т; Трудъ ин-т. Свердловск. № 15; 1971.-68 с.

5. Голованова Е.А. Трудовўе споръ и порядок их рассмотрения.-Пермь: Б.И., 1970-73 с.

6. Гукасян Р.Е. Проблемъ интересов в советском гражданском процессуальном праве.-Саратов. 1970.-74 с.

7. Голошапова Е.А. Трудовўе спори и порядок их рассмотрение.-Пермь: ин-т.,1970.-69 с.

8. Гукасян Р.Е. Соотношение материальной и процессуальной правоспособности. //Материальное право и процессуальнўе средства его захитъ.- Калинин, 1981. с. 6-8.

9. Гончарова Г.С. Переводъ и перемехания в судебной практике.-Харьков: Вижа школа.-1982.-168 с.

10. Голохапов С.А.. Понятие, видъ, причинъ, подведомственность трудовъх споров. Ўқув қўлланма.-М.: ВЮЗИ, 1984.-199 с.

11. Грось Л.А. Процессуальнўе особенности рассмотрения и разрешения трудовъх дел.-М.: ВЮЗИ, 1985.-171 с.

12. Гурбатов Н.М. Справочник по подготовке гражданских дел к судебному разбирательству. М.: Юрид.лит-ра. 1989.-224 с.

13. Давидович Я.И., Хрусталева Б.Ф. Прием на работу, перевод и увольнение рабочих и служахих.-Л., ЛГУ. 1960.-74 с.

14. Давтян А.Г. Гражданское процессуальное право Германии. М.: Городец., 2000.-320 с.

15. Данилов Е.П. Гражданский процессуальнўй кодекс РСФСР. Практическое пособие. Комментарий и постатейнўе материалъ. Судебная и адвокатская практика. Образцъ документов.-Изд-е 2-е.-М.: Право и Закон, 2001.-832 с.

- 16.Добровольский А.А. Исковая форма защитѣ права.-М.: Моск. Ун-т., 1965.-190 с.
- 17.Елисейкин Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежнѣх стран. Источники, судопроизводство, подсудность. Ёкув кўлланма. М.: Статус, 2000.-271с.
- 18.Иванов С.А., Лившиц Р.З., Орловский Ю.П. Советское трудовое право: вопросѣ теории.-М.: Юрид.лит-ра. 1978.-278 с.
- 19.Калужнѣй С.А. Ответственность должностнѣх лиц за нарушения законодательствв о труде.-Уфа: БГУ., 1981.-136 с.
- 20.Кленов Е.А. Судебная защита прав рабочих и служахих при увольнении. М.: Юрид.лит-ра, 1964. 86 с.
- 21.Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш. Ёкув кўлланма.-Т.: Адолат, 2001.-55 б.
- 22.Мицкевич А.В. Субъектѣ советского гражданского право.-М.: Политиздат. 1962.-284 с.
- 23.Морейн И.Б. Перевод на другую работу.-М.: Юрид.лит-ра, 1965.-207 с.
- 24.Никитинский В.И., В.Е.Панюгин. Дела об увольнении рабочих и служахих.-М.: Юрид.лит-ра, 1973 год.
- 25.Николаева Л.А.. Защита трудовѣх прав советских граждан.-Алма-Ата: Нед, 1971,-267 с.
- 26.Особенности рассмотрения отдельнѣх категорий гражданских дел./Под ред. М.К.Треушникова.-М.: МГУ, 1987,-203 с.
- 27.Панина.А.Б. Трудовое право: Вопросѣ и ответѣ. М.: Новѣй Юрист, 1998,-287 с.
- 28.Сафина Д.А. Процессуальнѣе особенности рассмотрения отдельнѣх категорий гражданских дел в суде.-Казань:Ун-т, 1989-196 с.
- 29.Скобелкин Л.. Рассмотрение трудовѣх споров.-Ульяновск: Б.И., 1959,-32 с.
- 30.Смолярчук В.И. Порядок рассмотрения трудовѣх споров.-М.: Госюриздат, 1962,-103 с.
- 31.Смолярчук В.И. Порядок рассмотрения трудовѣх споров.-М.: Госюриздат, 1966.-118 с.
- 32.Ставцева А.И. Порядок рассмотрения трудовѣх споров. -М.: Госюриздат, 1960.-217 с.
- 33.Ставцева А.И. Восстановление на работе неправильно уволеннѣх рабочих и служахих. М.: Госюриздат, 1963.-51 с.
- 34.Толкунова В.Н. Трудовѣе спорѣ и порядок их разрешения.-М.: Юристъ, 1997.-412 с.
- 35.Трубников П.Я. Защита гражданских прав в суде.-М.:Юрид.лит.,1990.-224 с.
- 36.Шакарян М.С. Субъектѣ советского процессуального права.-М.: Юрид лит-ра. 1970. 214 с.
- 37.Шакарян М.С. Участие в советском гражданском процессе органов государственного управление.-М.: ВЮЗИ, 1978.-193 с.

38.Шлемин А.М. Ответственность должностных лиц за незаконное увольнение.-Юрид.лит-ра, 1966,-138 с.

39.Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўриш жараёнидаги ҳужжат (васиқа)лар намуналари.-Т.: Ўзбекистон, 1994.-162 б.

40.Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари.-Т.: Камалак, 1996.-96 б.

41.Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. Ўқув қўлланма.-Т.: Адолат, 2000.-78 б.

42. Якубов С.А. Субъектў советского гражданского процессуального права /Отв.ред.: Н.А.Чечина. Т.: Фан, 1973,-260 с.

2. Илмий мақолалар:

1 .Бару М.И. Соотношение правовых и иных социальных норм в регулирование трудовых отношений //Сов.гос. и право. 1973,-№1,-С.52-59.

2 .Баҳриев К. Германиянинг ихтисослаштирилган судлари //Хўжалик ва ҳуқуқ.-1996.-№ 6.Б. 39-40.

3 .Бегичев Б.К. Об ограничении гражданской и трудовой дееспособности граждан //Сов.гос. и право.-1966.-№8.-С.124-127.

4 .Бернэм У., Решетникова И.В., Янков В.В. Судебная реформа: проблема гражданской юрисдикции.-Екатурибург: Гуманитар ун-т., 1996.-218 с.

5 .Воложанин В., Особенности производства по гражданском делем, предварительно разрешенным в несудебном порядке //Сов. юстиция.-1970.-№ 5.-С.

6 .Глянцев В. Увольнение в условиях рыночных отношений //Российское Юстиция.-1998.-№ 8.-С.

7 .Голованова Е. Формулировка причин увольнению //Сов.юстиция. 1989.-№ 7, С.28-29.

8 .Головина С.Ю. Рассмотрение судами дел по спорам, возникающим из трудовых правоотношений //Арбитражный и гражданский процесс-2000.-№ 4.-С.3-7

9 Диордиева О.Н. Тайна совещательной комнаты и проблему изложения решения //Арбитражный и гражданский процесс. 1999. № 3. С.45-50.

10. Избиенова Т.А. Проблемы компенсации морального вреда в сфере трудовых правоотношений. // Российский судья. 2001. № 4. с.26-30.

11. Караваев В. К проекту Основ законодательства о труде //Сов. юстиция.-1959.-№ 11.-С. 40-41.

12. Каринский С.С. Развитие законодательства о материальной ответственности рабочих и служащих //Сов. гос. и право.-1972.-№ 9.-С. 44-53.

13. Кобец Н.Г. Судебная защита права ФЗМК давать согласия на увольнение работника //Сов. гос. и право.-1967.-№ 1.-С.59-60.

14. Лифшиц Р.З. Исковая давность в советском трудовом праве // Сов. юстиция.-1964.-№ 12.-С.16-17.

15. Морейн И.Б. Урегулировать регрессную ответственность в трудовых спорах // Сов. юстиция. 1967. № 8.
- 16 Смирнов О.В. О правовом статусе рабочих и служащих // Сов. гос. и право.-1974.-№ 3. С.45-47.
- 17 Соломенка Е.А., Особенности рассмотрения судами дел о компенсации морального вреда. // Российский судья. 2000, №4, С. 31-36.
18. Ставцева Р.И. Подведомственность трудовых споров о восстановлении на работе // Трудовое право.-1998.-№ 2-4.
19. Хацкевич М., Мороз Л. Судебные постановления по делам о восстановлении на работе, // Сов. юстиция.-1990.-№ 12.-С.9-10.
20. Шорахметов Ш.Ш. Суд тизимини ислоҳ қилиш-давр талаби. // Қонун номи билан.-1997.-№ 3.Б.41-43
21. Швейцар Д.В. Об исковой давности по трудовым делам // Сов.гос. и право.-1959.-№ 11.-С. 105-106.
22. Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда в России и за рубежом. -М.:1997.-С.177.
23. Эрделевский А.М. Морального вред и компенсация за страдания. - М.:1998.-С.63.

3. Дарсликлар, қонунларга шарҳлар, тўпламлар, маълумотномалар, қомуслар:

- 1 .Викут М.А., Зайцев И.М. Гражданский процесс.-М.: Юристъ, 1999.-336 с.
- 2 Гражданское процессуальное законодательство: Комментарий /Под ред.: М.К.Юркова.-М.: Юрид.лит-ра, 1991.-717 с.
- 3 . Гусов Н.К., Толкунова В.Н. Прием, перевод и увольнение работников. Комментарий к КзОТ.-М.: Проспект, 1997.-271 с.
- 4 . Гусов Н.К., Толкунова В.Н. Трудовое право России.-М.: Юристъ, 1997.-389 с.
- 5 Гасанов М., Соколов Е. Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: Савол ва жавоблар.Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. 528 б.
- 6 Данилов Е.П. Гражданский процессуальный кодекс РСФСР. Практическое пособие.-Изд-е 2-е.-М.:Право и Закон, 2001.-832 с.
- 7 Иванов С.А. Третья кодификация законодательства о труде социалистических стран.-М.: Наука, 1979. 363 с.
- 8 Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик.-Т: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2002, Б.351.
- 9 Караваев В.В., Разрешение трудовых споров. Комментарий.-М.: Госюриздат, 1960.-222 с.
- 10 Комментарий к законодательству о труде.-М.: Юрид.лит-ра. 1981.-575 с.
11. Комментарий к кодексу законов о труде Российской Федерации / Под ред. К.Н.Гусова.-М.: Пост-Фактум, 1996. 588 с.

12. Комментарий к кодексу законов о труде Российской Федерации / Под ред. К.Н.Гусова.-М.: Проспект, 1997.-732 с.
13. Комментарий к кодексу законов о труде Российской Федерации // Отв. Ред. Ю.П.Орловский.-М. Юрист.2000. 528-529 с.
14. Куренной Р.М., Миронов В.И. Практический комментарий к законодательству трудовѣх споров.-М.: Дело, 1997.-399 с.
15. Кисилев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право.-М.: Дело. 1999. 332 с.
16. Пашков А.С. Смирнов О.В. Трудовое право.-М.: Юрид.-лит-ра, 1988.-604 с.
- 17.Сѣроватская Л.А. Трудовое право.-М.: Юрист, 1998.-469 с.
- 18.Советский гражданский процесс. /Под ред.: проф. А.А. Добровольский, А.Ф.Клейман.-М.: МГУ. 1970.-440 с.
- 19.Советское трудовое право. /Под ред.: Н.Г.Александрова.-М.: Юрид.лит-ра, 1972.-110 с.
- 20.Советский гражданский процесс. /Под ред.: М.А.Гурвича.-М.: Вш.шк. 1975.-399 с.
- 21.Советский гражданский процесс. /Под ред.: К.И. Комиссарова, В.М.Семенова.-М.: Юрид.лит-ра, 1978.-216 с.
- 22.Советский гражданский процесс. /Под ред. А.А.Добровольский.-М.: Юрид.лит-ра, 1979.-423 с.
- 23.Судебное комментарий по гражданским делам. М.: Юрид.лит-ра. 1980.-219 с.
- 24 Трудовое право. Под ред. О.В.Смирнова.-М.: Проспект, 1998-438 с.
25. В.Н.Уваров. Трудовое законодательство Республики Казахстан. Алматы, ТОО Баспа, 1998. С.179.
26. Ушаков А.Б. Трудовое право.-Л.: ЛГУ, 1996-281 с.
27. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик.-Т.: Адолат, 2001.-158 б.
28. Юридик эндиқкопедия / У.Таджихоновнинг умумий тахрири остида.-Т., 2001.-Б.188-/90.
- 29.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. –Т.:Адолат, 1999.-559 б.
- 30 Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислоҳотлар даври / Муаллифлар: А.А.Полвон-зода, Г.А.бдумажидов ва бошқ. –Т.: Адолат, 2002 –368 б.

Архив материаллари:

- 1 .Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Бюллетени.-Т.: 1991. № 3.
- 2 .Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. Т.: 1993. № 2.
- 3 .Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Ижронии юритиш қўлланмаси"-Т: Адолат, 1993.-132 б.
- 4 .Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами. 1993. № 7 сон.

5 .Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1994. февраль. Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш бўлимининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш маълумотномаси, 1996.

6 .Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш бўлимининг 2001 йил маълумотномаси.

7 .Ўзбекистон Республикаси Олий суди умумлаштириш бўлимининг 2002 йил маълумотномаси.

8 .Навоий вилояти Зарафшон шаҳар судининг 1996 йил архив материаллари.

9 .Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 1996 йил архив материаллари.

10. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 1996 йил архив материаллари.

11. Самарқанд вилояти Тойлоқ туман судининг 1996 йил архив материаллари.

12. Бухоро вилояти Олот туман судининг 1996 йил 3 ноябр архив материаллари.

13. Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1996 йил архив материаллари.

14. Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 1996 йил архив материаллари.

15. Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 1997 йил архив материаллари.

16. Тошкент вилоят Олмалиқ шаҳар судининг 1997 йил январ ойи архив материаллари.

17. Андижон вилоят суди раёсатининг 1997 йил сентябр ойи архив материаллари.

18. Қашқадарё вилояти Қамаши туман судининг 1997 йил архив материаллари.

19. Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 1997 йил архив материаллари.

20. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 1997 йил архив материаллари.

21. Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Сариосиё туман судининг 1997 йил ноябрдаги архив материаллари.

22. Навоий вилояти Навоий шаҳар судининг 1998 йил архив материаллари.

23. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар судининг 1998 йил июл ойи архив материаллари.

24. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 1998 йил архив материаллари.

25. Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 1999 йил архив материаллари.

26. Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2000 йил архив материаллари.

27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг № 2-147 д назорат иши.

4. Диссертациялар, диссертацияларнинг авторефератлари:

1. Боннер А.Т. Применение нормативных актов в гражданском процессе: Автореф. диссертация. д-ра. юрид. наук.-М., 1980.-52 с.
2. Дедов Д.И. Порядок разрешения коллективных трудовых споров в России и США. Автореф. диссертация канд. юрид. наук.-Москва. 1993.-23 с.
3. Ерохин М.П. Особенности рассмотрения трудовых споров в судебных органах: Диссертация канд. юрид. наук. М., 1974.-173 с.
4. Зинченко А.И. Мирные соглашения в гражданском судопроизводстве: Автореф. диссертация канд. юрид. наук.-Саратов, 1981.-21с.
5. Иноятов А.А. Правовые последствия незаконного увольнения рабочих и служащих по инициативе администрации: Автореф. диссертация канд. юрид. наук.-М., 1974.-23 с.
6. Моисеева Ю.В. Гражданско-процессуальные особенности рассмотрения коллективных трудовых споров. Автореф. диссертация канд. юрид. наук.-Санкт-Петербург. 2000.-24 с.
7. Ташназаров С.А. Подготовка гражданских дел к судебному разбирательству: Автореф. диссертация канд. юрид. наук. М., 1988.-22 с.
8. Филиппов Е.И. Право на труд и его защита в советском гражданском процессе: Автореф. диссертация канд. юрид. наук.-Свердловск. 1953.-23 с.